

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ  
ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ



ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ  
МУҲАНДИСЛИГИ

ИЧКИ ЁНУВ ДВИГАТЕЛЛАРИНИНГ  
ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИ ВА  
ЭКОЛОГИКЛИГИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**“ТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИ МУҲАНДИСЛИГИ”  
(турлари бўйича) йўналиши**

**“ИЧКИ ЁНУВ ДВИГАТЕЛЛАРИНИНГ ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИ  
ВА ЭКОЛОГИКЛИГИ”**

**модули бўйича**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**Тошкент – 2021**

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 7 декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастур асосида тайёрланди.

**Тузувчилар:** ТДТУ, “Энергия машинасозлиги ва касб таълими” кафедраси профессори, т.ф.н., Б.Р Тўлаев,  
ТДТУ, “Энергия машинасозлиги ва касб таълими” кафедраси доценти О.О.Даминов

**Тақризчи:** ТАЙЛҚЭИ, т.ф.д., профессор Б.И.Базаров

Ўқув-услубий мажмуа Тошкент давлат техника университети Кенгашининг 2020 йил 18 декабрдаги 4 сонли йиғилишида кўриб чиқилиб, фойдаланишга тавсия этилди.

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. ИШЧИ ДАСТУР.....</b>	<b>5</b>
<b>II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ .....</b>	<b>13</b>
<b>III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР .....</b>	<b>17</b>
<b>IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ .....</b>	<b>93</b>
<b>V. КЕЙСЛАР БАНКИ .....</b>	<b>120</b>
<b>VI. ГЛОССАРИЙ.....</b>	<b>125</b>
<b>VII. ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР .....</b>	<b>139</b>

## **I. ИШЧИ ДАСТУР**

### **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан холда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш ҳамда олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий компетентлигини мунтазам ошириб боришни мақсад қилади.

Ишчи ўқув дастури ёнилғи-энергетик ресурслар ва улардан фойдаланишнинг барқарор ривожланиши; энергосамарадорлик ва энерготежамкорлик; истиқболли муқобил мотор ёнилғилари; ички ёнилғи двигателининг энергосамарадорлиги ва энерготежамкорлиги; ички ёнилғи двигателларининг фойдали иш коэффицентини ошириш йўллари; ички ёнув двигателлари ва автотранспорт воситаларининг экологик тозалиги масалаларининг назарий ва амалий асосларини ўрганишни ўзида қамраб олган.

## **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

**“Ички ёнувдвигателларининг энергия самарадорлиги ва экологиклиги” модулининг мақсади ва вазифаси – тингловчиларни ер усти транспорт тизимлари соҳасидаги глобал муаммо транспорт тизимлари энергия самарадорлиги ва экологиклигининг замонавий муаммолари билан таништириш ҳамда бу муаммоларни ечиш бўйича дунёдаги энг замонавий технологиялар бўйича уларда билим, кўникма ва амалий малакаларни шакллантириш, яъни уларнинг бу соҳадаги компетентлигини шакллантиришдан иборатdir.**

**Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

**“Ички ёнувдвигателларининг энергия самарадорлиги ва экологиклиги” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида:**

### **Тингловчи:**

- ички ёнувдвигателларининг экологик кўрсаткичлари ва уларнинг таҳлилини;
- ички ёнувдвигателларида ишлатилган газлар таркибидаги заҳарли моддаларнинг ҳосил бўлиш сабабларини ва уларни камайтириш тадбирларининг илмий асосларини;
- ички ёнувдвигателларининг атроф-муҳитга салбий таъсири қилувчи омилларини камайтириш ва йўқотиш усулларининг таҳлилини;
- ички ёнувдвигателлари энерготежамкорлигини таъминлаш йўлларининг таҳлилини;
- ички ёнувдвигателлари ва автотранспорт воситаларининг экологик тозалиги масалаларини;
- индиивдуал углеводородларнинг захарлилигини;
- табиий ва нефт газидан олинадиган ёнилғилар захарлилигини;
- ёнилғига қўшиладиган қўшимчалар захарлилигини;

- ёниш маҳсулотлари компонентларининг захарлилигини мослаштириш бўйича **билимларга эга бўлиши лозим**.

**Тингловчи:**

- транспортдан фойдаланиш самарадорлигига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш;
- заарли моддалар чиқишини нормалаш;
- индивидуал ҳимоя воситаларидан фойдаланиш;
- ички ёнилғи двигателларининг фойдали иш коэффицентини ошириш;
- газсимон ёнилғиларнинг бензин ва дизел ёнилғисида ишлайдиган двигателларда фойдаланишни баҳолаш **кўникмаларига** эга бўлиши лозим.

**Тингловчи:**

- ички ёнув двигателларининг атроф-муҳитга салбий таъсир қилувчи омилларини камайтириш тадбирларини танлаш;
- ички ёнув двигателлари экологик хавфсизлигини таҳлил ва тадқиқ қилиш;
- муқобил мотор ёнилғиларида ишлайдиган ички ёнув двигателларга диагностик ва техник хизмат кўрсатишни ташкил этиш;
- атроф-муҳит ҳолатини назорат қилиш;
- захарланишда биринчи ёрдам тадбирлари кўрсатишни ташкил этиш **малакаларини эгаллаши зарур**.

**Тингловчи:**

- ички ёнув двигатели кўрсаткичларини, жумладан энергия тежамкорлиги ва экологик кўрсаткичларни яхшилаш;
- ички ёнилғи двигателларининг фойдали иш коэффицентини ошириш;
- газсимон ёнилғиларнинг бензин ва дизел ёнилғисида ишлайдиган двигателларда фойдаланиш;
- транспорт экологиясининг муаммоларини ечиш кўрсаткичларини яхшилашга оид **компетенцияларига эга бўлиши зарур**.

**Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

**“Ички ёнув двигателларининг энергия самарадорлиги ва экологиклиги”** модули маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб

борилади.

Курсни ўқитиши жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, “Блиц ўйини”, “Венн диаграммаси”, “Ақлий хужум”, “Кейс-стади” ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўкув режадаги бошқа фанлар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

“Ички ёнув двигателларининг энергия самарадорлиги ва экологиклиги” модули ўкув режадаги қуйидаги фанлар билан боғлик: “Транспорт воситаларини автоматлаштириш”, “Транспорт воситаларида қўлланилайдиган альтернатив ёнилғилар” ва “Машиналар диагностикаси ва техник хизмат кўрсатиш”.

### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Бугунги кунда дунёда саноат кескин ривожланганлиги, айниқса транспорт тизимларидан кенг фойдаланиш бир қанча экологик ва ижтимоий-иктисодий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Автотранспорт тизимида бугунги кунда асосий ёнилғи сифатида ишлатиладиган бензин, дизел ёнилғиси ва газсимон ёнилғилар табиий газ ва нефтардан олинади. Уларнинг табиий заҳираси камайиб бормоқда. Иккинчидан, узоқ йиллар давомида транспорт воситаларидан кенг фойдаланиш дунё миқёсидаги бир қанча муаммоларни вужудга келтирмоқда: атмосферада CO<sub>2</sub> қўпайиб кетганлиги туфайли йиллик ўртача ҳаво ҳарорати охирги 30 йил ичидаги 2 °га кўтарилди; ҳаво таркибида заарли моддалар ортиб экологияга ва одамларга сезиларли заарлар етказмоқда. Экологик тоза ёнилғилардан фойдаланиш, атмосферага заарли чиқиндилар чиқишини камайтириш, двигателларнинг ёнилғи тежамкорлиги ва

самарадорлиги кўрсаткичларини яхшилаш дунё мутахассислари, жумладан Ўзбекистон мутахассислари олдида турган энг долзарб муаммолардан биридир.

**“Ички ёнувдвигателларининг энергия самарадорлиги ва экологикилиги” модули бўйича соатлар тақсимоти**

№	<b>Модул мавзулари</b>	<b>Тингловчининг ўқув юкламаси, соат</b>			
		<b>Жами</b>	<b>Назарий</b>	<b>Амалий</b>	<b>Машғулот</b>
					<b>Кўчма машғулот</b>
1.	Газсимон ёнилғиларнинг бензин ва дизел ёнилғисида ишлайдиган двигателларда фойдаланиш	8	4	4	
2.	ИЁДлар ёнилғи тежамкорлигини яхшилаш ва ишланган газлар таркибида заҳарли компонентларни камайтириш.	4	2	2	
3.	Ички ёнувдвигателлари ва автотранспорт воситаларининг экологик тозалиги масалалари ва уларни ечиш йўллари	8	2	2	4
	<b>Жами:</b>	<b>20</b>	<b>8</b>	<b>8</b>	<b>4</b>

### **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

#### **1-мавзу: Газсимон ёнилғиларнинг бензин ва дизел ёнилғисида ишлайдиган двигателларда фойдаланиш.**

Ёнилғи-энергетик ресурслар. Ёнилғиларга қўйиладиган асосий талаблар. Ёнилғи-энергетик ресурсларни тежаш. Суюқлаштирилган пропан-бутанли (нефтли) газ (СНГ). Сиқилган табиий газ. Суюқлаштирилган табиий газ. Газсимон ёнилғиларнинг бензин ва дизел ёнилғисида ишлайдиган двигателларда фойдаланиш: газсимон ёнилғиларнинг ёниш жараёни; уларнинг ёниш реакциялари ва улар ёнганда ажралиб чиқадиган иссиқлиш миқдори. Таббий газни ёқиши учун зарур бўлган ҳаво миқдори.

## **2-мавзу: ИЁДлар ёнилғи тежамкорлигини яхшилаш ва ишланган газлар таркибида заҳарли компонентларни камайтириш.**

Учқун билан ўт олдириладиган двигателларида аралашма ҳосил бўлиши хақида умумий маълумотлар. Бензинни пуркаш тизимлари. Ёнилғини пурковчи МРІтизимининг ишлаши. Ёнилғи узатиш тизими. Электрон бошқариш тизими. Ёнилғини бир вақтда узатиш усули. Пуркалаётган ёнилғи миқдорини бошқариш. Ишланган газлар таркибида заҳарли компонентларни камайтириш. Захарли моддаларнинг чиқариб ташланиши. ИЁДлар чиқариб ташлайдиган асосий захарли моддалар.

## **3-мавзу: Ички ёнув двигателлари ва автотранспорт воситаларининг экологик тозалиги масалалари ва уларни ечиш йўллари**

Ички ёнув двигателлари ва автотранспорт воситаларининг экологик тозалиги масалалари ва уларни ечиш йўллари. Атроф муҳитга водороднинг таъсири. Асосий заарали моддаларнинг ҳосил бўлиши. Курум ва қаттиқ заррачалар. Ёнилғи узатиш ва ўт олдириш тизимларини такомиллаштириш. Учқун билан ўт олдириладиган двигателларда ишланган газлардаги заарали моддалар миқдорини пасайтириш. Двигателни ишга туширишда ва уни қиздиришда СН чиқишини камайтириш. Дизелларда ишланган газлардаги заарали моддалар миқдорини пасайтириш.

## **АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот: Двигателнинг иссиқлик ҳисоблаш**

Бошланғич маълумотлар, ёнилғи, ишчи жисм параметрлари, атроф муҳит параметрлари ва қолдиқ газларни ҳисоблаш .

### **2-амалий машғулот: Ҳақиқий цикл ҳисоблаш**

Киритиш жараёни, сиқиши жараёни, ёниш жараёни, кенгайиш жараёни, чиқариш жараёни.

### **3-амалий машғулот: Двигателнинг индикатор кўрсаткичлари**

Ишчи циклнинг индикатор параметрлари, индикатор ф.и.к. ва ёнилғининг солиштирма индикатор сарфи, двигател ишчи циклининг индикатор параметрлари.

#### **4-амалий машғулот: Двигателнинг эффектив кўрсаткичлари**

Ишчи циклнинг эффектив параметрлари, механик йўқотишлар, ўртача эффектив босим, механик ф.и.к, эффектив қувват, эффектив ф.и.к. ва ёнилғининг эффектив солиштирма сарфи, двигателнинг эффектив кўрсаткичлари.

#### **КЎЧМА МАШҒУЛОТ МАЗМУНИ**

**Мавзу: Ички ёнув двигателлари ва автотранспорт воситаларининг экологик тозалиги масалалари ва уларни ечиш йўллари**

Модулнинг кўчма машғулотини «UzAuto Motors Powertrain – Uzbekistan» кўшма корхонасида ўtkазилиши кўзда тутилган. Кархонада нги техника ва технологиялар билан танишин кўзда тутилган.

#### **ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ШАКЛЛАРИ**

Таълимни ташкил этиш шакллари аниқ ўкув материали мазмуни устида ишлаётганда ўқитувчини тингловчилар билан ўзаро ҳаракатини тартиблаштиришни, йўлга қўйишни, тизимга келтиришни назарда тутади.

Модулни ўқитиши жараёнида таълимнинг қуидаги шаклларидан фойдаланилади:

- маъруза;
- амалий машғулот.

Ўкув ишини ташкил этиш усулига кўра:

- жамоавий;
- грухли (кичик грухларда, жуфтликда);
- якка тартибда.

**Жамоавий ишлаш** – Бунда ўқитувчи грухларнинг билиш фаолиятига раҳбарлик қилиб, ўкув мақсадига эришиш учун ўзи белгилайдиган дидактик ва тарбиявий вазифаларга эришиш учун хилма-хил методлардан фойдаланади.

**Грухларда ишлаш** – бу ўкув топширигини ҳамкорликда бажариш учун ташкил этилган, ўкув жараёнида кичик грухларда ишлашда (3 тадан –

7 тагача иштирокчи) фаол роль ўйнайдиган иштирокчиларга қаратылған таълимни ташкил этиш шаклидир.

Үқитиши методига құра гурухни кичик гурухларға, жуфтликларға ва гурухлараро шаклға бўлиш мумкин. Бир турдаги гурухли иш ўқув гурухлари учун бир турдаги топшириқ бажаришни назарда тутади.

*Бир турдаги гурухли иш ўқув гурухлари учун бир турдаги топшириқ бажаришни назарда тутади.*

*Табақалашган гурухли иш гурухларда турли топшириқларни бажаришни назарда тутади*

**Якка тартибдаги шаклда** – ҳар бир таълим олувчига алоҳида- алоҳида мустақил вазифалар берилади, вазифанинг бажарилиши назорат қилинади.

## II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

### “Венн диаграмма” методи

**Методнинг мақсади:** Бу метод график тасвир орқали ўқитишни ташкил этиш шакли бўлиб, у иккита ўзаро кесишган айлана тасвири орқали ифодаланади. Мазкур метод турли тушунчалар, асослар, тасавурларнинг анализ ва синтезини икки аспект орқали кўриб чиқиши, уларнинг умумий ва фарқловчи жиҳатларини аниқлаш, таққослаш имконини беради.

#### **Методни амалга ошириш тартиби:**

- иштирокчилар икки кишидан иборат жуфтликларга бирлаштириладилар ва уларга кўриб чиқилаётган тушунча ёки асоснинг ўзига хос, фарқли жиҳатларини (ёки акси) доиралар ичига ёзиб чиқиши таклиф этилади;
- навбатдаги босқичда иштирокчилар тўрт кишидан иборат кичик гурухларга бирлаштирилади ва ҳар бир жуфтлик ўз таҳлили билан гурух аъзоларини таништирадилар;
- жуфтликларнинг таҳлили эшитилгач, улар биргалашиб, кўриб чиқилаётган муаммо ёхуд тушунчаларнинг умумий жиҳатларини (ёки фарқли) излаб топадилар, умумлаштирадилар ва доирачаларнинг кесишган қисмига ёзадилар.

**Намуна: Транспорт воситаларида қўлланиладиганёнилғи турлари бўйича**



## **“Блиц-ўйин” методи**

**Методнинг мақсади:** ўқувчиларда тезлик, ахборотлар тизмини таҳлил қилиш, режалаштириш, прогнозлаш қўнималарини шакллантиришдан иборат. Мазкур методни баҳолаш ва мустаҳкамлаш максадида қўллаш самарали натижаларни беради.

### **Методни амалга ошириш босқичлари:**

1. Дастреб иштирокчиларга белгиланган мавзу юзасидан тайёрланган топшириқ, яъни тарқатма материалларни алоҳида-алоҳида берилади ва улардан материални синчиклаб ўрганиш талаб этилади. Шундан сўнг, иштирокчиларга тўғри жавоблар тарқатмадаги «якка баҳо» колонкасига белгилаш кераклиги тушунтирилади. Бу босқичда вазифа якка тартибда бажарилади.

2. Навбатдаги босқичда тренер-ўқитувчи иштирокчиларга уч кишидан иборат кичик гурӯҳларга бирлаштиради ва гурӯҳ аъзоларини ўз фикрлари билан гурӯҳдошларини таништириб, баҳсласиб, бир-бирига таъсир ўтказиб, ўз фикрларига ишонтириш, келишган ҳолда бир тўхтамга келиб, жавобларини «гурӯҳ баҳоси» бўлимига рақамлар билан белгилаб чиқиши топширади. Бу вазифа учун 15 дақиқа вақт берилади.

3. Барча кичик гурӯҳлар ўз ишларини тугатгач, тўғри ҳаракатлар кетма-кетлиги тренер-ўқитувчи томонидан ўқиб эшиттирилади, ва ўқувчилардан бу жавобларни «тўғри жавоб» бўлимига ёзиш сўралади.

4. «Тўғри жавоб» бўлимида берилган рақамлардан «якка баҳо» бўлимида берилган рақамлар таққосланиб, фарқ булса «0», мос келса «1» балл қуийш сўралади. Шундан сўнг «якка хато» бўлимидаги фарқлар юқоридан пастга қараб қўшиб чиқилиб, умумий йиғинди ҳисобланади.

5. Худди шу тартибда «тўғри жавоб» ва «гурӯҳ баҳоси» ўртасидаги фарқ чиқарилади ва баллар «гурӯҳ хатоси» бўлимига ёзиб, юқоридан пастга қараб қўшилади ва умумий йиғинди келтириб чиқарилади.

6. Тренер-ўқитувчи якка ва гурӯҳ хатоларини тўпланган умумий йиғинди бўйича алоҳида-алоҳида шарҳлаб беради.

7. Иштирокчиларга олган баҳоларига қараб, уларнинг мавзу бўйича ўзлаштириш даражалари аниқланади.

<b>Гурух баҳоси</b>	<b>Гурух хатоси</b>	<b>Тўғри жавоб</b>	<b>Якка хато</b>	<b>Якка баҳо</b>	<b>Таъминлаш тизимининг</b>
		6			Мойловчи присадкалар (лубрикаторлар «Лубризол» ёки бошқа мойловчи материаллар)ни қўллаш билан кўзгалувчи бирикмалар элементлари ейилишини камайтириш.
		5			ДМЭ буғларини ТНВД картери ва форсункалар тўкиш линиясидан дизелнинг киритиш трубасига олиб кетиш;
		3			Паст босим линиясида босим 15 баргача бўлган диапазонда ушлаб турилади, бу адаптирашган ёнилғи ҳайдовчи насослар ва филтрлар билан таъминланади;
		1			ДМЭ ёнилғи насосига суюқ фазада тўйинган буғлар босимидан юқори босимда узатилиши;
		2			ДМЭ форсункаларга тахминан 300 бар босим остида

					узатилиши, бунда юқори босим линиясидаги қолдик босим форсункадаги түйинган буғлар босимида катта бўлиши;
		4			Юқори босим линиясида буғ пробкаларининг бўлмаслиги, буғ иккиланган ҳайдовчи клапан ТНВДда ва пуркагичлар ўтиш кесимларининг катталаштирилиши билан таъминланади;

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **1-мавзу: Газсимон ёнилғиларнинг бензин ва дизел ёнилғисида ишлайдиган двигателларда фойдаланиш**

**Режа:**

1. Ёнилғи-энергетик ресурслар
2. Ёнилғиларга қўйиладиган асосий талаблар

**Таянч сўз ва иборалар:** ёнилғининг иссиқлик чиқариш қобилияти, ёнилғи-ҳаво аралашмаси, табиий газ, суюқлаштирилган нефт гази, метанол.

#### **1. Ёнилғи-энергетик ресурслар**

Замонавий поршенли ички ёнув двигателларига қуидаги асосий талаблар қўйилади: атроф-муҳитга салбий таъсир қилишнинг энг кам даражаси; иссиқлик энергиясининг механик энергияга айлантириш такомиллигининг даражаси ёки солиштирма ёнилғи сарфининг энг кичик қиймати ва ишқаланишга сарфларнинг кичиклиги; буровчи момент ва кувватлар максимал қийматларининг кенг диапазони; литрли қувватнинг юқори қиймати; солиштирма масса ва габарит ўлчамларининг энг кичик қийматлари; конструкция элементларининг ишончлилиги ва узоқ муддат хизмат қилиши; конструкция соддалиги; хизмат қўрсатиш қулайлиги ҳамда эксплуатация қилиш ва таъмирлаш арzonлиги; ишончли ўт олдириш ва ўзгарувчи иш режимларига тез мослашиш; конструкциянинг ёнилғининг ҳар хил турларида ишлаши ва истиқболлиги; конструкциянинг модернизациялашга имкон бериши; тўлиқ ҳаётий циклидан сўнг рециклирлашнинг юқори даражаси.

Юқорида қайд этилган талаблар кўп жиҳатдан фойдаланиладиган нефтдан олинган мотор ёнилғиларининг турига боғлиқ, улар чекланган ресурсга эга.

*Ёнилғи-энергетик ресурсларни тежаси (ТЭР) – базавий, этalon қиймати билан солиштиргандаги ТЭРни маҳсулотни ишлаб чиқариш, жамият талабларига мос равишда экологик ва бошқа чекланишларни бузмасдан*

ўрнатилган сифатдаги ишларни бажариш ва хизмат кўрсатишга қиёсий истеъмол қилиш.

ТЭР тежалганлигини ТЭР истеъмоли бўйича эмас, балки сарфлашнинг солиштирма қисқариши орқали аниқлашади, у муайян энергия истеъмол қилаётган обьект (буюм, жараён, иш ва хизмат кўрсатиш) ёнилғи-энергетик балансининг сарф қисми билан кординацияланади.

ТЭР сарфининг этalon қийматлари норматив, техник, технологик, методик ҳужжатларда белгиланади ва ваколатли орган томонидан текширилаётган шароитлар ва фаолият натижаларига қўллаши учун тасдиқланади.

*Энергия тежамкорлиги* – бу ТЭРдан самарали (рационал) фойдаланиш (ва тежамли сарфлаш) ва хўжалик ишига қайта тикланадиган энергия манбаларини жалб қилишга йўналган ҳуқуқий, ташкилий, илмий, ишлаб чиқариш, техниковий ва иқтисодий тадбирларни реализация қилишdir.

1.1-жадвалда 2010 ... 2050 йиллар учун дунёning башорат қилинган ёнилғи-энергетик баланси келтирилган.

МАГАТЭ, ОПЕК, БМТ саноат ривожланиши департаменти маълумотлари ва Жаҳон Энергетика Агентлиги (ЖЭА) башорати бўйича 2030 йилда жаҳон энергия балансида нефтнинг улуши 40 %, газники – 27 %, кўмирники – 24 %, бошқаларники – 9 % ни ташкил қиласди.

Ҳозирги пайтда дунёда 1 йилда тахминан 5 млрд. тонна, Россияда – 0,5 млрд. тонна, Ўзбекистонда – 6 млн. тонна нефт қазиб олинмоқда. Шуни қайд этиш лозимки, АҚШда 1 йилда 19 млн. баррел (2,9 млн. тонна) нефтдан фойдаланилади ва Америка нефт институти маълумотлари бўйича 43 % нефт маҳсулотларидан автомобиллар учун енгил ёнилғи сифатида, 11% – дизел ёнилғиси сифатида, 9 % – авиация ёнилғиси сифатида, 16 % – мой, гудрон, пластик сифатида, 4 % – печ ёнилғиси сифатида, 5 % – оғир ёнилғиси ва 12 % – турли ёнилғи сифатида фойдаланилади<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Richard Folkson, Alternative Fuels and Advanced Vehicle Technologies for Improved Environmental Performance. Woodhead Publishing Limited, 2015. 17 p.

## 1.1-жадвал

### 2010...2050 йилларга дунёning башоратий ёнилғи энергетик баланси, %

Энергия манбаларининг турлари	2010 й.	2020 й.	2050 й.
Нефт	35...39	30	28...29
Табиий газ	24...25	29	28...30
Күмір	18...19	17	22...24
Бошқалар	13...14	24	20

Бундай тенденция бирламчи энергия ресурслари истеъмоли билан доим шуғулланиши талаб қиласы (1.2-жадвал).

## 1.2. Жадвал

### Дунёда бирламчи энергоресурсларни истеъмол қилиш башорати

Энергоресурслар турлари	2001 й.	2025 й.		
Нефт	156,5	38,7	240,7	37,6
Табиий газ	93,1	23,1	181,8	28,4
Күмір	95,9	23,7	139,0	21,7
Ядро ёнилғиси	26,4	6,5	28,6	4,5
Гидроэнергия ва энергоресурсларнинг бошқа турлари	32,2	8,0	50,0	7,8
<b>ЖАМИ</b>	<b>404,1</b>	<b>100,0</b>	<b>640,1</b>	<b>100,0</b>

\* BTU – British thermal unit (британия иссиқликтік бирлигі)

Нефт маҳсулотларидан фойдаланишнинг бундай динамикаси уларни алмаштирувчиларни – альтернатив мотор ёнилғиларини излашга мажбур қиласди.

Шу муносабат билан деярли ҳамма юқори ривожланган мамлакатларда ёнилғи-энергетик ресурслар балансини рационаллаштириш ҳамда иқтисодиётнинг энергияни энг кўп истеъмол қилувчи соҳаси сифатида транспортнинг ҳар хил турлари учун альтернатив ёнилғилар билан боғлик бўлган илмий-амалий ишлар олиб борилмоқда.

Маълумки, қуйидагилар альтернатив ёнилғи сафига киради: кўмирдан олинган синтетик бензин, ёнувчи сланец, торф, табиий газ; бензонометанол ва бензоноэтанол аралашмалари; водород; суюқлаштирилган нефтли пропан бутан газлари (СНГ); сиқилган табиий газ (СПГ) ёки суюқлаштирилган табии газ (СжПГ); газогенератор, домен, пласт газлари; биогазлар; газоконденсат ёнилғилари; аммиак; сув-ёнилғи эмулсиялари ва б.

Юқорида баён қилинганларга кўра альтернатив ёнилғиларни уларнинг қатор характерли белгилари бўйича классификация қилиш мумкин. (1.1-расм)<sup>1</sup>.

Бундан ташқари улар маҳаллий, истиқболли ва бошқа альтернатив ёнилғиларга бўлиниши мумкин.




### Альтернатив мотор ёнилғилари


Олиниши бўйича

Иссиқлик бериш қобилияти  
бўйича  
(энергия сифими ёки энергия зичлиги)

<sup>1</sup> Richard Folkson, Alternative Fuels and Advanced Vehicle Technologies for Improved Environmental Performance. Woodhead Publishing Limited, 2015. 12-14 pp.

табиий (нефтдан олинадиган)	синтетик (нефтдан олинмайдиган)	юқори >31.4 МДж/м <sup>3</sup>	ўртача 12.6...31.4 МДж/м <sup>3</sup>	паст <12.6 МДж/ м <sup>3</sup>
-----------------------------------	---------------------------------------	--------------------------------------	---	---





*1.1-расм. Альтернатив мотор ёнилғиларининг классификацияси*

## **1.2 Ёнилғиларга қўйиладиган асосий талаблар**

Автомобил бензинларига қўйиладиган асосий талаблар ички ёнув двигателлари (ИЁД)нинг зарурий кўрсаткичлари ва характеристикаларини таъминлашдан келиб чиқиб шакллантирилади. Ёнилғининг детонацион чидамлилиги, фракцион таркиби, ёнишда ажралиб чиқадиган иссиқлик, коррозион активлик ва бошқалар уларнинг асосий кўрсаткичлари ҳисобланади.

Поршенли двигателларда альтернатив ёнилғилардан фойдаланиш базавий таъминлаш тизимидағи мос конструктив ўзгаришлар билан ёки принципиал янги конструкциялар яратилиши билан шартланади.

Лекин двигателга ёнилғининг ҳар хил турларини узатиш масаласини уларнинг қуйидаги хоссаларини таҳлил қиласдан ва ҳисобга олмасдан ечиш мумкин эмас:

- физикавий-кимёвий хоссалари*, улар одатда двигатель ишини ҳамда ёнилғи узатиш ёки таъминлаш тизимининг конструктив хусусиятларини белгилайди;
- энергетик (иссиқлик-техник) хоссалари*, улар ёниш жараёни боришининг ва двигатель ишчи жараёнининг сифати ва характеристини белгилайди;
- газодинамик ва технологик-ишилаб чиқариши хоссалари*, улар ёнилғиларни олиш, транспортировка қилиш, заправка қилиш ва сақлаш билан боғланган;
- захарлилик хоссалари*, улар атроф-муҳитга таъсирни белгилайди.

Риккардо биринчи бўлиб учқундан ўт олдириладиган ИЁДлар ривожланишини чекловчи омил детонация эканлигини кўрсатди ва максимал фойдали сиқиши даражаси (МФСД) тушунчасини киритди, у муайян двигателда маълум шароитларда ёнилғининг кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Двигател бир хил бензинда ҳар хил шароитларда ишлаганда детонациянинг вужудга келиши кўп омилларга (иш режими, ёниш камераси конструкцияси ва клапанлар ва свечалар жойлашиши, ўт олдириш илгарилиги бурчаги ва б.) ва двигателнинг асосий конструктив параметри – сиқиши даражаси ( $\varepsilon$ ) га боғлиқ<sup>1</sup>.

Ўртача эффектив босим ва ёнилғининг минимал солиширма сарфи қийматларини тахминий аниқлаш учун қуидаги боғланишлар мавжуд

$$p_{e_{\max}} \approx 2,2 \sqrt[3]{\varepsilon^2}, \quad \text{кГс/см}^2 \quad (1.1)$$

$$g_{e_{\min}} \approx 460 / \sqrt[3]{\varepsilon}, \text{ г/л.с.ч.} \quad (1.2)$$

Бензиннинг маълум маркасида двигател иши жараёнида рухсат этилган чегарагача сиқиши даражаси ортганда ёниш ҳарорати кўтарилади, ёниш жараёни давомийлиги қисқаради, ёнишда иссиқлик йўқотилиши камаяди, ёниш маҳсулотларининг кенгайиш даражаси ортади, ишланган газлар ҳарорати пасаяди, циклнинг максимал ва ўртача босими кўтарилади.

1.3-жадвалда турли энергия манбаларининг энергетик эквивалентлари келтирилган.

*1.3-Жадвал*

---

<sup>1</sup> Hua Zhao. Advanced direct injection combustion engine technologies and development. Volume 1: Gasoline and gas engines. USA. Woodhead Publishing Limited, 2010. 26 p.

## Турли энергия манбаларининг энергетик эквивалентлари

№	Энергия манбалари	Ёниш иссиқлиги, МДж/кг (МДж/м3)	Ўтказиш коэффициенти		Изоҳ
			шартли ёнилғи	нефт эквиваленти	
1	Нефт	41,9	1,43	10,0	1 кВт·с=123 г у.т.=860 ккал=3,6 МДж
2	Тошкўмир	27,6	0,94	0,67	
3	Табиий газ	(34,3)	1,17	0,83	
4	Электроэнергия (1 кВт·с учун)	3,6	0,123	0,086	
5	Уран	475000	16,2	11,33	
6	Сланец смоласи	40	1,37	0,95	

Шундай қилиб, ички ёнув двигателлари учун ёнилғилар қуйидаги талабларга мос келиш керак:

- яхши аланталаниш, олинган аралашманинг нормал ва тўлиқ ёниши;
- талаб қилинган таркибдаги ёнувчи аралашманинг ҳосил бўлиши;
- таъминлаш тизимига ёнилғининг бетўхтов узатилишининг таъминланиши;
- коррозиянинг ва двигател деталларига коррозион таъсирнинг йўқлиги;
- таъминлаш, киритиш ва чиқариш тизими деталлари ва элементларида ёпишма қатламлар кам ҳосил бўлиши;
- сақлашда, бир идишдан бошқа идишга қуйилганда ва транспортировка қилинганда сифатининг сақланиши;
- ишланган газлар таркибида заҳарли моддалар минимал миқдорда ҳосил бўлиши;
- ишланган газлар заҳарлилигини камайтирувчи тизимлар билан мослиги;
- заҳарлиликни камайтириш тизими, кислород датчигининг ишчи юзаларида ёпишма қатламлар бўлмаслиги;
- етарли даражада юқори табиий ресурслар;

- истеъмолчиларга минимал руҳсат этилган салбий таъсир;
- базавий таъминлаш тизими билан энергетик ва технологик мослиги.

### **Суюқлаштирилган пропан-бутанли (нефтли) газ (СНГ)**

Суюқлаштирилган углеводородли нефт газлари деб шундай газларга айтиладики, улар газсимон ҳолатдан суюқ ҳолатга нормал ҳароратда (қўшимча совитилмасдан) ва нисбатан юқори бўлмаган босимда ўтади.

СНГнинг асосий компонентлари – асосан пропан ва бутан ҳамда этан, этилен ва бошқа компонетлар, улар газли ёнилғининг физикавий-кимёвий ва эксплуатацион ҳоссаларни шакллантириш имконини беради. Пропан қўлланилганда газли аралашмада тўйинган буғларнинг оптимал босимини таъминлаш мумкин, бу ҳар хил иқлим шароитларида ва йилнинг ҳар хил даврида газбаллонли автомобилларни эксплуатация қилиш учун жуда муҳим. Шу сабабли пропан СНГнинг исталинадиган компоненти ҳисобланади. Бутан СНГнинг ёниш иссиқлиги юқори бўлган ва осон суюқлаштириладиган компоненти ҳисобланади. Лекин бутан тўйинган буғларнинг босими паст бўлганлиги сабабли ундан йилнинг иссиқ пайтида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

СНГ таркиби стабиллигига ниҳоятда каттиқ талаблар қўйилади, чунки уларни ҳосил қилувчиларнинг (метан, этан, этилен, бутилен, пентанлар ва ш.к.) асосий физикавий-кимёвий ҳоссалари сезиларли даражада бир-биридан фарқланади.

Фойдаланилаётган СНГ таркибида уларнинг суммар миқдори 5...6 % дан ортмайди.

СНГ ҳаводан оғирроқ, бу унинг паст жойларда тўпланиш қобилиятини тавсифлайди, бу газ баллонли автомобилларнинг хавфсиз эксплуатация қилинишини таъминлаш бўйича тадбирлар тизимида ҳисобга олиниши керак.

Газлар асосий компонентларининг кўпчилиги учун октан сони 90...120 оралиғида бўлади, яъни автомобил бензинларининг энг яхши сортларига қараганда каттароқ бўлади.

Газли ёнилғиларининг детонацион чидамлилиги метан сони бўйича

аниқлаш мумкин. Эталон аралашманинг компонентларидан бири сифатида метандан фойдаланилади, у автомобил транспортида фойдаланиладиган углеводородларининг ҳаммасига нисбатан энг юқори детонацион чидамлиликка эга, енгил детонацияланадиган компонент – водород. Фойдаланилаётган газнинг метан сони этalon аралашамада метанинг водород билан ҳажмий миқдорига (процентда) мос келади, у маҳсус газли двигател танланган режимларда ишлаганда синалаётган газли ёнилғи каби детонацияланади.

Газ баллонли автомобилларни эксплуатация қилиш тажрибаси шуни кўрсатдики, газ баллонли двигателларининг энг яхши кўрсаткичлари (биринчи навбатда экологик кўрсаткичлари), мотор ёнилғиси сифатида фойдаланилаётган СНГнинг компонент таркиби факат қатъий регламентланганда олиниши мумкин.

Углеводородли СНГларнинг физикавий-кимёвий кўрсаткичлари 1.4-жадвалда келтирилган нормалар ва талабларга мос бўлиши керак.

СНГ таркибига кирувчи пропилен ва бутилен олефинли гурух вакили ҳисобланади, улар учун юқори кимёвий активлик характерли, бу активлик автомобил двигателининг таъминлаш тизимида смолалар ҳосил бўлишига сабабчи бўлади. Бу эса газ аппаратурасининг резинотехник элементлари бузилишига сабабчи бўлади. Бундан ташқари бу компонентларнинг октан сони нисбатан юқори эмас. Тўйинмаган углеводородларнинг камайиши СНГ октан сони ортишига сабабчи бўлади.

СНГ ўтдан ва портлашдан хавфли. Инсон организмига таъсирининг даражаси бўйича 4 – классга киради.

Санитар нормалари ва қоидалари бўйича ишчи зона ҳавосида пропаннинг руҳсат этилган концентрацияси (углерод бўйича ҳисобланганда)  $300 \text{ мг}/\text{м}^3$ , СНГ таркибидаги тўйинмаган углеводородларнинг концентрацияси  $100 \text{ мг}/\text{м}^3$  ўрнатилган. Ишчи зона ҳавосидаги табиий газ углеводородларининг руҳсат этилган концентрацияси углеродга қайта ҳисобланганда  $300 \text{ мг}/\text{м}^3$  ортмаслиги керак.

## СНГ углеводородларининг физикавий- кимёвий кўрсаткичлари

Кўрсаткич	Марка	
	ПА	ПБА
Компонентларнинг массавий улуши, %:		
метан ва этан	Нормаланмайди	
пропан	90±10	50±10
углеводородлар С4 (ва ундан юқори)	Нормаланмайди	
тўйинмаган углеводородлар, кўп эмас	6	
Суюқ қолдикнинг ҳажмий улуши +40 °C да	Мавжуд эмас	
Тўйинган буғларнинг ортиқча босими, МПа:		
+45 °C да, дан ортиқ эмас	1,6	
-35 °C да, дан кам эмас	0,07	—
-20 °C да, дан кам эмас	—	0,07
Олтингугурт ва олтингугурт биримларининг массавий улуши, %, дан ортиқ эмас	0,01	
жумладан олтингугурт водородларининг, дан ортиқ эмас	0,003	
Эркин сув ва ишқор миқдори	Мавжуд эмас	

1.5-жадвалда СНГ алоҳида ташкил этувчилирининг асосий физикавий-кимёвий хоссалари келтирилган.

*Тўйинган буғлар босими – СНГ суюқ фазалари бор бўлганда буғларнинг босими, улар тўйинган қайнаётган суюқликни ифодалайди. Суюқ фаза устида эркин юза бор бўлганда доим «суюқлик – буғ» икки фазали тизими вужудга келади. СНГ буғларининг босими суюқ фаза ҳароратига қараб ўзгаради. СНГ қайнаш ҳароратида тўйинган буғлар босими атмосфера босимига тенг бўлади. Ташқи муҳитнинг ҳарорати газ компонентларининг критик ҳароратига тенг бўлган ҳароратгача кўтарилиганда тўйинган буғлар босими кескин кўтарилади.*

Тўйинган буғлар босими маълум бўлганда ташқи муҳитнинг маълум максимал ҳароратида СНГ эгаллаши мумкин бўлган ҳажмни тўғри ҳисоблаш ҳамда двигател таъминлаш тизимига суюқ ва газли фазаларининг узатилишини таъминлаш мумкин.

## СНГ алоҳида ташкил этувчилиарининг асосий физикавий-кимёвий хоссалари

Кўрсаткич	Пропилен	Бутан	Пропан	Бензин
Кимёвий формула	C <sub>3</sub> H <sub>6</sub>	C <sub>4</sub> H <sub>10</sub>	C <sub>3</sub> H <sub>8</sub>	C <sub>8</sub> H <sub>18</sub>
Молекуляр масса	42,08	58,12	44,10	114,5
Зичлиги, г/см <sup>3</sup> :				
суюк фазанинг 15 °C ва 0,1 МПа да	0,522	0,582	0,509	0,720
газли фазанинг 0 °C ва 0,1 МПа да	1,915	2,703	2,019	5,08
Газли фазанинг нисбий зичлиги (ҳаво зичлиги 1 деб қабул килинган)	1,481	2,091	1,562	3,940
Қайнаш ҳарорати, °C	-47,7	-0,50	-42,1	35,0 дан кам эмас
1 л суюқлик бугланганда бугларнинг ҳажми, м <sup>3</sup>	0,287	0,235	0,269	0,148
Ёнишнинг қуий иссиқлиги, МДж/кг	45,650	45,431	45,973	43,995
Алангаланиш ҳарорати, °C	475...550	475...550	510...580	470...530
Ҳаволи аралашмада аланталаниш чегараси, %:				
куий	2,00	1,80	2,4	1,50
юкори	11,1	8,40	9,5	6,0

*Изоҳ: Келтирилган параметрлар газ ҳарорати 15 °C бўлганда олинган.*

### **Сиқилган табиий газ**

Газларнинг эксплуатацион хоссалари ва қўлланилиш соҳалари уларнинг таркиби билан белгиланади. Таркиби бўйича газлар углеводородли газларга (табиий, йўлдош, нефт саноатли, суюқлаштирилган – балласт микдори кам бўлган; шахтали, биогаз – балласт микдори кўп бўлган) ва углеводородсиз (коксли, полукуксли, сувли, парокислородли, техник водород – балласт микдори кам бўлган; аралашмали генераторли, ҳаволи, доменли – балласт микдори кўп бўлган; вагранкали, сувли газ генераторлари ҳаволи пуркаладиган – балласт микдори жуда кўп бўлган).

Газга бўлган эҳтиёж ва унинг транспортабеллиги кўп даражада ёниш иссиқлигига боғлиқ. Ёниш иссиқлиги катта бўлган газлар узоқ масофаларга транспортировка қилинади, паст бўлгани эса ишлаб чиқарилган жойдан яқин жойда ишлатилади.

Ёниш иссиқлиги бўйича газлар қуидаги гурухларга бўлинади<sup>1</sup>:

- ёниш иссиқлиги жуда юқори бўлган (25000 кДж/м<sup>3</sup> дан юқори) – суюқлаштирилган, нефт билан бирга чиқадиган, табиий;

<sup>1</sup> Gasoline Engine Management: Systems and Components (Konrad Reif). 29p

- ёниш иссиқлиги юқори бўлган ( $12000\dots25000$  кДж/м<sup>3</sup>) – коксли, биогаз, шахтали, қўмирли қатламлар дегазация қилиш йўли билан олинадиган карбюрацияланган сувли;
- ёниш иссиқлиги ўртача бўлган ( $5000\dots12000$  кДж/м<sup>3</sup>) – сувли, парокислородли, коксодоменли, битуминозли ёнилғидан олинган аралашма генераторли;
- ёниш иссиқлиги қуий бўлган ( $3000\dots5000$  кДж/м<sup>3</sup>) – унумсиз ёнилғидан олинган аралашма генераторли, ҳаволи доменли;
- ёниш иссиқлиги жуда кичик бўлган ( $3000$  кДж/м<sup>3</sup> дан кам) – вагранкали, сув гази генераторлари ҳаво билан пуркаладиган, қўмир шахталарининг вентиляциясида олинадиган.

Табиий газ ёниш маҳсулотлари физик иссиқлиги ва газсимон ёнилғини кўллашнинг бошқа прогрессив методларидан комплексли-поғонали фойдаланиш тажрибаси маблағларни тежаб сарфлашнинг кенг имкониятларини очади, улар ёнилғини қазиб олиш ва транспортировка қилиш талаб қиласиган ҳаражатлардан анча кам бўлади.

Табиий газ нефтдан олинган ёки бошқа альтернатив ёнилғиларга нисбатан фарқли физикавий-кимёвий ва эксплуатацион хоссаларга эга (1.6-жадвал).

Метан табиатда кенг тарқалган, чунки у хидсиз ва кам миқдорда бошқа газлар таркибида мавжуд бўлади.

Газ ёнилғиси ёнилғининг бошқа турларига нисбатан қатор муҳим афзалликларга эга. У ёнганда кул ҳосил бўлмайди. Газни тутун, қурум ва чала ёнишнинг бошқа маҳсулотларини ҳосил қиласдан ёкиш мумкин. Газни олtingугуртли бирималардан нисбатан осонлик билан тозалаш ва юқори малакали истеъмолчиларни олtingугуртсиз ёнилғи билан таъминлаш мумкин, уни ёққанда  $\text{SO}_2$  ва  $\text{SO}_3$  ҳосил бўлмайди<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Gasoline Engine Management: Systems and Components (Konrad Reif). 30 p

Газни шаҳар ва завод ичида ташиш қаттиқ ва суюқ ёнилғини ташишга нисбатан анча қулай ва арzon. Таркибида балласт кам бўлган газ енгил ўт олади. Двигател газда ишлаганида уни ўт олдириш ва ёнилғидан фойдаланадиган қурилмаларга хизмат кўрсатиш анча енгиллашади.

Газсимон ёнилғининг теплотехник характеристикалари одатда 1 м<sup>3</sup> газ учун нормал шароитларда, яъни босим 760 мм сим. уст. ва ҳарорат 0 °C бўлганда ўтказилади. Газнинг нормал шароитлари билан бир қаторда унинг стандарт шароитларини ҳам фарқлашади, уларга босим 760 мм рт. ст. ва ҳарорат 20 °C мос келади. Чет эл техникавий адабиётида босим 760 мм рт. ст. ва ҳарорат 15 °C да ҳам газнинг характеристикалари келтирилади.

### 1.6-жадвал

*Турли ёнилгиларнинг физикавий-кимёвий ва эксплуатацион хоссалари*

Кўрсатки ч	Нефт ёнилғилари		Мета нол	Этан ол	Суюлт ирилга н нефт гази	Табиий газ		Водород		Амми ак (суюл тирил ган)	Аце тиле н (газс имо н)
	Бензин лар	Дизел ёнилғи лари				газси мон	сую лтири лган	газси мон	сую лтири лган		
Зичлиги, кг/м <sup>3</sup>	710...7 60	820...8 70	795	790	542	0,71	420	0,09	71	680	1,17 3
Қайнаш харорати, °C:	35...19 5	180...3 60	64,7	78,0	-42	-162		-250,7 6	-	-33	- 83,8
Қотиш харорати	- 60...80	- 10...60	-97,8	- 114,6	-187	-182		- 259,2	-	-78	-
Тўйинган буғлар босими	65...92	0,3...0, 35	12,6	17,0	160	-		-	-	-	-

38 °С да, кПа										
Бүглани ш иссиқлиг и, кДж/кг	289...3 06	210...2 50	1173	920	412	511	—	—	1370	—
Стехиом етрик коэффиц иент, кг/кг	14,5...1 5,0	14,1...1 4,3	6,51	9,06	15,2	16,8...17,4	34,8	—	6,15	13,1 4
Ёниш харорати, К	2336	2289	2185	2235	2149	2065	2449	—	1956	2610
Энергия сигими, МДж/кг	44,0	43,43... 43,51	19,98	26,9	46,0	48,94...50,1 5	120,0	—	18,65	47,8 2
Энергия зичлиги, МДж/л	32,56	36,55	15,88	21,25	24,93	33,27 ...34, 1	20,92	10,8	8,52	12,68 56,0 5
Стехиом етрик аралашм анинг ёниш иссиқлиг и: кДж/кг	2782... 2811	2715... 2790	2660	2674	2840	2740...2749	3381	—	2605	3320

кДж/м <sup>3</sup>	3524... 3553	3405... 3418	3632	3685	3520	3121...3126	2992	—	2874	3830
абўйича двигател нинг барқарор ишилаши чегарала ри	0,7...1, 1	0,9...5, 0	0,7... 1,4	0,7... 1,25	0,7...1, 2	0,7...1,3	0,6... 5,0	—	0,9... 1,2	1,3 ...2, 5
Октан сони: мотор методи тадқиқот методи	65...85 75...95	— —	88...9 4	92 102... 111	90...94 93...11 3	100...105 110...115	30...4 0 45...9 0	— —	110 130	— —
Цетан сони	8...14	45...55	3	8	18..22	—	—	—	—	—
Ўт олиш ва портлаш хавфи	—	—	—	ўрта	—	—	юқор и	—	паст	юқо ри
ПДК <sub>р.з.,</sub> МГ/м <sup>3</sup>	100	300	5,0	1000	1800	—	—	—	20	—
Автомоб илда сақлаш шароитла ри	—	нормал	—	—	16 МПа	20...4 0 МПа	-165 °C	20...4 0 МПа	-255 °C	0,6... 0,7 МПа МПа

(босим, харорат)										
---------------------	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

1.7-жадвалда газ ҳажмларини бир шароитдан иккинчи шароитга қайта ҳисоблаш учун коэффициентлар келтирилган.

### 1.7-жадвал

Газ харорати, °C	Қайта ҳисоблаш ҳарорати учун коэффициент		
	0 °C	15 °C	20 °C
0	1	1,055	1,073
15	0,948	–	1,019
20	0,932	0,983	1

Ҳозирги пайтда дунёда мотор ёнилғиси сифатида табий газдан фойдаланадиган 20 млн.га яқин транспорт воситаси мавжуд. Чет элда ўтказилган газ баллонли автомобиллар заҳарлилигини тадқиқот қилиш натижаларининг таҳлили шуни қўрсатадики, бензиннинг ўрнига табий газ ишлатилганда заҳарли ташкил этувчиларнинг атроф муҳитга чиқарилиши (г/км), ўртача, углерод оксиди бўйича 8 марта, углеводородлар бўйича – 3 марта, азот оксидлари бўйича – 2 марта, ПАУ бўйича – 10 марта, тутунлиги бўйича – 9 марта камаяр экан<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Gasoline Engine Management: Systems and Components (Konrad Reif). 31 р

Табиий газ (ПГ)нинг уникал физикавий-кимёвий хоссалари, уларнинг сезиларли даражадаги табиий заҳиралари, магистралли газопроводлар бўйича уларни қазиб олиш жойидан етказиладиган жойгача етказиш тармоғининг ривожланганлиги ҳамда ёнилғининг анъанавий турларига нисбатан экологик афзалликлари ПГга XXI асрнинг энг истиқболли ва универсал мотор ёнилғиси сифатида қараш имконини беради.

Мотор ёнилғиси сифатида табиий газдан фойдаланиш – интенсив ривожланаётган йўналиш бўлиб, у яқин келажакда газ саноатининг мустақил юқори рентабелли нимсоҳасига айланади. 7...10 йилдан кейин ПГ дан автомобиль транспортда фойдаланишининг йиллик ҳажми 5...6 млрд.м<sup>3</sup> га етиши, узоқ келажакда эса 20...25 млрд.м<sup>3</sup> дан ортиши учун ҳамма асослар мавжуд.

Ёнилғининг газсимон турларидан фойдаланишда намоён бўладиган асосий афзаллик – бу автотрактор техникаси эксплуатациясининг тежамкорлигидир. Бунинг сабаблари: уларнинг нарҳи ёнилғининг нефтдан олинадиган турларига нисбатан арzonлиги; двигател хизмат муддатининг, ўт олдириш свечаси ва мой алмаштирилиши муддатларининг узайиши, ёнилғи октан сонининг юқорилиги ва ёнишда қурум ҳосил бўлмаслиги.

1991 йилдан бошлаб табиий газни Ўзбекистонда ишлаб чиқариш 41,9 млрд. м<sup>3</sup> дан 1997 йилда 50,4 млрд. м<sup>3</sup> га ва 2013 йилда 60 млрд. м<sup>3</sup> га етказилди, бу эса мамлакатимизни дунё бўйича газ олиш ҳажми бўйича саккизинчи ўринга олиб чиқди. Энг бой газли минтаقا — Устюрт, унинг территориясининг 60 % Ўзбекистонда. Газни олиш асосан 12 та конга асосланади, улар асосан мамлакатимизнинг жанубий шарқ худудида жойлашган.

Таркибида 83...96 % метан бўлган сиқилган табиий газ массаси бўйича 25 % водороддан таркиб топган ва юқори октан сонига эга (ОЧМ=130 гача) ва шу сабали  $\varepsilon=13$  бўлганда детонациясиз ёниши мумкин, бу эса эффектив фойдали иш коэффициентини  $\eta_e=0,36$  га етказиш имконини беради.

СПГ ёнганда бензин ёнганига нисбатан ўртача CH 40 % кам, CO эса 75 % кам, CO<sub>2</sub> эса 25 % кам ҳосил бўлади, бундан ташқари дизел ёнилғиси ёнганига нисбатан CH+NO<sub>x</sub> 80 % кам ва CO эса 50 % кам ҳосил бўлади.

Iveco фирмасида ўтказилган тадқиқотлар шуни қўрсатдики, 8469.21 дизели базасида яратилган газли двигателда азот оксидларини чиқариш 0,44...14,0 г/км га, углеводородларни чиқариш 0,8...1,9 г/км га ва углерод оксидларини чиқариш 2,8...11,6 г/км га камайган (EVRO-1)<sup>1</sup>.

Амалда дизелда ишлайдиган ғилдиракли техника ва стационар курилмаларнинг ҳамма турлари СПГ билан таъминлашга ўтказилиши мумкин. Лекин техникани СПГга ўтказиш асосан мамлакатимиз ичидаги ишлайдиган куйидаги вазифаларга эга бўлган техникани ўтказишни инобатга олиш керак:

- шаҳар ичи ва шаҳарлараро йўловчи ташайдиган автобуслар;
- шаҳар коммунал хўжаликларининг автомобиллари;
- маршрут микроавтобуслари;
- шаҳарда ишлайдиган юк автомобилларининг ҳамма турлари;
- мос инфраструктурага эга бўлган қишлоқ хўжалик ва йўл қурилиш техникаси ва стационар курилмалар;
- усти берк иморатлар ва складларда ишлайдиган автопогрузчиклар.

Ёнилғини узатиш газли тизимлари ёки газ баллонли жиҳоз (ГБО), мураккаб техникавий тизим сифатида турли мезонлар бўйича мос классларга бўлинади. Авлодлар конструктив мураккаблигининг даражаси бўйича классларга бўлишга умумлашган ёндашувлар ҳам мавжуд, улар дозировка қилиш, ёнилғини узатишни ва газ ёнилғисини ёндиришни бошқариш усуллари билан ҳамда двигателни ўт олдириш ва қизитиш билан боғланган. ГБО нинг охирги авлодлари (3, 4 ва 5) олдинги авлодлардан дозаланадиган газнинг ишчи босими ва бошқариладиган датчиклар комплекси ва ижрочи курилмалар мавжудлиги билан фарқланади, улар бошқаришнинг электрон блокига (ЭБУ) киритилган дастурга мувофиқ газли двигателнингишин режимини назорат

---

<sup>1</sup> Richard Folkson, Alternative Fuels and Advanced Vehicle Technologies for Improved Environmental Performance. Woodhead Publishing Limited, 2015. 18 p.

қилиш имконини беради. З-авлоддан бошлаб ГБОлардан фойдаланиш газсимон ёнилгининг сарфини сезиларли камайтириш, аникроқ дозалаш ва сифатлироқ аралашма ҳосил қилиш ҳисобига замонавий экологик талабларни қондириш имконини беради. Газни марказий узатиш (ГБОнинг З-авлоди) тақсимланган пуркаш (ГБОнинг 4-авлоди)га нисбатан газни узатишни бошқаришнинг анча содда усули ҳисобланади, у ерда баъзи датчиклар мавжуд эмас ҳамда улар эксплуатация қилинадиган надувли двигателларда қўллаш учун анча афзалликларга эга.

Ишлаб чиқарилаётган ёки эксплуатация қилинаётган дизеллар базасида газли двигателларни яратиш сиқиши даражасининг мос қийматини ҳамда ёниш камераси геометриясини ва унинг ўт олдириш свечасига нисбатан жойлашишини танлаш билан боғлиқ, бу двигател цилиндрида содир бўладиган иссиқлик-масса алмашинуви жараёнига таъсир қиласи. Шуни қайд этиш лозимки, муаллифлар ўтказган тадқиқотлари натижалари бўйича двигател иш режимига боғланган ҳолда заряд турбулизация даражасини бошқариш мақсадга мувофиқлиги аниқланган.

Заряд турбулентлиги даражасини баҳоловчи мезонлардан бири – сиқишида поршен усти зонасидан ёниш камерасига сиқиб ўтказилган аралашма миқдори ҳисобланади, у поршен туби юзалари (сиқиб чиқариш юзаси) ва цилиндр кўндаланг кесим юзасининг нисбати билан аниқланади.

1.8-жадвал

## Газли автобуснинг техник кўрсатмалари

№	Номи	Автобуслар			
		HYUNDAI		DAEWOO	
		Дизел	Газли	Дизел	Газли
1	Автобус модели	Aero City 540		BH 116	
2	Двигател модели	D6AB	C6AB (TC1)	DE12T	GE12T1
3	Номинал режимдаги максимал қувват, о.к. (кВт)/мин <sup>-1</sup>	300 (220)/ 2200	290 (213)/ 2200	340 (250)/ 2100	310 (228)/ 2100
4	Максимал буровчи момент, Н·м/мин <sup>-1</sup>	1100/ 1400	1100/ 1400	1450/1100	1250/1260
5	Двигател ҳажми, л	11,0	11,149	10,914	11,050
6	Цилиндр диаметри ва поршен йўли, мм	130x140	130x140	130x140	130x140
7	Сикиш даражаси	16,5	10,5	17,1	10,5
8	Цилиндрларнинг ишлаш тартиби	1-5-3-6-2-4		1-5-3-6-2-4	
9	Ёнилғи бакларининг ҳажми, л	200	800	200	800

### Суюқлаштирилган табиий газ

Табиий газ криоен техника асосида, масалан, компрессорли-детандерли машиналар ёрдамида, суюқлаштирилади, улар 163 °C (112 K) ҳароратда газтурбинали ва бошқа двигателлар билан ҳаракатга келтирилади, бунда суюқлаштирилган газнинг ҳажми унинг газсимон ҳолатдаги ҳажмига нисбатан 640 марта кичиклашади (газнинг солиштирма иссиқлик чиқариш қобилияти 55 МДж/кг (12000 ккал/кг) ёки 39,0 МДж/м<sup>3</sup> бўлганда). Суюқлаштиришга энергиянинг солиштирма сарфи 2,7...3,3 кВт/кг ни ташкил қилади.

Юк автомобили учун СПГ ва СжПГларнинг солиштирма кўрсаткичлари жадвал кўринишида келтирилган (1.9-жадвал).

Стирлинг криоген машиналари ёрдамида ўзининг функционал вазифаси ва жойлашиши бўйича газ билан заправка қилиш станцияларини яратиш технологияси маълум. Масалан, унумдорлиги суюқлаштирилган табиий газ бўйича 14...40 л/ч бўлган ҳаво тақсимловчи қурилмалар ЗИФ – 700, ЗИФ – 2002, КГМ – 900/80, улар СжПГ билан 20...30 та юк автомобиллари ва автобусларини заправка қилишни таъминлайди. Чет эл фирмалари “Филипс”,

“Веркспур” 300...400 нм<sup>3</sup>/ч табиий газни суюқлаштиришга қобил бўлган курилмаларни чиқаришмоқда<sup>1</sup>.

Мавжуд талабларга биноан баллондаги СжПГ ҳарорати –163°C бўлиши ва 24 соатдан 5 суткагача сақланиши керак, бунда буғланиш ҳисобига газ босими 0,5 МПа га этиши мумкин. Шу сабабли СжПГни заправка ва транспортировка қилиш учун идишни изоляция қилишга алоҳида талаблар қўйилади (вакуумли изоляция, толали, порошоксимон иссиқлик изоляцияси ва б.).

*1.9-жадвал.*

### Турли газ баллонларнинг кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчам бирликлари	СПГ	СжПГ	Бензин
1	Ёнилғи заҳираси	кг	75	75	75
2	Баллонлар (баклар) сони	дона	8	1	1
3	Баллонлар сифими	л	400	175	80
4	Ишчи босим	МПа	20	0,15	0,1
5	Баллонларни жойлаштириш учун ҳажм	м <sup>3</sup>	1,4	0,6	0,4
6	Баллонлар массаси	кг	740	85	30
7	Солиштирма метал сифим	кг масса/кг газа	10	1,15	0,9
8	Иссиқлик чиқариш қобилияти	кДж/л	6800	21400	32000
9	Углерод оксидини чиқариш	кг/год	400	400	1200

Учқатламли пенополиуретанли изоляцияли зичлиги 0,04...0,25 г/см<sup>2</sup> бўлган берк ячейкали структурали енгил газ билан тўлдирилган пластмассали баллонлар маълум (1.10-жадвал).

*1.10-жадвал*

---

<sup>1</sup> Richard Folkson, Alternative Fuels and Advanced Vehicle Technologies for Improved Environmental Performance. Woodhead Publishing Limited, 2015. 15 p.

## Пенополиурентанли изоляцияли учқатламли газ баллонларининг техник маълумотлари

Ҳажм, л	Масса, кг	Габарит ўлчамлари, мм		Нархи, у.е.
		Узунлиги	Диаметр	
250	110	1950	600	2500
100	65	1100	450	1400
50	40	850	340	1000

### *Диметилли эфир*

XX аср охирида альтернатив мотор ёнилғилари қаторида янги ёнилғи – диметилли эфир ( $\text{CH}_3\text{OCH}_3$ ) пайдо бўлди, у узоқ вақт метанол ( $\text{CH}_3\text{OH}$ )ни синтез қилишда қўшимча маҳсулот ҳисобланди.

Охирги йилларда кўп мутахассислар, ишлаб чиқарувчилар ва тадқиқотчилар (Мицубиси, Тоe Инжиниринг, Хитачи, НКК (Япония), Холди Топсе (Дания), Бритиш Петролеум (Буюк британия), Лурчи (Германия), РФН Нефт Химияси Синтези институти, ФГУП НАМИ, ФГУП НИИД ва б.) диметилли эфир (ДМЭ)ни олиш, транспортировка қилиш, саклаш ва ундан фойдаланиш технологияларини такомиллаштириш устида ишлар олиб бормоқдалар.

Диметилли эфир куйидаги афзалликларга эга:

- яхши алангаланиши, цетан сони юқори 55...60, дизел ёнилғисиники эса 45...50;
- тежамкорликнинг яхшиланиши;
- ишланган газлар таркибида заҳарли моддалар миқдори СО бўйича 6 мартадан кўп, СН ва қурум бўйича 4 марта, NOx бўйича 20 % камаяди;
- манфий ҳароратларда двигателни ўт олдириш осонлашади;

- дизел ёнилғиси ва бензинга нисбатан кам заарли.

Двигател ДМЭда ишлаганида таъминлаш тизими қуидагиларни таъминлаши керак:

- ДМЭ ёнилғи насосига суюқ фазада тўйинган буғлар босимидан юқори босимда узатилиши;
- ДМЭ форсункаларга тахминан 300 бар босим остида узатилиши, бунда юқори босим линиясидаги қолдик босим форсункадаги тўйинган буғлар босимида катта бўлиши;
- паст босим линиясида босим 15 баргача бўлган диапазонда ушлаб турилади, бу адаптирашган ёнилғи ҳайдовчи насослар ва фильтрлар билан таъминланади;
- юқори босим линиясида буғ пробкаларининг бўлмаслиги, буғ иккиланган ҳайдовчи клапан ТНВДда ва пуркагичлар ўтиш кесимларининг катталаштирилиши билан таъминланади;
- ДМЭ буғларини ТНВД картери ва форсункалар тўкиш линиясидан дизелнинг киритиш трубасига олиб кетиш;
- мойловчи присадкалар (лубрикаторлар «Лубризол» ёки бошқа мойловчи материаллар)ни қўллаш билан қўзғалувчи бирикмалар элементлари йийилишини камайтириш.

### 1.11-жадвал

#### *ДМЭнинг бошқа ёнилгилар билан солиши тирма кўрсаткичлари*

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	ДМЭ	Пропан	Бутан	Метан	Метанол	Дизел ёнилғиси
1	Кимёвий формуласи	—	$\text{CH}_3\text{O}$ $\text{CH}_3$	$\text{C}_3\text{H}_8$	$\text{C}_4\text{H}_{10}$	$\text{CH}_4$	$\text{CH}_3\text{O}$ H	$\text{C}_{15}\text{H}_{32}$
2	Иссиқлик чиқариш қобилияти	ккал/кг ккал/л	6880 4596	11100 5439	10930 6230	1200 0	4800 3770	10000 8530

		ккал/н м <sup>3</sup>	14200	21800	28300	8600	—	—
3	Қайнаш харорати	°C	-25	-42	-0,5	-163	65	180...3 80
4	Зичлиги	г/см <sup>3</sup>	0,67	0,49	0,57	—	0,80	0,84
5	Стехиометрик таркиби	% ҳажм	3,4...1 8,0	2,1... 9,5	1,9... 8,5	5...1 5	5,5... 36	0,6...6, 5
6	13 – цикли Япониядаги синашлар бүйича заарлы моддалар чикиши	г/кВт·с						
	NOx		2,479	—	—	—	—	3,148
	CH		0,222	—	—	—	—	0,432
	CO		0,117	—	—	—	—	0,203
	Қурум		0,0102	—	—	—	—	0,0197

Саноат масштабида диметилли эфирни табиий газни ҳаво кислороди зозаланган-чекланганлик билан синтез-газга конверсиялаш йўли билан олишади, у углерод оксиди ва водороддан таркиб топади сўнгра метанол ( $\text{CH}_3\text{OH}$ ) ҳосил бўлади – ҳосил бўлиш муҳити ҳарорат 200...300 °C (473...573 K) ва босим 5...8 МПа да сув буғининг мис – рух – алюминиеви катализаторлар муҳитида. Сўнгра метанол диметилли эфирга дегидратация (конденсация) қилинади.

**ДМЭ учун газ баллонига бўлган талаблар.** ДМЭ учун идишга талаблар қўйилади, улар поддон билан жиҳозланган бўлишивада ДМЭнинг ҳарорати 50 °C дан кўтарилишига йўл қўймайдиган иссиқликдан изоляциясига эга бўлиши керак.

Бу талаблар саноат стационар идишларига таълуқли, уларда ДМЭ суюқ фазасининг ҳажми 100 % гача бўлиши руҳсат этилади.

Лекин транспорт воситалари (автомобиллар, тракторлар ва б.) учун ДМЭ узатилиши суюқлаштирилган нефт (пропан-бутан) гази (СНГ) учун мўлжалланган газ баллони билан таъминланади, бу ҳолда заправка қилинган ДМЭнинг суюқ фазасининг ҳажми 80 % дан ортмаслиги керак, у мультиклапанли қурилманинг бўлувчи клапани билан чекланади (1.1-расм).



*1.1-расм. ДМЭ учун СНГ газ баллонинг компонентлари ДМЭ: 1 – газ баллони; 2 – мультиклапан пластмассали (резинали) поплавок билан; 3 – мультиклапан қопқоги йиғмаси; 4 – алмаштириладиган пластмассали (резинали) поплавок; 5 –ДМЭ учун ўрнатиласидиган металли поплавок*

Мультиклапаннинг пластмассали (резинали) поплавоги ўрнига металли поплавоқдан фойдаланиш тавсия этилади, чунки ДМЭ – бу эритувчи, унда базавий (пластмассали) поплавоклар эриб кетиши мумкин.

ДМЭ газ баллонини биринчи мартта заправка қилишдан олдин уни газсимон азот билан продувка қилиш зарур.

СНГ учун газ баллони шундай конструкцияланган ва эксплуатация қилинади, унда газ подушкаси доим мавжуд бўлади. Газ подушкаси (ҳажми газ баллони умумий ҳажмининг 20 % дан кам эмас) атроф муҳит ҳароратига қараб суюқ фазанинг ҳажмий кенгайишини ҳисобга олиш учун хизмат қиласи.

Газ баллони датчиклари ва ёнилғи сатхини кўрсаткичлари режалаштирилган техникавий хизмат оралиғидаги даврда унинг тўлиқ герметиклигини таъминлаши керак. Газ баллонининг қулфловчи-олдини оловчи арматураси транспорт ҳаракати йўналиши бўйича фақат ўнг томондан жойлаштирилган бўлиши керак.

Газ баллонининг қулфловчи-олдини оловчи арматураси ёки газ сатхини магнитли кўрсатувчи мультиклапан конструкцияси суюқ ва газли фазалар вентилларидан; тўлдирувчи ва олдини оловчи клапанлардан; магнитлардан, стрелкалардан, поршендан, ричагли поплавоқдан таркиб топган.

Дизелларни ДМЭ ёнилғиси билан таъминлашга ўтказиш икки усул билан амалга оширилиши мумкин:

1. Дизел ёнилғисини ДМЭ билан қисман алмаштириш.

Бу усулни, ўз навбатида, ҳар хил йўллар билан амалга ошириш мумкин: дизел ёнилғисига ДМЭни қўшиш; ДМЭни киритиш трубопроводидан ҳаво билан аралаштириш ва цилиндрга узатиш; ДМЭ ни дизел ёнилғисини узатиш чизигида дизел ёнилғиси билан пуркашдан олдин аралаштириш ва б.

Бу усулда 70 % гача бўлган дизел ёнилғиси ДМЭ билан алмаштирилади.

2. Дизел ёнилғисини ДМЭ билан тўлиқ алмаштириш.

Бу вариантда ёнилғи узатиш тизими реконструкция қилинади (ТНВД плунжер ўлчамлари, форсункадаги тешиклар диаметри) ва регулировокалаб ўзгартирилади (ТНВД рейкасининг ҳолати, ёнилғи пуркалиши бошланиши бурчаги ва х.к.).

Бу конструктив-технологик ўзгартиришларнинг ҳаммаси ёнишнинг куий иссиқлигини (тахминан 1,5 марта камайтириш, яъни 42,5 МДж/кг ўрнига

28,9 МДж/кг) ва қовушқоқликни (2,5 сСт ўрнига 0,25 сСт) дизел ёнилғисига нисбатан ДМЭ да компенсация қилиш мақсадида бажарилади.

### **Таббий газни ёкиш учун зарур бўлган ҳаво миқдори**

Газсимон ички ёнувдвигателлари ишлашининг самаралилиги ёниш жараёнининг сифатига боғлиқ. Таббий газни ёкиш учун сарф бўладиган ҳаво миқдори бунга бевосита таъсир қиласи. Ёнишда сарфланадиган ҳаво миқдорини тўғри аниқлаб (ҳисоблаб), ички ёнувдвигатели энергия самарадорлигини яхшилаш (ёнилғи сарфини камайтириш) ҳамда унинг фойдали иш кофицентини ошириш мумкин.

#### *Назарий газни ёнилғиси – ҳавоаралашмаси*

Таббий газнинг асосий ташкил этувчиси бўлган метан 1 молекуласининг ёниши учун кислороднинг 2 та молекуласи талаб этилади, демак  $1 \text{ m}^3$  газ ёнилғиси ёниши учун 2 маротаба қўп кислород талаб этилади.

Ҳаво таркибидаги кислород унинг 20.93 % ни ташкил этади. назарий газ ёнилғиси – ҳаво аралашмаси ҳисоблаганда ушбу маълумотлар асос қилиб олинади. Яъни ҳаво 9.52 марта қўп талаб этилади.

Газ манъбаи, таркиб, %, ёниш иссиқлиги  $H_u$

Таббий газ

Газ кони:

Газли 75.10

Газ миқдори техник ҳисобланганда ёнилғи гази таркибидаги метан 100 % ташкил этади деб қабул қилинади, ваҳоланки бази ҳолларда метан миқдори 75 % дан қўп бўлмаслиги мумкин.

2 та амални бажариб қайт этилган рақамни аниқлаш мумкин:

Бўлиш 100/20.93.

Кўпайтириш  $9.52/2=4.76$

Ҳисоблаб топилган газ самарали ёниши учун зарур бўлган ҳаво миқдори назарий бўлади. Амалда эса бир қанча омиллар ёниш жараёнига таъсир этади. Амалда ҳаво назарий аралашмага нисбатан 1.1-1.4 марта кўпроқ, яъни аралашма бироз камбағалроқ, бўлади.

## **Назорат саволлари**

1. Ёнилғи-энергетик ресурсларига нималар киради?
2. Ёнилғиларга қандай асосий талаблар қўйилади?
3. Суюқлаштирилган пропан-бутанли газ билан суюқлаштирилган табиий газ қандай умумий хоссаларга эга?
4. Сиқилган табиий газ қандай афзалик ва камчиликларга эга?
5. Ёниш иссиқлиги бўйича газлар қандай гурухларга бўлинади?
6. Таббий газни ёқиши учун зарур бўлган ҳаво миқдори қандай аниқланади?
7. Поршенли двигателларда алътернатив ёнилғилардан фойдаланиш базавий таъминлаш тизимидағи қандай конструктив ўзгаришлар билан шартланади?
8. Двигателга ёнилғининг ҳар хил турларини узатиш масаласини уларнинг қайси хоссаларини таҳлил қиласдан ва ҳисобга олмасдан ечиш мумкин эмас?
9. Риккардо ИЁД ишчи жараёнларига қайси янги тушунчани киритди?
10. Ўртача эффектив босим ва ёнилғининг минимал солиширма сарфи қийматларини тахминий аниқлаш учун қайси боғланишлар мавжуд?

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Kenneth Stafford. Alternative Fuels for Automobiles. 2008.
2. Richard Folkson, Alternative Fuels and Advanced Vehicle Technologies for Improved Environmental Performance. Woodhead Publishing Limited, 2015. (12-18 pp.)
3. Hua Zhao. Advanced direct injection combustion engine technologies and development. Volume 1: Gasoline and gas engines. USA. Woodhead Publishing Limited, 2010. (26-32 pp.)
4. Gasoline Engine Management: Systems and Components (Konrad Reif). (стр. 29-31, стр. 100)
5. Базаров Б.И., Калауов С.А., Васидов А.Х. Мұқобилные моторные топлива. -Ташкент: SHAMS ASA, 2014. -189 с. (18-27 сс.)

## **2-мавзу: ИЁДлар ёнилғи тежамкорлигини яхшилаш ва ишланган газлар таркибида заҳарли компонентларни камайтириш**

### **Режа:**

- 2.1. Учқун билан ўт олдириладиган двигателларида аралашма ҳосил бўлиши ҳақида умумий маълумотлар
- 2.2. Бензинни пуркаш тизимлари
- 2.3. Ёнилғини пурковчи МРІтизимининг ишлаши
- 2.4. Ишланган газлар таркибида заҳарли компонентларни камайтириш

**Таянч сўз ва иборалар:** бензинни пуркаш тизимлари, ёнилғини пуркаш, киритиш трубопроводи, инжектор, марказий пуркаш, тақсимланган пуркаш, бевосита пуркаш, фазаланган пуркаш, аралашма таркиби нотекислигининг даражаси, заряднинг қатламларга бўлиниши, дроссел тўсиги, форсунка.

### **2.1 Учқун билан ўт олдириладиган двигателларида аралашма ҳосил бўлиши ҳақида умумий маълумотлар.**

Учқун билан ўт олдириладиган двигателларда (ДсИЗ) аралашма ҳосил бўлиши деганда ёнилғи ва ҳавони дозалашда, пуркашда, буғланишда ва ёнилғининг ҳаво билан аралashiшидаги ўзаро боғланган жараёнларнинг комплекси тушунилади.

Аралашма ҳосил бўлиши бундан кейин содир бўладиган ёнилғи ёнишига таъсир қиласи, чунки ёниш тезлиги ва унинг тўлиқлиги аралашманинг таркиби ва сифатига боғлик, уларга эса ёнилғининг буғланиши ва унинг ҳаво билан аралashiши таъсир қиласи.

Учқун билан ўт олдириладиган двигателларда аралашма ҳосил бўлиши ва ёниш жараёнларининг бориши режим факторлардан ташқари ёнилғининг физикавий-кимёвий хоссалари ва уни узатиш усули (бензинни пуркаш, карбюрация, газли двигателнинг аралаштиргичи)га боғлик.


Бензинни пуркаш, карбюрацияга қараганда, двигателнинг анча юқори кувват, тежамкорлик ва экологик кўрсаткичларини олиш имконини беради,

шу сабабли бензинни пуркаш тизими карбюраторларни деярли сиқиб чиқарди<sup>1</sup>.

Тўрт тактли двигателларда аралашма ҳосил бўлиши форсункада, карбюраторда ёки газ аралаштиргичида бошланади, киритиш трактида давом этади ва цилиндрда тугайди.

Бензинни марказий пуркашда ва карбюрацияда аралашма ҳосил бўлиш механизми (2.1, а, в-расм) кўп жиҳатдан умумий тавсифга эга, чунки иккала ҳолда ҳам ёнилғи ҳаво оқимига киритиш трактининг битта жойида - киритиш трубопроводи олдида киритилади.

Учкун билан ўт олдириладиган тўрт тактли двигателларда, одатда, аралашма ҳосил бўлиши ташқарида, икки тактли двигателларда эса аралашма ичкарида ҳосил бўлади, бу цилиндрлар продувка қилинганда ёнилғи йўқотилишининг олдини олади. Ҳозирги пайтда тўрт тактли ДсИЗ двигателлари ҳам пайдо бўлди, уларда аралашма ичкарида ҳосил бўлади.



2.1-расм. Ёнилгени марказий (а), тақсимланган (б) пуркашли ва карбюрацияли (в) узатиш

<sup>1</sup> Richard Folkson, Alternative Fuels and Advanced Vehicle Technologies for Improved Environmental Performance. Woodhead Publishing Limited, 2015. 33 p.

## 2.2 Бензинни пуркаш тизимлари

ИЁДларнинг ёнилғи тизимлари ёнилғи заҳирасини сақлаш, циклнинг маълум фазасида уни цилиндрга дозалаб беришларни амалга оширади, бу эса двигателнинг ҳамма иш режимларида, жумладан ўт олдириш режимида ҳам, сифатли аралашма ҳосил бўлишига кўмаклашади.

Бу тизимларнинг асосий афзалликлари:

- ҳаво ва ёнилғини алоҳида дозалаш, натижада ҳаво бир хил дозада берилганда бензин ҳар хил дозада берилиши мумкин;
- кўп омилларни ҳисобга олган ҳолда двигателнинг ҳамма эксплуатацион режимларида ёнилғини аниқ дозалаш;
- тизимнинг диагностикага ва двигателни бошқаришнинг бошқа тизимлари билан (масалан, ўт олдириш, наддув ва ш.к.) яхши мослашувчанлиги;
- двигател тежамкорлик, қувват ва экологик кўрсаткичларни яхшиланиши<sup>1</sup>.

Бензинни пуркаш тизимини қуидаги уч асосий белигилар бўйича классификация қилиш мумкин (2.2-расм).


Биринчидан, бензин киритиш трубопроводига (2.2, *a*, *b*-расм) ёки бевосита цилиндрга (2.2, *c*-расм) пуркалиши мумкин.

Иккинчидан бензин тақсимланиб пуркалиши мумкин (2.2, *a*-расм), бунда форсунка бензинни ҳар бир цилиндрнинг киритиш клапани зонасига пуркайди. Бошқача усул – марказий пуркаш битта форсунка билан амалга оширилади (2.2, *b*-расм), у киритиш трубопроводи тақалиши бошланишидан олдинги участкага ўрнатилади (яъни карбюратор ўрнига).

Учинчидан тақсимланган пуркаш фазаланган бўлиши мумкин, унда ҳар бир форсунка цилиндр киритиш клапани очилиши билан мувофиқлашган вақтнинг қатъий аниқланган моментида пуркайди (энг афзалли метод).

---

<sup>1</sup> Hua Zhao. Advanced direct injection combustion engine technologies and development. Volume 2: Diesel engines. USA. Woodhead Publishing Limited, 2010. 16 p.



2.2-расм. Бензинни пуркаш тизимлари: а – тақсимланган пуркаш; б – марказий пуркаш;

в – цилиндрга бевосита пуркаш; 1 – ёнилги келтирилиши; 2 – ҳаво келтирилиши; 3 – дроссел түсиги; 4 – киритиш трубопроводи; 5 – форсункаларга ёнилгени келтириши коллектори; 6 – форсунка; 7 – цилиндрлар каллаги

### 2.3 Ёнилғини пурковчи МРІ тизимининг ишлаши

#### 2.3.1. Ёнилгінін узатиши тизими




Ёнилғини ёнилғи бакидан форсункаларга силжитиш учун керак бўлган ҳамма элементлар ёнилғини узатиш тизимига киради. Автомобилларнинг кўпиди рециркуляцион турдаги ёнилғини узатиш тизимидан фойдаланилади.

Ёнилғи бақдан электр ёнилғи насоси билан олинади ва босим остида ёнилғи коллекторига узатилади. Ёнилғи насосининг ишчи босими ва унумдорлиги шундай танланадики, двигателнинг ҳамма иш режимларида

унинг ишончли ишлашини таъминласин. Ёнилғи босимининг регулятори ёнилғининг қанчадир микдорда орқага – ёнилғи бакига қайтариши таъминлайди, бу ёнилғи форсункалари ишлаши учун зарур бўлган босимни ёнилғи коллекторида ушлаб туриш имконини беради.

### 2.3.2 Электрон бошқариши тизими




Ёнилғи узатилишини бошқариш циклик жараён бўлиб, у информацияни олиш, информацияни ишлаш (қарор қабул қилиш) ва бошқарувчи таъсирларни амалга ошириш босқичларидан таркиб топган. Датчиклар ёрдамида двигател ишлаш режими ва ҳаракат шароитлари ҳақидаги зарур бўлган информацияни йиғиши амалга оширилади. Олинган маълумотлар таҳлили асосида двигателни бошқаришнинг электрон блоки талаб қилинган ёнилғи микдори узатилишини таъминлаш учун форсунканинг чиқувчи параметрлари қийматларини ҳисоблайди.

Двигателни бошқариш блокининг ёнилғини тақсимлаб пуркаш тизимида ёнилғини узатишни бошқариш ҳар бир цилиндрлар бўйича алоҳида амалга оширилади. Бу двигателнинг ҳамма иш режимларида пуркалаётган ёнилғи микдорини аниқ дозалаш имконини беради, бунинг натижасида заарли чиқиндилар камайиши билан бирга энг яхши динамика таъминланади.


Двигателнинг иш режими	Ҳаво-ёнилғи нисбати
Двигателни ишга тушириш	1-5 (ҳаво) : 1 (ёнилғи)
Салт иш (двигател қизитилаётган пайтда)	11 : 1
Автомобилнинг равон ҳаракати	12 дан 18 : 1
Автомобил разгони	12 дан 13 : 1

Ёнилғи тақсимланиб пуркалиши тизимида ёнилғи узатилишининг учусули мавжуд:


- **Бирвақтли** (бир вақтда пуркашда, ҳамма ёнилғи форсункалари ёнилғини бир вақтда пуркайди).



- **Синхронли** (синхронли пуркашда ҳар бир форсунка индивидуал ва цилиндрлар иши тартибига мувофиқ бошқарилади. Ёнилғини узатишнинг бу усули двигател иш режимларининг кўпи учун энг кўп фойдаланилади).



- **Гурӯхий** (автомобилларнинг баъзи моделларида ёнилғини узатишнинг гурӯхий усули қўлланилади. Бу усулда ёнилғи форсункаларининг ҳар бир жуфтлиги (№1 - №3 бир жуфтлик ва №4 - №2 бошқа жуфтлик) бараварига уланади. Бу ҳолда бошқарув тизими соддалашади.



### Ёнилғини бир вақтда узатиш усули

Ёнилғини бир вақтда узатиш усулида – двигатель тирсакли валининг маълум ҳолатида ёнилғи двигател ҳамма форсункалари билан бир пайтда пуркалади. Пуркаш моментини синхронизациялаш тирсакли вал ҳолатининг датчиги сигнали бўйича амалга оширилади.

Бу усул ёнилғи тақсимланиб пуркаладиган MPI тизимида қуйидаги ҳолатларда қўлланилади:


**Совуқ двигател ишга туширилаётган пайтда.** Совуқ двигател ишга туширилаётган пайтда двигатель тирсакли вали ҳолати датчигининг сигналига мувофиқ ёнилғи пуркалиши ҳамма цилиндрларда бир вақтда содир бўлади (2.5-расм). Ёнилғи бундай пуркалишининг сабаби шундаки, совуқ двигател ишга туширилаётган пайтда ёнилғи пуркалиши вақти (ёнилғи-ҳаво аралашмасининг тайёрланиши) двигателнинг бошқа иш режимларида ёнилғи пуркалиши вақтидан анча катта бўлади<sup>1</sup>.

**Носозликлари бўлган двигател ишлаганда (failsafe mode).** Носозликлари бўлган двигател ишлаганда двигателни бошқариш электрон блоки ҳамма ёнилғи форсункалари билан ёнилғи бир вақтда пуркалишини таъминлайди (**failsafe mode**). Масалан, двигатель ишлаётган пайтда биринчи цилиндр поршени ЮЧХ датчигидан сигнал йўқолган пайтда (тақсимлаш вали ҳолати датчиги), бу ҳолда двигателни бошқаришнинг электрон блоки двигателни ишчи ҳолатда ушлаб туриш учун ҳамма ёнилғи форсункалариги фаоллаштиради.

<sup>1</sup> Hua Zhao. Advanced direct injection combustion engine technologies and development. Volume 1: Gasoline and gas engines. USA. Woodhead Publishing Limited, 2010. 27 p.

## Ёнилғини синхрон узатиши усули

Двигател цилиндрлари иш тартиби 1 – 3 – 4 – 2 га мувофиқ тирсакли вал икки марта айланганда форсункалар киритиши коллекторига ёнилғини кетмекетлиқда пуркайдилар. Двигателни бошқариши электрон блоки тирсакли вал ҳолати датчиги импульсининг олдинги фронти (одатда 75° гача чиқариши тақтиниң ЮЧХга)га таяниб ёнилғи форсункасининг ҳар бирини фаоллаштиради.



- 1) Ёнилғини узатишининг синхрон усули (двигател ишга тушгандан кейин двигателнинг нормал иши).
- 2) Ёнилғини бир вақтда узатиши усули (двигател ишга туширилаётган пайтда куйидаги шароитда, ёнилғи пуркалиши импульсининг давомийлиги двигател нормал ишлагандагига қараганда катта бўлганда).
- 3) Ёнилғини бир вақтда узатиши усули (двигател ишга туширилаётган пайтда куйидаги шароитда, ёнилғи пуркалиши импульсининг давомийлиги двигател нормал ишлагандагига қараганда тенг ёки кичик бўлганда).

### Пуркалаётган ёнилғи миқдорини бошқариш

Двигателни бошқариш блоки двигател муайян шароитда ишляётганда ҳар бир ишчи циклда ёниш учун зарур бўлган ёнилғи миқдорини ҳисоблайди. Ҳар бир цилиндрга ҳисобланган ёнилғи миқдорини узатиши учун электр

сигнали шакллантирилади, у мос цилиндрнинг ёнилғи форсункасига келади. Бу сигналнинг давомийлиги ёнилғи форсункаси очилиб турган вақтни аниқлайди (ёнилгини пуркаш давомийлиги).

Бошқарувчи импульс давомийлигини ҳисоблашда бошқаришнинг электрон блоки битта киритиш тактида киритиш коллекторига кирган ҳаво миқдори маълумотлари ҳамда двигател иш режимини характерловчи датчиклардан олган сигналлардан фойдаланади<sup>1</sup>.

Битта тактда цилиндрга кирган ҳаво миқдори двигател тирсакли вали айланишлар частотаси датчигидан олинган сигналлар ҳамда ҳаво сарфи датчиклари, киритиш коллекторидаги ҳаво ҳарорати датчиги ва атмосфера босими датчиги сигналлари асосида ҳисобланади.

Аниқланган маълум ҳаво миқдори ва талаб қилинаётган ёнилғи-ҳаво аралашмаси таркиби асосида ҳар бир циклда ёниш учун зарур бўлган ёнилғи миқдори аниқланади.

Талаб қилинаётган ёнилғи-ҳаво нисбати кўп шартларга боғлиқ:

- двигателнинг талаб қилинаётган қуввати ва қабулчанлигини олиш;
- заарли чиқиндиларни чеклаш;
- ёнилғи кам сарфланишини таъминлаш.

### **Пуркалинаётган ёнилғи миқдорини ҳисоблаш**


Двигателни ишга тушириш режимидан бошқа режимларда ёнилғи ( $T$ ) пуркалиши вақти (давомийлиги) қўйидаги омилларни ҳисобга олган ҳолда аниқланади:

- пуркашнинг базавий давомийлиги ( $T_1$ ), у ҳаво миқдори ўзгариши билан ўзгаради;
- пуркаш базавий давомийлиги коррекцияловчи коэффициенти ( $K_c$ )нинг киймати;
- форсунка ишлай бошлашининг ушланиб қолиши ( $T_2$ ).

---

<sup>1</sup> Hua Zhao. Advanced direct injection combustion engine technologies and development. Volume 1: Gasoline and gas engines. USA. Woodhead Publishing Limited, 2010. 28 p.


$$T = T_1 \cdot K_c + T_2 \text{ (мс)}$$




Двигателни ишга тушириш режимида ёнилғи ( $T$ ) пуркалиши давомийлиги қўидаги омилларни ҳисобга олиб аниқланади:

- пуркашнинг базавий давомийлиги ( $T_1$ ), бу совитувчи суюқлик ҳароратини ҳисобга олган ҳолда ҳисобланади;
- сўриб олинаётган ҳаво ҳароратига боғлиқ бўлган коррекцияловчи коэффициент ( $K_t$ ) қиймати;
- форсунка ишга тушиши давомийлиги ( $T_2$ ).

$$T = T_1 \cdot K_t + T_2 \text{ (мс)}$$



**Датчиклар ва бошқа манбалардан олинган информацияга асосланган коррекция**



## 2.4. Ишланган газлар таркибида заҳарли компонентларни камайтириш

### 2.4.1. Захарли моддаларнинг чиқариб ташланиши.

Саноат ва энергетика қурилмалари, транспорт машиналари, шу жумладан ИЁД ли машиналар ҳам атмосферага турли газларни чиқариб ташлайди. Бу

газларнинг кўпчилиги захарли бўлиб, киши саломатлигига хавфлидир. Чиқариб ташланган газлар атроф-муҳитни ифлослантириб табиатдаги экологик мувозанатни бузади ва ахолига ноқулай шароитни юзага келтиради. 1959 йилдан бошлаб Америка ва Фарбий Европада атмосферага чиқариб ташланадиган заҳарли моддаларнинг чекли миқдорлари 1971 йилда қонун тариқасида жорий этилган. Ҳозир бу нормативлар бир неча бор қатъийлаштирилди. Двигател салт ишлаганда чиқариб ташлайдиган ис гази СО миқдорини ва дизелларда ишлатилган газлардаги тутун миқдорини даврий равища текшириб туриш жорий этилган. Бу газлар миқдорини 50-70% камайтиришга олиб келади.

#### *2.4.2. ИЁДлар чиқариб ташлайдиган асосий захарли моддалар.*

Бу СО - ис гази, азот оксидлари, ёнмай қолган углеводородлар, алқдегидлар, олтингутурт бирикмалари, қўрғошин бирикмалари ва қурумни кўрсатиш мумкин. СО углеводородлари ёнилғида кислород етарли бўлмагандан ҳосил бўлади. Учқундан ўт олдириладиган ИЁД ларда қуюқ ёнувчи аралашмалардан фойдаланиланда атмосферага чиқариб ташланадиган СО миқдори карбонат ангидрид миқдорига teng бўлиши ва барча ёниш маҳсулотларининг ҳажмини 10% етиши мумкин. СО  $\alpha=1$  ва  $\alpha>1$  бўлганда ҳам чиқиши мумкин. Бу карбонат ангидрид молекулаларининг диссоциацияланиши ҳамда карбонат ангидридга қайта рекомбинацияланиш ( $\text{CO}$  зарраларининг музлаш ходисаси) учун шарт-шароитлар мавжуд эмаслигига бўлади. Дизелларда СО аралашма ҳосил бўлишидаги камчиликлар ва қуюқлашуви туфайли ва совуқ алангали реакцияларда углеводород молекулаларининг ўзгариши оқибатида ҳосил бўлади.

Углеводород II-оксид ( $\text{CO}$ ) гемоглабин ҳосил қилувчи марказлар ишини тўхтатиб қўяди. Бунда инсон организмида оксидланиш жараёнлари бузилади. Ҳавода 0,01% дан кўп  $\text{CO}$  бўлса, организм сезиларли даражада захарланади. Сурункали захарланиш бош оғриғи, қулоқ шанғиллаши пайдо бўлишида, нафас олиш қийинлашишида, умумий ҳолсизланиш ва ҳаёт тонуси пасайишида намоён бўлади.

Азот оксидлари 2200-2400К дан баланд ҳароратда нейтрал азот оксидланади, ва NO юзага келади. Азот оксиidi эркин кислород бўлганда юзага келади.  $\alpha=1,05-1,07$  да азот оксидлари энг кўп миқдорда хосил бўлади. Ёнишдан сўнг, газ ҳароратининг тез пасайиши цилиндрда кенгайиш бўлганда NO музлашига олиб келади. Кейинроқ, чиқариш системасида ва атмосферада азот II оксид  $\text{NO}_2$  ҳамда  $\text{N}_2\text{O}_5$  га айланади, бунда азотнинг валентлиги ортиши билан азот оксидларининг захарлилик даражаси зиёдлашади. Азот II оксид кўзнинг шиллик пардасини, ўпкани яллиғлантиради, юрак қон томир системасида тузалмайдиган кассаликларга олиб келади.

Углеводородлар. Ишлатилган газларда ёнмай қолган углеводородлар пайдо бўлади. Бензинли двигателларда аланга совуқ деворга тегадиган жойда /қалинлиги 0,005-0,35 мм ни ташкил этадиган ўтиш зонасида/ кўп миқдорда ёнмай қолган углеводородлар пайдо бўлади. СН нинг кўп миқдорда юзага келишида поршен туви билан цилиндр устёпмасининг ҳаво /газ/ сиқиб чиқаргичи орасидаги тирқиши, поршен каллаги атрофи бўйлаб устки компрессион халқага қадар бўшлиқ, тирқишилар мавжудлиги сабаб бўлади. мажбурий салт ишлаш режимида СН миқдори қўпаяди.

Курум. Дизеллар ишлаганда қора тутун чиқиши ишлатилган газларда курум борлиги билан тушунтирилади. Курумни бошланғич ўлчамлари 0,02-0,2 мкм га teng бўлиб углерод ва оғир углеводородлардан ташкил топади. Улар углеводородли ёнилғиларнинг чала ёниш махсулларидир.

Алқдегидлар таркибида кислород молекулари бўлади ва улар қисман оксидланган углеводородларга киради. ИЁД ларнинг ишлатилган газлари таркибида асосан формалқдегид ва акролеинлар бўлади. Дизелларда алқдегидлар алангаланиши кечикиш даврида алангаланиш олдидан бўладиган реакциялар давомида юзага келади. Кенгайиш жараёнида цилиндр деворида қолган мой пардасининг оксидланиши, шунингдек ёнилғи берилиши тугагандан кейин тўзитгичдан томаётган ёнилғининг оксидланиши алдегидлар манбаи бўлиши мумкин. ИЁД кичик юкланиш билан ишлаганда ёки совуқлайн ишга туширилганда алқдегидлар чиқади. Бензинда ишлайдиган

двигателларда детанағион ёнишда ажралиб чиқади. Формалқдегид ва акролеинлар асаб системаси, жигар, буйракни шикастлантиради ва олтингугурт бирикмалари билан димоғни ёрадиган ёқимсиз хид тарқатади.

Ёниш жараёнида сулқфит ангидрид ва водород сулқфит ҳосил бўлади. Олтингугурт II-оксид нам билан бирикиб сулқфат кислота ҳосил қиласди. Дизелларда олтингугурт бирикмалари чиқади. Булар қон ишлаб чиқарувчи органлар-илик ва қора жигарни яллиғлантиради.

Қурғошинли бирикмалар. Қурғошин бензинга унинг детонафияга чидамлилигини ошириш учун қўшадиган этил суюқлигига /тетраэтилқурғошин/ кимёвий боғланган тарзда бўлади. Захарлик

даражаси:  $\frac{CO}{O_x} \cdot \frac{CH}{O_2} = \frac{I}{75} \cdot \frac{2}{60}$  19.1-расм. Бензинли ИЕД нинг ишлатилган газларидаги захарли моддалар миқдорини ўзгариши. Тўла юкланишда.

*Двигателни индикатор ва эффектив қўрсаткичларига ва заҳарли моддалар чиқариишига таъсир қилувчи факторлар.*

1. Умумий маълумотлар.

2. Учқундан аланталанадиган двигателларда максимал қувват ёнилғи аралашмасини  $\alpha \approx 0,8-0,9$  созлаш ва ўт олиш бурчагини ҳам созлаш орқали эришилади.

3. Дизелларда аралашма таркибини созлаш ҳисобига тутунсиз чиқариш, ва олдиндан пуркаш бурчагини бошланиши асосан шу режимда энг кам ёнилғи сарфига, тез ёниш фазасида босимни рухсат этилган ошиш тезлигига эришишга олиб келади.

Двигателни қўрсаткичларга таъсир қилувчи ҳар хил факторларни анализ қилиш, максимал қувватни олиш, двигателни ҳар хил тезлик режимларида, тежамкорлигига тўғри келмаган ҳолда идеал бўлишини қўрсатади.

Эксплуатағия шароитида двигател тўла бўлмаган режимларда ишлайди. Бу пайтдаги тахлил двигателни барқарор ишлашини энг кўп тежамкорликни ҳар бир тезлик режимига тўғри келишини қўрсатади.

2.4.3. Учқундан алангаланадиган двигателни индикатор кўрсаткичларига ва заҳарлигига таъсир қилувчи ҳар хил факторлар. Ёниш камерасининг шакли ва конструктив ўлчамлари.

Ёниш камерасининг шаклига қараб ёниш жараёнини ривожланиш характеристи ва деворга иссиқлик бериши ўзгаради.

Ёниш камерасини конструкциясига қўйиладиган асосий талаб цилиндрни кўпроқ тўлдиришга, ёниш жараёнида энг кам микдорда заҳарли моддалар чиқишига ва ажralган иссиқликдан кўпроқ фойдаланишга мўлжалланади. Ёниш камерасини конструкцияси двигателни умумий компановкасига боғлиқ.

Ёниш камераси тайёрланаётганда уни юзаларига ишлов бериш ва ҳамма цилиндрларда бир хил хажмли бўлишига эътибор берилади. ЗИЛ-120, ГАЗ-51, ГАЗ-20 двигателларида клапанлар пастда жойлашган бўлиб, ёниш камерасини текис овалли, яримонасимон катта бўлмаган эгилиш бурчаглилари қўлланилган.

(ЗИЛ-130, ЗИЛ-375, ГАЗ-21, ГАЗ-24, МЗМА-407 ва АЗЛК-408, ВАЗ-2103) АЗЛК-412 да яримсферали камера қўлланилган.

Ёниш камералари қўйидаги асосий кўрсаткичлар билан баҳоланади:

1. Юқори даражада тозалаш ва цилиндрни тўлдириш билан (клапанни катталаштириш ҳисобига).

2. Ёниш камера юзасини хажмига нисбати билан, яъни  $F_{EK}/V_{EK}$  ошиши деворларда иссиқликни йўқотилишига олиб келади.

$F_{KC}/V_{KC}$  - (S/D нисбатига боғлиқ,  $V_h$  ва  $E$  га боғлиқ).

3. Зарядни турбулизағияланиш даражаси ёниш камерасида киритиш ва сиқиши билан;

4. Ёниш участкасида босимни ошиши тезлиги ва циклдаги маҳсул босимни катталигига боғлиқ бўлгани билан;

5. Сиқиши даражасини ошиши бир вақтда ёқилғини детонағияли ёнишини камайиши ва заҳарлилигини камайиши билан;

6. Ёнишни давомийлиги билан. Давомийлик қанча кам бўлса, ёниш камерасининг детонағияга қарши сифати шунча юқори бўлади.

### *Сиқии даражаси.*

$V=const$  бўлган назарий цикл учун  $\eta_i$  ни  $E$  га боғлиқлиги (1) формула орқали топилади.

$$\eta_t = 1 - \frac{1}{\varepsilon^{k-1}}$$

19.2-расм. Турли ёниш камералари учун  $\eta_i$  ни  $\varepsilon$  га боғлиқ ҳолда ўзгариши.

5 эгри чизик камера учун  $\eta_i=1-1/\varepsilon^{n-1}$  формула орқали топилган.

1 - эгри чизик (1 камера); 2 - эгри чизик (2 камера);

3 - эгри чизик (3 камера); 4 - эгри чизик (4 камера).

Қийматларини фарқи ёниш камераларини конструкциясига ва иссиқлиқдан қай даражада фойдаланаётганига боғлиқ. 3 ва 7 эгри чизик 3-камерага тегишли бўлиб, 3-киритиш клапанида зарядни турбулизацияланишини тезлаткич ўрнатилгандаги чизик. 4-камерадаги характеристика  $0,6 N_e$  бўлган юкланишда олинган ва ёнилғини тежамкорлик таркибида. 6-эгри чизик  $E=7$  да  $\eta_t=1$  да олинган. Бу эгри чизиқлар шуни кўрсатадики ҳамма камераларда  $\eta_t$  ни характеристи бир хил.

### *Цилиндр ўлчамлари.*

Цилиндр ҳажмини ошиши пропорционал 3-даражага, иссиқлик узатиш юзаси  $F_T$ -чизиқли ўлчамларни квадратига тенг. Шунинг учун, цилиндр ҳажмини ошиши  $F_T/V$  нисбатини камайтириш билан ва иссиқликни деворга бериладиган қисмини камайтириш, циклдаги иссиқлиқдан фойдаланишни яхшилайди.

### *Аралашмани маркиби.*

1.  $\alpha < 1$  бой аралашмада  $\eta_t$  тез пасайди, чунки  $\alpha$  кичкина бўлганда кираётган ва чиқаётган иссиқликни фарқи кўпаяди.

2.  $\alpha = 1$  стехиометрик бўлганда берилган иссиқлик чиқаёттанига тенг бўлади.

3.  $\alpha > 1$  да камбағал аралашмада бериладиган иссиқлик камайиб, циклни максимал температураси камаяди ва кенгайиш температураси, ҳамда  $\text{CO}_2$  ва  $\text{H}_2\text{O}$  ёнган маҳсулотлардаги миқдори камаяди.  $\alpha$  ни энг эффектив камбағаллашиш чегараси бу иссиқликни энг яхши ишлатишидир.

#### *Дросселлаш.*

Карбюраторли двигателларда аралашмани камбағаллашни эффектив чегараси кам ўзгаради, бу ўз навбатида юкланишни тўладан салт ишлашгача камайганда сифатни созлаб бўлмайди.

Максимал юкланишда камбағаллашни эффектив чегараси  $\alpha = 0,8-0,9$  бўлади. Юкланишни камайиши 10-20% сифатли созланганда факат  $\alpha$  шу оралиқ қийматида бўлади. Ундан кейинги юкланишда камайиши цилиндрга кираётган аралашмани миқдорини камайтириш хисобига бўлади. Бундай сифатли созлаш дроссел тўсмақопқоғини ёпиш орқали бажарилади. Бунда аралашмани аланталаниш шароити ўзгаради ва камбағаллашишни эффектив чегараси бойланади, яъни  $\alpha - 0,9$  дан 1,1 га етади. Максимал босим камаяди. Ҳамда двигателда иссиқликдан фойдаланишни эффективлиги ўзгаради,  $\eta_i$  камаяди.

#### *Ўт олдиришини илгарилатиш бурчаги.*

Ўт олдиришини илгарилатиш бурчаги  $\varphi_3$  ёниш жараёнини Ю.Ч.Н. га нисбатан бошланишини билдиради, шунинг учун тўла иссиқликдан фойдаланиш билан характерланади. Бурчакни ўзгартирилса, температура, босим ва зарядни турбулизацияланиш шароити ҳам ёниш жараёнини ривожланиш оралиғида ўзгаради.

#### *Айланишлар частотаси.*

Тезлик режими ошиши билан ёнишни бошланғич фазаси  $\theta_1$  ва асосий фазаси  $\theta_{..}$ , ҳамда  $\varphi_3$  катталаниши компенсафияланади. Бунда ёниш жараёнини эффективлиги камаймайди. Шу вақтда айланишлар частотаси  $n$  ошиши билан иссиқликни йўқотиш камаяди, бу иссиқлик алмашибга вақтни қисқаргани

(газлар билан девор ўртасида) рўй беради. н ошганда ёниб бўлиш фазаси θ,,чўзилади. ф3 оптимал бўлганда эса η<sub>i</sub> ошади.

*Дизелларни индикатор ва заҳарлилик кўрсаткичларига ҳар хил факторларни таъсири*

*Аralашма тайёрлашни сифати ва ёниш камераларни тури.*

Аralашма тайёрлашни сифати ва ёниш камераларни тури қуйидаги факторларга боғлиқ:

- 1) ёнилғи узатиш температураларини параметрларига, (пуркаш тавсифага), ёнилгини вақт бўйича узатишга, пуркаш сифатига, алангани камерага кириш чуқурлиги ва шаклига боғлиқ.
- 2) ёнилғи пуркалаётган оралиқда ҳавони ҳаракатланиш йўналишини ташкил қилишга боғлиқ.
- 3) ҳавони термодинамик параметрларига;
- 4) ёнилгини хусусиятига.

Аralашма тайёрлашни қуйидаги усуллари мавжуд:

1. Ҳажмли ёниш камерасида;
2. Пардали аralашма тайёрлаш, фақат 5% ҳажмли ёниш камерасида пуркалади (М жараён).
3. Ҳажм пардали аralашма тайёрлаш. Бунда ёнилгини бир қисми ёниш камерасини ҳажмига пуркалади, қолган қисми уни юзасига.

*Бир бўшлиқли ёниш камераси.*

Бир бўшлиқли ёниш камерасида сиқиши жараёнини охирида ҳавони йўналтирилган ҳаракатининг тезлиги кам, яъни айланишлар частотасига қараб 0-10 м/с бўлади. Шунинг учун, бундай камераларда форсункали пуркагич 7 та тешиккача бўлиб (0,12-0,15 мм) юқори босимда (100МПа ва ундан юқори) пуркалади.

*Поршенда жойлашган ёниш камераси.*

Бунда 80% ёниш камераси поршенда жойлашган. Форсунка пуркагичи эса 3-4 тешикли бўлиб, пуркаш босими 15-17,5 МПа гача камаяди.

*Ажратилган уюрмали ёниш камералари.*

Сиқишиң жараёнида ёниш камераларида ҳавони ҳаракати йўналтирилган бўлади. Зарядни катта тезлиқда ўтиши кичкина тор бўғиздан ўтганда ҳосил бўлади ва шу тезлиқда ёрдамчи камерага кириб, ундан ҳаво билан ёнилгини аралашмаси ёнган ҳолда ёниш камерасига тушади. Бунда, штифтли пуркагич тешиги 1-2 мм бўлиб, пуркаш босимини 12,5-15 МПа гача камайтириш мумкин.

#### *Олд камераси.*

Сиқишиң жараёнида ҳавони киришидан ҳосил бўлган кинетик энергия асосан ҳавони ёнилғи билан жадал равишда аралашишга ҳизмат қиласи. Кичкина уланадиган каналлар олд камерадан чиқаётган алангани катта тезлиқда чиқишини таъминлайди.

Индикатор кўрсаткичлар камерани турига ва ёнилғи узатиш аппаратураларига, иссиқлик ажралиш характеристикасига ҳамда иссиқлик ва гидродинамик йўқотишларга боғлиқ.

Ажратилмаган ёниш камераларида  $\eta_i$  катта бўлади, иссиқликдан фойдаланиш яхши бўлади.

Ажратилмаган ва ярим ажратилган ёниш камераларида қурум ҳосил бўлади, шунинг учун тутун кўп бўлади. Тутунсиз ишлатилган газларни чиқариш учун азот миқдорини чекка қиймати тўла юкланишда оширилади.

Ажратилган камераларга ёнилғи уюрмали ёки олд камерага пуркалгани учун ҳаво ҳар доим кам бўлади. Ёнилгини ёнишида, шунинг учун азот оксиди ҳосил бўлмайди. Кейинги жараён поршен устидаги жойда давом этади, бунда ҳаво кўп бўлади, лекин температура паст бўлади. Шунинг учун, ишлатилган газларда азот оксиди ва қурум ажратилмаган ва ярим ажратилган камераларга нисбатан кам бўлади.

#### *Сиқиши даражаси.*

Сиқиши даражаси ошиши билан температура ва босим ёнилғи пуркашни бошланишида ошади. Бу алангаланишгача бўлган вақти қисқаришига олиб келади.  $t$  ошиши Е катта бўлганда ўрта ва катта юкланишларда азот оксидини кўпайишига олиб келади.

## **Назорат саволлари**

1. Учқун билан ўт олдириладиган двигателларида аралашма қандай ҳосил бўлади?
2. Қандай бензинни пуркаш тизимлари мавжуд?
3. Ёнилгини пурковчи MPI тизими қандай ишлайди?
4. ИЁДлар чиқариб ташлайдиган асосий захарли моддаларни ҳосил бўлиши ва заҳарлилигини айтиб беринг.
5. Двигател сиқиши даражаси ва цилиндр ўлчамларининг заҳарли моддалар ҳосил бўлишига қандай таъсир этишини баён этинг.
6. Ўт олдиришни илгарилатиш бурчаги ёнилғи тежамкорлиги ва ишланган газлар заҳарлилигига қандай таъсир этади.
7. Аралашма тайёрлашни сифати ва ёниш камераларни тури двигателнинг ишчи жараёнига қандай таъсир этади?
8. Ажратилган уюрмали ёниш камералари ишчи жараёнларига ва двигател кўрсаткичларига қандай таъсир этади?

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Kenneth Stafford. Alternative Fuels for Automobiles. 2008.
2. Richard Folkson, Alternative Fuels and Advanced Vehicle Technologies for Improved Environmental Performance. Woodhead Publishing Limited, 2015. 32-44 pp.
3. Hua Zhao. Advanced direct injection combustion engine technologies and development. Volume 1: Gasoline and gas engines. USA. Woodhead Publishing Limited, 2010. 26-32 pp.
4. Hua Zhao. Advanced direct injection combustion engine technologies and development. Volume 2: Diesel engines. USA. Woodhead Publishing Limited, 2010. 16-19 pp.

**З-мавзу: Ички ёнув двигателлари ва автотранспорт воситаларининг экологик тозалиги масалалари ва уларни ечиш йўллари**

### **Режа:**

1. Умумий маълумотлар

2. Асосий заарли моддаларнинг ҳосил бўлиши
3. Учқун билан ўт олдириладиган двигателларда ишланган газлардаги заарли моддалар миқдорини пасайтириш
4. Дизелларда ишланган газлардаги заарли моддалар миқдорини пасайтириш

**Таянч сўзлар ва иборалар:** қурум, углерод оксида, углеводородлар, азот оксидлари, ўт олдириш илгарилиги бурчаги, ёнилғи узатиш илгарилиги бурчаги, аралашма таркиби, ишланган газлар рециркуляцияси, рециркуляция даражаси, ишланган газларни нейтраллаштириш, оксидловчи каталитик нейтрализаторлар, учкомпонентли каталитик нейтрализаторлар, заррачалар учун филтлар.

### **3.1 Умумий маълумотлар**

Қўйидагиларни тавсифловчи кўрсаткичлар мажмуи: ишлаётган ИЁДнинг атроф-муҳит билан иссиқлик ва моддий ўзаро таъсирини; акустикшовқин, вибрацияларни; ИЁДни ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишда сарфланадиган конструкцион ва эксплуатационматериаллар миқдорини; ИЁДларни ишлаб чиқаришда ва эксплуатация қилишда сарфланадиган энергия миқдорини ИЁД экологик тозалиги сифатини белгиловчи сифатида тушуниш лозим.

Биринчи навбатда двигателни яратишда атроф-муҳитга бўлган техноген таъсирини қайд этиш лозим. Улар биринчи навбатда фойдали қазилмаларни разветка қилиш ва олишда, улар конструкцион ва эксплуатацион материалларни тайёрлашга сарфланади, сўнгра двигателларни ишлаб чиқаришда содир бўлади. Деталларни тайёрлаш технологик жараёнларида ҳам заҳарли чиқиндилар чиқади, улар асосан завод худуди чегараларида концентрацияланади.

Ишланган газларда жуда катта миқдорда кимёвий моддалар (300 гача) бўлади, улардан заҳарловчи ташкил этувчиликар  $CO$ ,  $CH$ ,  $NO_x$  ва қурум (қаттиқ заррачалар) деб номланувчиларга алоҳида эътибор берилади. Заҳарли деб

инсон организми ва атроф-мухитга заҳарловчи таъсир кўрсатадиган моддаларга айтилади<sup>1</sup>.

Ишланган газлардан ташқари двигателлар заҳарлилигининг манбалари бўлиб картер газлари ва атмосферага ёнилғининг буғланиши ҳам хизмат қиласди. Ишланган газлар билан атмосферага энг кўп заҳарли моддалар чиқади, шу сабабли асосий эътибор ишланган газлар заҳарлилигини камайтиришга қаратилади.

Қуруқ ишланган газлар компонентларининг заҳарли концентрациясини % да (ҳажми бўйича), ҳажми бўйича миллиондан бир улушда ( $млн^{-1}$ ) ва кам ҳолда мг/л да баҳолашади<sup>2</sup>.

Ишланган газлар компонентлари заҳарлилиги миқдорининг ўзгариш диапозони 3.1-жадвалда келтирилган.

### 3.1-жадвал

Ишланган газлар компонентлари заҳарлилиги миқдорининг ўзгариш диапазони			
Компонент	Ўлчам бирлиги *	Дизел	Учқун билан ўт олдириладиган двигатель
CO	% (об.)	0,01...0,5	0,1...8,0
CH	$млн^{-1}$	100...500	200...4000
CO <sub>2</sub>	% (об.)	2...12	8...13
NO <sub>x</sub>	$млн^{-1}$	500...3000	500...5000
Бензин(а)пирен	мг/м <sup>3</sup>	0...10	0...25
Курум	мг/м <sup>3</sup>	0...20000	0...100
Олтингугурт оксидлари	мг/м <sup>3</sup>	0...0,015	0...0,003
Альдегидлар	% (об.)	0,001...0,009	0...0,2

\*  $млн^{-1}$  – ҳажми бўйича миллиондан бир улуш; 1  $млн^{-1}=0,0001 \%$ .

<sup>1</sup> Richard Folkson, Alternative Fuels and Advanced Vehicle Technologies for Improved Environmental Performance. Woodhead Publishing Limited, 2015. 78 p.

<sup>2</sup> Hua Zhao. Advanced direct injection combustion engine technologies and development. Volume 1: Gasoline and gas engines. USA. Woodhead Publishing Limited, 2010. 68 p.

## **Нефт ва экологик муаммолар**


Транспорт сектори ёнилғиси – парник газларининг тез ўсувчи манбаларидир. ЕРА тадқиқоти, Америка Транспорт сектори Клиннинг таҳлили:

“Америка транспорт сектори бутун жаҳонда энергияга боғлиқ бўлган парник газлари чиқишининг тахминан 10% ташкил қиласди. Кейинги 50 йилда транспорт воситаларидан фойдаланиш ва улар сонининг ортиб бориши америка транспортларидан парник газларининг чиқиши ҳозирги даражадан 80% гача қўпайиши мумкин... Транспорт секторида парник газларини камайтириш учун учта умумий ёндашув мавжуд: 1) транспорт воситаларида замонавий технологияларни қўллаш; 2) парник газлари кам чиқадиган ёнилғига ўтиш ва 3) қуруқликда саёҳат қилиш масофасини қисқартириш”<sup>1</sup>.

Америка Транспорт сектори Клиннинг таҳлили клинлар стабилизацияси концепциясини киритди ва уни америка транспорт секторига қўллади, бундан мақсад нефтдан фойдаланиш ва парник газлари чиқишини камайтиришга ёрдам берувчи потенциал ёндашувларни иллюстрация қилишдир. Клин – фаолият бўлиб, у 1 GtC/у углерод чиқишини камайтиради. Бундан мақсад кейинги 50 йиллар 7 клинга эришиш, бунда 175 миллиард тонна углерод оксидлари чиқиши камаяди. Ҳар бир клин – бу технологияни яхшилаш ёки махсулот самаралилигини ошириш, масалан, кўмир ишлаб чиқарадиган заводлар самаралилигини ошириб ва шамол тегирмонларини ўрнатиб 60 милга бир галлон сарфланишига эришишдир.

---

<sup>1</sup> Kenneth Stafford. Alternative Fuels for Automobiles. 2008. 19-20 p.



6-расм. Стабиллашиш клинлари

Бошқа мисол, 6-расмда кўрсатилган 1 – 2 клин ёки 7 клинларнинг хаммаси 7-расмда кўрсатилган транспорт воситаларининг тўққизта технологияларини ифодалаши мумкин. Бу тизим чиқарадиган углерод микдори қисқартирилган (ушлаб қолинадиган) транспорт воситаси технологиясининг комбинациясини ҳам ифодалаши мумкин<sup>1</sup>.

Транспорт технологияси воситаси	Транспорт воситаси тежамкорлигини такомиллаштириш	GHG эмиссияси фоизининг қисқариши (ёнилғи-цикл)
Автомобилнинг бензинли двигатели		
Илғор бензинли двигатель ва илғор дизел двигатели	34-40 %	20-26 %
Гибрид электромобиль (бензин)	40 %	29 %
Гибрид электромобиль (дизель)	70 %	35 %
Оптималлаштирилган E85	-4 %	38 дан 80 % гача

<sup>1</sup> Kenneth Stafford. Alternative Fuels for Automobiles. 2008. 21 р.

Илғор оптималлаштирилган Е85	30 %	54 дан 85 % гача
Дастурий кенгайтиришнинг электрик гибриди	65 %	31 дан 62 % гача
Электрик	390 %	31 дан 94 % гача
Ёнилғи элементи	270 %	21-92 %

7-расм. Транспорт воситаси технологияси

6-расмда парник газининг чиқиши 50 йилда ҳозирги даражага нисбатан 80%га ортиши USTS лойиҳаланган, сабаби транспорт воситалари сонининг кўпайиши ва улардан фойдаланишнинг ортиши. Агар парник газларининг чиқишини камайтириш бўйича зарур бўлган тадбирлар қабул қилинса, 2050 йилда уларнинг чиқиши ортмаслиги ва ҳатто 2050 йилдан кейин камайиб бориши мумкин.

Транспорт секторидан парник газлари чиқишининг суммаси (E) ни аниқлаш учун учта параметр ҳисобга олинган. Ёнилғи сарфи (F), юриб ўтиладиган йўл (A) ва ёнилғи углероди миқдори (C)<sup>1</sup>.

#### *Атроф муҳитга водороднинг таъсири:*

Юқорида қайд этилганидек водород ёнилғиси сув электролизидан ишлаб чиқилиши мумкин, бунда атроф муҳитни ифлослаш манбаидан эмас, балки электрдан фойдаланилади. Улардан FCVда фойдаланилганда ҳеч қандай ифлословчи чиқиндилар ҳосил бўлмайди, фақатгина ИЁДларда оз миқдорда азот оксиди ҳосил бўлади. Бундан ташқари, ҳеч қандай CO<sub>2</sub> ажралиб чиқмайди, фақат сув буғи ҳосил бўлади. Водород ёнилғисини экологик ва сиёсий қўллаб-қувватланиши ортиб бораётган бўлсада, водород кўп қисмининг қазиб олинаётган ёнилғидан ишлаб чиқилаётгани катта ташвиш туғдирмоқда. Ҳозирги пайтда фақат 4% водород электрдан фойдаланиб (электролиз) ишлаб чиқилмоқда, қолганлари эса бевосита қазиб олинадиган ёнилғидан ёки энергиянинг бошқа манбаларидан фойдаланиб олинмоқда<sup>2</sup>.

Қўйида булар ҳақида маълумотлар келтирилган.

<sup>1</sup> Kenneth Stafford. Alternative Fuels for Automobiles. 2008. 21 р.

<sup>2</sup> Kenneth Stafford. Alternative Fuels for Automobiles. 2008. 46 р.

### ***Водородли иқтисодиёт ва унинг сиёсий оқибатлари:***

Водороддан тўғри фойдаланилганда у қазиб олинадиган ёнилгини бутунича алмаштириши учун потенциалга эга. АҚШда асосан нефтга асосланган иқтисодиёт янги водород иқтисодиётига ўтмоқда. *2003 молия йили бажарилиши ҳақидаги Давлат Ҳисоботи*.

“Президент Freedom CAR си ва Водород Ёнилғиси Ташаббуси Американинг импорт қилинадиган нефтга қарамлилиги ортиб боришини бутунича ўзгартириш мақсадида ишлаб чиқилган, унда транспорт воситаларини водород ёрдамида ҳаракатга келтириш учун ёнилғи элементини ишлаб чиқишга имкон берадиган технологияни ишлаб чиқиш ва натижада инфраструктурани, уларни қўллаб-кувватлаш учун, водород билан таъминлаш назарда тутилган. Бу ташаббус нафақат ички ёнилғи билан боғлиқ бўлган энергетика ҳавфсизлиги афзаллиги туфайли, у саноат учун хом ашёнинг кенг спекторидан ишлаб чиқилиши мумкин, балки тарнспортировка қилишда ва доимий бозорлардаги потенциал экологик афзалликлари туфайли ҳам қабул қилинган”<sup>1</sup>.

*2003 молия йили бажарилиши ҳақидаги Давлат Ҳисоботидаги баёнотда водородли ёнилғи технологияси “... электр, транспорт воситалари ёнилғиси ва иситиш ва совитиш” каби энергетик хизматларни интеграллашган ҳолда ишлаб чиқариш учун иқтисодий ривожланиш йўлини таъминлайди ва иқтисодий ўсиш янги марказларининг ривожланиши учун имкониятларни таклиф этади. Лекин Америка Қўшма Штатлари технологиянинг бу турини тўлиқ амалга ошириши учун камида 40 йил талаб қилинади (“Водород Иқтисодиётига Ўтиш” диаграммасига қара). Ҳукуматда саноатнинг Водородли Соҳалари ўсишига қўмаклашиш ҳамда Америка манфаатларини химоя қилиш ва энергияга қарам бўлмаслиги учун рағбатлар мавжуд.*

---

<sup>1</sup> Kenneth Stafford. Alternative Fuels for Automobiles. 2008. 47 p.

*“Водородли ёнилги элементлари – бизнинг эрамизнинг энг гайрат бағишиловчи, инновацион технологиялардан биридир... Водород энергиясидан фойдаланишинг энг катта натижаларидан бири, албатта, мамлакат энергетик қарам бўлмаслигидир ..., бунда ўз уйимизнинг мероси ҳақида ўйлаймиз, мамлакатимизнинг келажсак авлоди ҳорижий энергия манбаларига тобе бўлиб қолмасликлари учун бугун инвестициясини жалб қилиш ҳақида ўйлашимиз керак. Мана шунинг учун мен Конгресс билан ишлашга розиман, сабаби мамлакатни ёнилги элементининг водород технологияларига йўналтиришидир. Айнан халқ манфаатларини ўйлаб биз шундай қилмоқчимиз”*

- президент Джордж Буш – кичик

Ҳозирги вақтда АҚШда йилига 9 миллион тонна водород истеъмол қилинмоқда, унинг катта қисмини ишлаб чиқариш истеъмол қилмоқда ва жуда кам қисми фойда учун сотилмоқда. Яқин келажакда водород ёнилғисининг катта қисми саноатга ва транспортировка қилиш учун сотиладиган бўлади, бунда автомобил саноати ривожланишга мажбур бўлади. Бу америка иқтисодиёти учун катта аҳамиятга эга, чунки бизнинг қишлоқ хўжалиги саноати бўлмаган экспортнинг 12% – автомобиллардир<sup>1</sup>.

*“Америка ҳозирги саноатининг муваффақияти бизнинг одамлар ва бутун мамлакатимизнинг фаровонлиги учун катта аҳамиятга эга. Масалан, америка автомобил саноати – дунёдаги энг катта автомобил саноати бўлиб, у ишлаб чиқаришида иккинчи ўринда бўлган Японияга нисбатан 30% кўпроқ транспорт воситаларини ишлаб чиқаради. Автомобилларнинг ишлаб чиқаришида бевосита иштирок этадиган ҳар бир ишчига автомобил ишлаб чиқаришининг бошқа тармоқларида 7 та ўрин тўғри келади.”*

*Американинг автомобилсозлари – алюмин, мис, темир, қўргошин, пластмасса, резина, газлама, винил, пўлат ва компьютер микросхемаларини энг иирик сотиб олувчиларидан биридир. Автомобил саноати ҳам энг катта экспортер, у қишлоқ хўжалиги бўлмаган ҳамма экспортнинг 12%ини ташкил*

---

<sup>1</sup> Kenneth Stafford. Alternative Fuels for Automobiles. 2008. 48-49 p.

қиласы. Жағон бозорида рақобатбардош бўлиб қолиши Америка иқтисодиёти учун муҳим ҳисобланади.”<sup>1</sup>

### 3.2 Асосий заарли моддаларнинг ҳосил бўлиши

ИЁД цилиндрларида ёнилғи ёнганда ҳар хил заҳарли моддаларнинг кўп миқдори ҳосил бўлади, улар чала ёниш ва ёнилғи углеводородлари, азот оксидлари, олтингугурт бирикмаларининг термик парчаланиши маҳсулотларидан таркиб топади<sup>2</sup>.

**Углерод оксиди ( $CO$ )** кислород етишмагандаги ёниш пайтида, дизелларда совуқ алангали реакциялар давомида ёки  $CO_2$  диссоциациясида (асосан учқун билан ўт олдириладиган двигателларда) ҳосил бўлади.

Учқун билан ўт олдириладиган двигателлар (ДсИЗ)да  $CO$  ҳосил бўлишига аралашма таркиби таъсир кўрсатади: у қанчалик бой бўлса,  $CO$  концентрацияси шунчалик юқори бўлади. Дизелларда ишланган газлар таркибида  $CO$  концентрацияси кўп бўлмайди ва у асосан аралашма ҳосил бўлиш жараёни сифатига боғлиқ: у қанчалик яхши бўлса,  $CO$  шунчалик кам ҳосил бўлади.

**Углеводородлар ( $CH$ )** ёнилғида бошидан мавжуд бўлади ёки ёнилғи молекулалари парчаланганда ҳосил бўлади, бу молекулалар ёнишда иштирок этмаган бўлади. Ишланган газлар таркибида углеводородлар ёниш камерасининг нисбатан совуқ деворлари яқинида алана сўниши натижасида, сиқиб чиқарувчилардаги “қисилган” ҳажмларда ва поршен ва цилиндр орасидаги биринчи компрессион ҳалқа устидаги “қисилган” ҳажмда алана сўниши туфайли пайдо бўлади.

Дизелларда углеводородлар бойиб кетган зоналарда ҳосил бўлади, у ерда ёнилғи молекулалари пиролизи содир бўлади. Агар сиқиши жараёнида бу зоналарга етарли миқдорда кислород келмаса,  $CH$  ишланган газлар таркибига ўтади. Алангалиниш бўлмагандага, чиқариш клапани ёки картер вентиляцияси

<sup>1</sup> Kenneth Stafford. Alternative Fuels for Automobiles. 2008. 49 p.

<sup>2</sup> Hua Zhao. Advanced direct injection combustion engine technologies and development. Volume 2: Diesel engines. USA. Woodhead Publishing Limited, 2010. 39 p.

тизими герметик бўлмаганда ҳамда ёнилғи баки ва карбюраторда бензин буғланиши оқибатида углеводородлар атмосферага чиқариб юборилиши мумкин.


Заҳарли моддаларнинг бу гурӯхига кирувчи ҳар хил индивидуал углеводородлар микдори 200 дан ортади.

Бензол, толуол, полициклик ароматик углеводородлар (ПАУ) ва биринчи навбатда бенз(*a*)пирена ( $C_{20}H_{12}$ ) ларнинг атмосферага ташланиши алоҳида аҳамиятга эга. Юқори заҳарли моддаларнинг бу гурӯхи ҳарорат 600...700  $K$  бўлганда ёнилғининг енгил ва ўрта фракциялари пиролизи натижасида ҳосил бўлади. Бундай шароитлар ишчи йўл вақтида цилиндрнинг совук юзалири яқинида у ерда кислород етишмовчилиги бўлганда вужудга келади. Ёнилғида бензол концентрацияси қанчалик кўп бўлса ишланган газлар таркибида ПАУ микдори шунчалик кўп бўлади.

**Қурум ва қаттиқ заррачалар.** Қурум қаттиқ маҳсулот бўлиб, у асосан углероддан таркиб топади. Қурумда углероддан ташқари 1...3 % (массаси бўйича) водород бўлади.

Қурум ҳарорат 1500  $K$  дан юқори бўлганда термик парчаланиш (пиролиз) ҳажмий жараёни натижасида кислород сезиларли етишмаганда ҳосил бўлади.

Пиролиз реакцияси қуйидаги тенглама билан ифодаланади:





$\alpha$ 0,3...0,7 дан кичик бўлганда ва газларнинг ҳарорати ва босимига боғлиқ бўлганда ҳамда ёнилғи турига боғлиқ ҳолда қурум ҳосил бўлиши бошланади.

Учқун билан ўт олдириладиган двигателларда ёнишда аралашма алангаланишининг концентрациончегаралари қурум ҳосил бўлиши бошланишининг қўрсатилган чегараларига мос келмайди. Шу сабабли учқун билан ўт олдириладиган двигателларда ишланган газлар таркибида қурум микдори сезиларсиз даражада бўлади.

Дизелларда ёнишда юқори ҳароратли аланга зоналарига бой аралашмали зоналар туташади, у ерда диффузион ёниб тугашда ва кислород кам бўлганда пиролиз учун қулай шароитлар ҳосил бўлади. Қурум заррачалари қўп қисмининг ўлчамлари  $0,4\dots 5\text{ мкм}$  бўлади. Ишланган газларда қурум заррачаларининг концентрацияси кенгайиш жараёнида ёниб тугашга боғлиқ, у пайтда заррачаларга кислород етиб келади. Чиқаришдаги қора тутун ишланган газларда қурум борлигини билдиради.

**Азот Оксидлари ( $NO_x$ ).** Агар цилиндрдаги ҳарорат  $1200\text{ K}$  дан юқори бўлса ҳаво таркибидаги азот ва кислород занжирли механиз бўйича ўзаро кимёвий таъсирга киришишади:



Юқоридаги реакция ҳал қилувчи ҳисобланади, унинг тезлиги атомар кислород концентрациясига боғлиқ. Ёнишда двигател цилиндрларида асосан азот оксиди  $NO$  ҳосил бўлади (қолган ҳамма азот оксидларининг 95 % дан кўпини ташкил қиласи).

Учқун билан ўт олдириладиган двигателда азот оксидланиши ва  $NO$  ҳосил бўлиши аланга фронти ортида ёниш маҳсулотлари зонасида содир бўлади, у ерда ҳарорат энг юқори бўлади. Газлар ҳарорати кўтарилиши ва кислород концентрацияси ортиши билан  $NO$  ҳосил бўлиши кескин ортади.

Дизелларда ёнишда  $NO$  ҳосил бўлиши аралашманинг локал таркиби ва ҳарорат билан белгиланади. Дизелнинг ёниш биринчи бўладиган ва ҳарорат  $2000\text{ K}$  дан юқори бўлган зонада энг кўп вақт бўлган зарядларда  $NO$  энг кўп микдорда ҳосил бўлади.

**3.3 Учқун билан ўт олдириладиган двигателларда ишланган газлар таркибида заарли моддалар микдорини камайтириш**

Ишланган газлар таркибида заарли моддалар микдорини камайтириш учун жуда кўп турли тадбирлардан фойдаланилади, жумладан маҳсус антизаҳарли қурилмалар ва тизимлар қўлланилади. У ёки бу стратегияни


танлаш таъминланиши талаб қилинган ишланган газлар заҳарлилиги даражасига боғлиқ.

### Ёнилғи узатиш ва ўт олдириш тизимларини такомиллаштириш.


Аралашма таркиби ишланган газлар таркибига ҳал қилувчи таъсир ўтказади (3.1 – *расм*). Ишланган газларда аралашма бойиб бориши билан  $CO$  ва  $CH$  каби компонентлар концентрациясининг ортиши кислород етишмаслигининг ортиши билан тушунтирилади. Иккинчи тарафдан жуда камбағал аралашмаларда  $CH$  концентрацияси пайдо бўлаётган алангаланиш ўтказиб юборишлари туфайли ортади.

$NO_x$  концентрацияси аралашма  $\alpha \approx 1,05$  гача камбағаллашиб боргани сари ишланган газларда  $O_2$  миқдори ортиб бориши ва ёниш жараёни ҳарорати қўтарилиши оқибатида содир бўлади. Аралашма камбағаллашиб боргани сари ёниш ҳароратининг пасайиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Иккинчи тарафдан ўт олдириш илгарилиги бурчаги  $\varphi_{O_2}$  ҳам  $NO_x$  ва  $CH$  ҳосил бўлишига кучли таъсир қиласи (3.2 - *расм*).



3.1 – *расм.* Ишланган газлар таркибига охининг таъсири



3.2 – *расм.*  $NO_x$  ва  $CH$  ҳосил бўлишига  $\varphi_{O_2}$  нинг таъсири

Бу таъсир шу билан боғланганки,  $\varphi_{o_3}$  ортиши билан ёниш жараёни ҳарорати кўтарилади ва шу билан бирга ҳосил бўлаётган  $NO_x$  миқдори ҳам ортади.  $\varphi_{o_3}$  камайиши билан ёниш тобора кенгайиш линиясига сурилиб боради, кенгайиш жараёни охирида ва чиқариш тизимида ишланган газлар ҳарорати ортади, бу эса  $CH$  нинг тўлиқроқ оксидланишини таъминлайди.

Шу сабабли ишланган газлар заҳарлилиги билан курашишнинг бошланғич босқичида асосан ёнувчи аралашма дозаланишини оптималлаштириш ва унинг ишончлироқ ва стабилроқ ёнишини таъминлаш йўли билан ёнилғи тўлиқ ёнишини оширишга йўналган тадбирлар комплексидан фойдаланилган.

**Ишланган газлар рециркуляцияси.** Рециркуляция ишланган газларнинг бир қисмини чиқариш тизимидан киритиш тизимига ўтказиб юбориш воситасида амалга оширилади. Газ тақсимлаш фазалари ўзгарувчи бўлган двигателларда киритиш клапани олдин очилганда ёки чиқариш клапани олдин ёпилганда ишланган газларнинг кўпроқ қисми цилиндрда қолади, шу туфайли «ички рециркуляция» таъминланади. Бунинг натижасида ишчи аралашма массаси ортади (унинг иссиқлик сигими ҳам мос равища ортади), бу ёниш ҳароратини пасайтиради, демак, азот оксида ҳосил бўлишини ҳам камайтиради<sup>1</sup>.

Демак ишланган газлар рециркуляциясидан  $NO_x$  ларни ҳосил бўлишини камайтириш учун фойдаланилади.

Рециркуляцияда киритиш жараёнида насос йўқотишлари бироз камаяди, бу двигател ёнилғи тежамкорлигини яхшилаш учун асос яратади. Бундан ташқари рециркуляцияда диссоциация ва иссиқлик узатишга йўқотишлар пасаяди, циклнинг термик фойдали иш коэффициенти эса ортади (ёниш маҳсулотлари ҳароратининг пасайиши ва бунга мос адиабата кўрсаткичининг катталashiши натижасида иссиқлик сигими камайиши ҳисобига).

---


<sup>1</sup> Engineering Fundamentals of IC Engines (Willard W. Pulkabek University of Wisconsin).292 p.

Иккинчи тарафдан, ишланган газлар рециркуляцияси ортиши билан иссиқлик ажралиши жараёни чўзилади, цикллар кетма-кетлигининг ностабиллиги кучаяди ва  $CH$  атмосферага чиқарилиши ортади.

Юқорида қайд этилган омилларнинг биргаликдаги таъсири натижасида ишланган газлар рециркуляцияси ортиши билан двигател тежамкорлиги олдин бироз яхшиланади, сўнгра ёмонлашади, бу рециркуляциянинг мақсадга мувофиқ даражаси  $R_c$  ни чеклайди.

Амалиёт шуни кўрсатдики рециркуляция  $R_c = 15\dots20\%$  бўлганда  $NO_x$  чиқарилишининг камайиши  $60\dots80\%$  га етиши мумкин (3.3-расм).

$R_c > 10\%$  бўлганда одатда ёнилғи тежамкорлиги ёмонлашиши кузатилади. Бунда ёниш тез борадиган двигателларда  $g_e$  ортиши  $R_c$  нинг каттароқ қийматларида бошланади.



3.3-расм. Рециркуляция даражаси  $R_c$ нинг  $NO_x$  ва  $CH$  чиқарилишига таъсири

$CH$  чиқарилиши ва  $g_e$ нинг кўпроқ катталанишининг олдини олиш учун одатда  $R_c 20\%$  дан ортмайди.

Двигател юкига қараб рециркуляциянинг оптимал даражасини ўзгартириш зарур: юк ортиши билан циклнинг максимал ҳарорати кўтарилади ва ёнувчи аралашма камбағаллашади, шунинг учун бу ҳолда  $R_c$  ни орттириш лозим. Дроссел тўсиғи тўлиқ очилганда ишланган газлар рециркуляцияси

максимал қувватни олиш имконини бермайды, шунинг учун бу иш режимларида  $R_c = 0$  бўлишини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Двигател юкига боғлиқ ҳолда  $R_c$  ни ўзгартириш пневмоюритмали рециркуляциянинг махсус клапани ёрдамида амалга оширилади.

**Ишланган газларни нейтраллаш.** Двигател чиқариш тизимида ишланган газларни қайта ишлаш учун мўлжалланган қурилма нейтрализатор дейилади.

*Оксидловчи каталитик нейтрализаторлар.* Бу нейтрализаторлар COvaCH ни оксидлаш учун хизмат қиласди, улар ҳарорат  $300\ldots800^{\circ}\text{C}$  бўлганда эфектив ишлайди. Ҳарорат бундан юқори бўлганда ва айниқса этилланган бензиндан фойдаланилганда нейтрализатор тезда дезактивлашади. Катализаторлар сифатида платина ва палладийдан фойдаланилади. Оксидловчи нейтрализаторлар  $\alpha < 1$  бўлганда махсус ҳаво насослари кўлланилишини талаб қиласди ҳамда  $\text{NO}_x$  чиқарилиши муаммосини ечмасдан қолдиради<sup>1</sup>.

*Учкомпонентли каталитик нейтрализаторлар.*  $\text{NO}_x$  ни нейтраллаш учун уни азот  $\text{N}_2$  ва аммиак  $\text{NH}_3$  гача қайта тиклаш реакцияларидан фойдаланилади. Қайта тикловчилар сифатида ишланган газлар таркибидаги  $\text{CO}$ ,  $\text{CH}_2\text{H}_2$  дан фойдаланилади. Двигател стехиометрик аралашмада ишлаганида  $\text{NO}$  ни қайта тикловчи асосий маҳсулот бўлиб  $\text{N}_2$  хизмат қиласди, бой аралашмаларда эса кўпроқ  $\text{NH}_3$  ҳосил бўлади.

Нейтрализатор нархини пасайтириш учун учметалли катализатор: платина, палладий, радиј 1:16:1 ёки 1:28:1 нисбатда кўлланилади. Битта нейтрализаторга 1,5 дан 3 гача платина сарфланади. Учкомпонентли нейтрализатор тизимидан фойдаланилганда этилланган бензиндан фойдаланишга йўл қўйиб бўлмайди.

---

<sup>1</sup> Richard Folkson, Alternative Fuels and Advanced Vehicle Technologies for Improved Environmental Performance. Woodhead Publishing Limited, 2015. 83 p.


$NO_x$  қайта тикланганда бир пайтда  $CO_{2}$  ларнинг оксидланиши содир бўлади. Бундай нейтрализатор учкомпонентли ёки бифункционал, яъни қайта тикловчи ва оксидловчи деб аталади.

Нейтрализаторда ҳар хил газларнинг каталитик ўзгариши даражаси қайта ўзгариш коэффициенти билан баҳоланади

$$K_i = \frac{C_{i_{\text{вх}}} - C_{i_{\text{вых}}}}{C_{i_{\text{вх}}}} \cdot 100 \%$$

бу ерда  $K_i$  –  $i$ -компонентнинг қайта ўзгариш коэффициенти;

$C_{i_{\text{вх}}}$ ,  $C_{i_{\text{вых}}}$  – мос равишда нейтрализаторга кириш ва ундан чиқишда бу компонентнинг концентрацияси.



3.4-расм. Учкомпонентли нейтрализаторнинг эфектив ишлиши зонаси

Бир пайтда учта нормаланаётган компонентлар бўйича  $K_i$ нинг энг катта қийматига ( $K_i \approx 0,9$ ) (3.4-расм) двигател бироз бойиган аралашмада ( $\alpha = 0,98.....0,99$ ) ишлаганида эришилди, чунки бу ҳолда  $NO$  қайта тикланганда ажралиб чиқаётган кислород микдори  $H_2$ ,  $CO_{2}$  оксидланиши учун етарли бўлади.

Стехиометрик аралашма яқинида қайта ўзгариш коэффициентлари кескин ўзгаради, чунки нейтрализатор эфектив ишлиши учун аралашма таркибини  $\alpha \approx 1$  қилиб юқори аниқликда ушлаб турилишини таъминлаш талаб қилинади, бунга фақат манфий қайта боғланишли электрон бошқариладиган ёнилғи пуркаш тизимларидан фойдаланиш йўли билан эришиш мумкин.

**Двигателни ишга туширишда ва уни қиздиришда *CH* чиқишини камайтириш.** Совук двигател ишга туширилганда каталитик нейтрализатор ишламайды, чунки ундаги ҳарорат етарли даражада юқори эмас, бундан ташқари, двигатель бу вақтда бойитилган аралашмаларда ишлайды ва ишланган газлар таркибида *CH* ни нейтрализаторда оксидлаш учун зарур бўлган кислород бўлмайди.

Шу сабабли нейтрализатор қизишини тезлаштирувчи ҳар хил методлардан фойдаланиш ҳамда электр юритмали маҳсус насос ёрдамида нейтрализаторгача ишланган газлар оқимига ҳаво беришдан фойдаланиш аҳамияти ортиб бормоқда.

Нейтрализаторни тезроқ қиздиришга уни двигателга яқинроқ ўрнатиш, чиқариш клапани ва нейтрализатор орасида чиқариш тизимини термоизоляциялаш, нейтрализаторни электр ёрдамида қиздириш, ўт олдириш илгарилигини камайтириш ёки ишланган газлар ҳароратини орттириш мақсадида кенгайиш тактида ёнилғининг маълум миқдорини ёндириш билан эришилади.

$\lambda$ -зонд тахминан  $t = 300^{\circ}\text{C}$  бўлганда ишлай бошлагани сабабли, уни электр ёрдамида қиздиришни кўллаш кўпроқ қўлланилмоқда. Баъзи ҳолларда старт нейтрализаторидан фойдаланилади, у асосийга нисбатан кичикроқ ўлчамларга эга ва у ундан олдин ёки унга параллел ўрнатилади. Кейинги ҳолда ишланган газларни бутун оқими старт нейтрализаторига йўналтирилади, у тез қизийди, сўнгра ишланган газлар оқими маҳсус заслонка билан асосий нейтрализаторга йўналтирилади.

**Янги ёнилғилар.** Маълум истиқболлар бензин хоссасини яхшилашга боғланган, чунки у ишланган газлар заҳарлилигига таъсир қиласи. Бу бензин таркибида олtingугурт ва ароматик углеводлар миқдорининг камайтирилишига тааллуқли (канцероген моддалар чиқишини камайтириш учун). Икки хил бензинлардан – стандартлаштирилган ва модифицирлашган (1/3 ароматиклар эфир билан алмаштирилган) – фойдаланилганда автомобилларда ўтказилган қиёсий синовлар шуни кўрсатдики,

модифицирлашган бензиндан фойдаланилганда  $CH$  чиқиши 10% га,  $CO20\%$  га ва  $NO_x$  чиқиши 33% га камайган, олтингугурт ва канцероген моддалар чиқиши күп марта камайган.

Ўтказилган тажрибалар шуни кўрсатдик, бензинга 15% метанол ( $CH_3OH$ ) қўшилганда заарли моддалар чиқиши 25...30% га камайган, двигател фақат метанолда ишлаганда бу камайиш 50% гача етган.

Метанолдан фойдаланилгандаги асосий мураккаблик шундаки, у заҳарли ва металл резина ва пластмассаларга нисбатан катта коррозион агрессивликка эга.

Сиқилган ва суюқлаштирилган газлардан фойдаланиш учқун билан ўт олдирадиган двигателлар ишланган газларининг заҳарлилигини камайтиришга маълум ҳисса қўшди. Бу маънода суюқлаштирилган газнинг самарадорлиги камроқ, чунки ундан фойдаланилганда ишланган газлар заҳарлилигини камайтириш двигател бензинда ишлаганига қараганда камбағалроқ аралашмаларни ёқиши натижасида эришилади.

Двигателларни сиқилган табиий газдан таъминлашга ўтказиш самаралироқ экологик эффект беради, сабаби табиий газнинг элементар таркиби бензин таркибига қараганда сезиларли фарқланади. Масалан, синовлар ўтказилганда  $CO$  чиқарилиши ўртача икки марта,  $CH$  чиқарилиши 15...40%,  $NO_x$  чиқарилиши эса 15% дан кам бўлиши регистрация қилинган. Шу билан бирга сиқилган газда ишлаганда  $CO_2$  чиқиши камайиши ва ишланган газлар таркибида оғир углеводородлар йўқлиги ҳам регистрация қилинган.

Учқун билан ўт олдириладиган двигателларда юқорида қайд этилган усуллар билан ишланган газлар заҳарлилигини камайтириш резерви бугунги кунда деярли қолмади ва бу махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ва қўллашни талаб қилмоқда.

Ишланган газлар таркибида  $CO$ ,  $CO_2$  ва  $CH$ лар умуман бўлмаслигига эришиш мотор ёнилғиси сифатида водороддан фойдаланилганда эришиш мумкин. Бунда бироз камбағаллаштирилган аралашмаларда двигател ишлаганда водород ёниши ҳарорати юқори бўлганлиги сабабли бензинда

ишилганга қараганда  $NO_x$  ( $NO_{x\max} = 5000...5500 \text{ млн}^{-1}$ ) миқдори күпроқ ҳосил бўлади, ЕСЕ тести бўйича ўтказилган синовлар бензинда ишилганга нисбатан  $NO_x$  чиқиши камайиши кузатилган (анча камбағал водород-ҳаво аралашмаларидан фойдаланилганлиги сабабли)<sup>1</sup>.

Бугунги кунда водороднинг нархи жуда юқори, бундан ташқари, двигател водород билан таъминлашга ўтказилганда максимал қувват камаяди, қайта алангаланишлар (аралашманинг киритиш тизимида алангаланиши ва ёниши) пайдо бўлади, металлар юза қатламларида водород билан тўйиниш натижасида “водород мўртлиги” пайдо бўлади. Автомобил бортида газсимон  $H_2$  ни сақлашни ташкил қилишда (газсимон водороднинг ҳажмий ёниш иссиқлиги жуда кичик бўлганлиги сабабли) ёки суюқ  $H_2$  криоген бакларида сақланганда ҳамда  $H_2$  ни ишлаб чиқариш, транспортировка қилиш ва сақлашда катта қийинчиликлар туғилади.

### **Камбағал аралашмалар ва қатламли зарядлардан фойдаланиш.**

Сиқиши даражасини ва электр учқуни қувватини ошириш билан бирга цилиндрдаги заряд ҳаракатланиши интенсивлигини бошқариш  $\alpha = 1,5...1,7$  гача камбағаллаштирилган аралашмани эффектив ёкиш имконини беради. Жуда камбағаллашган аралашмада двигател ишилганда  $NO_x$  чиқарилиши деярли сезиларли бўлмайди,  $CH$  ва  $CO$  чиқишилари билан курашиш эса оксидловчи нейтрализатор ёрдамида амалга оширилади. Аралашма ҳаддан ташқари камбағаллаштирилганда аралашмани учқун билан ўт олдириш ва ёнишнинг ностабиллиги қаби муаммолар пайдо бўлади.

Қатламланган зарядлардан фойдаланиш, улар хусусан бензин цилиндрга пуркалганда шаклланади, таркибида кислодрод бўлган ишилган газлардаги  $NO_x$  ни самарали нейтралашни талаб қиласи. DENOX адсорбцион-катализитик нейтрализатор шу мақсадда ишилган.

---


<sup>1</sup> Hua Zhao. Advanced direct injection combustion engine technologies and development. Volume 1: Gasoline and gas engines. USA. Woodhead Publishing Limited, 2010. 84 p.

### 3.4 Дизеллар ишлаган газларидаги заарали моддалар міндерини камайтириш

**Аралашма ҳосил қилиш ва ёниш жараёнларини такомиллаштириш** –  $NO_x$  ва заррачалар чиқишилари ва ёнилғи тежамкорлиги орасидаги компромисни топищдадир.

Ёниш тезлиги ортиши  $NO_x$  чиқындилари чиқишини күпайтиради, лекин бунда двигател ёнилғи тежамкорлиги яхшиланади.

Аралашма ҳосил бўлиш ва ёниш жараёнларини такомиллаштириш шу билан мураккаблашадики,  $NO_x$  чиқишини камайтиришга йўналган тадбирлар, одатда, заррачалар чиқишини күпайтиради (3.5-расм).



3.5-расм. Курум ва  $NO_x$  чиқишилари орасидаги ўзаро боғлиқлик ( $n=1500$  мин $^{-1}$ ;  $p_e=0,3$  МПа)

Ёнилғини жуда майда томчили қилиб пуркаш ёниш тўлиқлигини яхшилайди ва қурумлар чиқишини камайтиради, лекин циклнинг кўтарилиб бораётган ҳарорати сабабли  $NO_x$  ҳосил бўлиши ортади.

Ажратилмаган камерали дизелларда ишланган газлар заҳарлилиги ва тутунлилиги кўп жиҳатдан заряднинг уюрма ҳаракати интенсивлигига ва уни факт параметрлари ва ёнилғи майда пуркалиши билан мувофиқлашганлигига боғлик.

Плёнкали (деворга ёпишган) аралашмали дизелларда, айниқса ишга тушириш ва қизитиш режимларида,  $CO$ ,  $CH$  ва альдегидлар кўп ҳосил бўлади.

Олд камера ёки уюрма камерада ёниш паст ҳароратда ва кичик  $\alpha$  да кечади. Асосий камерада заряднинг ёниб тугаши ҳам нисбатан юқори бўлмаган ҳароратларда боради. Шу сабабли ажратилган камерали дизелларда ёнишда ёниш камераси поршен тубида жойлашган дизелларга қараганда  $NO_x$  кам ҳосил бўлади. Бундан ташқари ажратилган камерали дизеллар ишланган газлар билан тўлиқ ёнмаган маҳсулотларни кам чиқаради, тутун чиқиши камаяди, бу поршен устидаги ҳажмда  $CO$ ,  $CH$  ва қурум яхши ёниб тугаши билан тушунтирилади<sup>1</sup>.

Наддув қўлланганда одатда  $\alpha$  ни ташқи тезлик характеристикаси бўйича катталаштиришади, бу ишланган газлар заҳарлилиги ва қурумлар чиқиши камайишига кўмаклашади. Ҳаво оралиқ совитилишидан фойдаланилганда бу камайиш янада сезиларлироқ бўлади, чунки совиганда заряддаги кислород концентрацияси кўпаяди. Масалан, турбонаддувли ва ҳаво оралиқда совитиладиган дизелларда надувсиз дизелларга нисбатан  $NO_x$  ва қурум заррачалари чиқиши тахминан 30% га камаяди.

Қисман юкларда ишлаганда  $p_{вп}$ нинг ортиши, бунда ўз-ўзидан алангаланиш тутилиб қолишининг ёнилғи пуркалиши давомийлигига нисбатан катта бўлади,  $NO_x$  ҳосил бўлишига двигател тўлиқ юқда ишлаганига қараганда кучлироқ бўлади.

$NO_x$  чиқиши кўпайиб кетишини олдини олиш ва шовқинни камайтириш учун, пуркаш бошланишида ёнилғини бериш (тахминан ўз-ўзидан алангаланиш ушланиб қолиш даври давомида) камайтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу муаммони ечишда радикал ечим – олдин ёнилғининг кичик миқдорини, сўнгра асосий қисмини пуркаш бўлади. Иккинчи тарафдан, ёнилғи пуркалиши давомийлигининг узайиши ва ёнилғи узатилиши охирининг чўзилганлиги қурум ҳосил бўлишини орттиради ва бунинг оқибати сифатида заррачалар чиқиши кўпаяди. Пуркаш илгарилиги бурчаги  $\varphi_{o,вп}$  алангаланиш ушланиб қолиши даври давомийлиги  $\theta_I$  ни ва бу даврда пуркалган ёнилғи

---

<sup>1</sup> Hua Zhao. Advanced direct injection combustion engine technologies and development. Volume 2: Diesel engines. USA. Woodhead Publishing Limited, 2010. 41 p.


улишини ўзгартиради, бу эса диффузион ёниш давомийлигига таъсир қилади. Масалан, агар  $\theta_{\text{қисқарса}}$ , тез ёниш бошлангунча пуркалган ёнилғи улушы  $\Delta V_i$  камаяди, ишланган газлар тутунлиги эса мос равищда ортади.

$\varphi_{o.vn}$ камайтирилганда ёниш ҳарорати пасайиши натижасида  $NO_x$  ҳосил бўлиши сезиларли даражада секинлашади, лекин бунда двигателнинг ёнилғи тежамкорлиги бироз ёмонлашади. Бунга қарамасдан замонавий дизеллар бир қатор режимларда ЮЧХ ёки ҳатто ЮЧХдан 1...3 градус ўтгандан кейин ёнилғи пуркалиши бошланади.

**Ишланган газлар рециркуляцияси.** Рециркуляция даражаси ортганда алангаланишнинг ушланиб туриш давомийлиги узаяди, иссиқлик ажралиб чиқиши тезлиги секинлашади,  $NO_x$  чиқиши сезиларли камаяди (3.6-расм). Рециркуляция газлари совитилганда бу эффектлар кучаяди. Двигател тўлиқ юкларда ишлаганда рециркуляция қурум чиқишини сезиларли даражада оширади, шу сабабли ундан фойдаланиш ўрта ва кичик юкларда ишлаганда мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўтказилган синовлар шуни кўрсатдиги чиқадиган  $NO_x$  нинг 8...10% салт иши режимига тўғри келар экан. Шу сабабли ҳамда шовқинни камайтириш мақсадида двигател салт иши режимида ишлаганда рециркуляция қиймати сезиларли катталиkkача (50% гача) ортади.

Рециркуляцияловчи газларни совитиш  $NO_x$  ва заррачалар чиқишини камайтиради.



3.6-расм.  $R_c$ рециркуляция даражасининг  $NO_x$ чиқиши ва оқим ёриклиги пасайишининг натурал кўрсаткичига таъсирі ( $n=2000$  мин<sup>-1</sup>;  $p_e=0,2$  МПа)


Рециркуляцияловчи газларни совитиш учун ишончли ва самарали иссиқлик алмаштиргични яратиш – мураккаб масала, сабаби дизелдан чиқаётган ишланган газлар таркибидаги қатламлар ва ифлосликлардир.

**Ишланган газларни нейтраллаштириш.** Каталитик оксидловчи нейтрализаторлар енгил автомобиллар ва катта бўлмаган юк машиналарининг тезюар дизелларида кенг фойдаланилади. Бунга сабаб – ушбу дизеллар ишланган газларининг ҳарорати  $CH$ ,  $CO$ , заррачаларнинг эрувчи органик ташкил қилувчилари ва альдегидлар оксидланиши учун етарлидир, бошқа тарафдан, у сульфадларнинг кўп миқдори ҳосил бўлиши учун етарли эмас. Юқори ҳароратларда нейтрализаторда олдин цилиндрлардан чиқаётган  $SO_2SO_3$  гача оксидланади, сўнгра  $SO_3$  сув буғлари, органик ва ноорганик заррачалар билан реакцияга киришади, бунда сульфадлар ҳосил бўлади, улар эса заррачалар чиқишини сезиларли даражада кўпайтиради. Шу сабабли юк автомобиллари дизеллари учун каталитик оксидловчи нейтрализаторлардан фойдаланиш анча мураккаб муаммо<sup>1</sup>.

Каталитик оксидловчи нейтрализаторда ҳарорат  $300\text{ }^{\circ}\text{C}$  дан юқори бўлганда дизеллар ишланган газлари ишловдан ўтгандан кейин  $CO$  концентрацияси  $85...90\%$  га,  $CH$  концентрацияси эса  $75...80\%$  га камаяди.

Дизел асосий иш режимларида  $NO_x$  ни нейтраллаштириш муаммоси селектив (ёки DENOX) деб номланган маҳсус нейтрализаторларни ишлаб чиқиши талаб қилди. Бу нейтрализаторлар қуйидагича ишлайди: чиқариш тизимига (нейтрализаторгача) аммиак  $NH_3$ , мочевина  $(NH_2)_2$  ва углеводород ёнилғиси берилади, бундан мақсад ишланган газлар таркибидаги эркин  $O_2$  ни кимёвий боғлаш.

$NH_3$  фойдаланилганда  $NO$  нинг қайта тикланиши қуйидаги реакция бўйича боради:



---

<sup>1</sup> Engineering Fundamentals of IC Engines (Willard W. Pulkrabek University of Wisconsin). 296 p.

Селектив нейтрализаторда ҳарорат  $t=300\ldots420$  °C бўлганда  $NO_x$  камайиши 90% ни ташкил қилиши мумкин.

Аммиак ёки мочевинадан фойдаланилганда автомобил бортида маҳсус ҳажм ва дозалаш тизими бўлиши зарур, улар узатишни дизел иш режимига мувофиқ таъминлашади. Передозировка бўлганда ҳамда  $CO$ ,  $CH$  ва альдегидлар заррачаларининг эрийдиган органик қисмлари чиқарилишини камайтириш учун селектив билан бирга каталитик оксидловчи нейтрализатор ҳам ишлаши керак.

Агар  $NO_x$  ни қайта тиклаш учун углеводороддан фойдаланилса, яхши натижалар цилиндрга дизел ёнилғиси асосий ёниш тутугандан кейин берилганда олинади, бу пайтда ҳарорат ҳали етарли даражада юқори бўлади. Бу дизел ёнилғиси қўшимча дозасининг иссиқлигидан қайта фойдаланишни таъминлайди. Умуман олганда, аммиак, мочевина ёки углеводород ёнилғиси мос равища сарфланишига қарамасдан, дизел умумий тежамкорлигининг сақланиб қолиши кутилади, чунки бунда уни рециркуляция билан ёмонлаш ёки  $NO_x$  ҳосил бўлишини камайтириш учун кечикириб пуркашдан фойдаланиш зарур бўлмайди. DENOX нейтрализаторида  $NO_x$  қайта тикланиши даражаси 30..45% дан кам бўлмаслиги керак.

**Ёнилғилар ва присадкалар.** Цетан сони орттирилганда юқ автомобиллари дизеллари  $NO_x$  ни чиқаришни камайтиради, лекин енгил автомобилларнинг юқори оборотли дизелларида заррачалар чиқиши кўпаяди.

Шу билан бирга ҳамма дизеллар учун  $CH$  ва  $CO$  чиқишининг камайиши кузатилади.

Дизел ёнилғиси таркибида енгил фракциялар қанчалик кўп бўлса, ёниш камерасидаги аралашма таркиби шунчалик бир хил бўлади, бу ишланган газлар тутунининг камайишига ва улардаги  $NO_x$  миқдорининг пасайишига олиб келади.

Дизел ёнилғиси таркибида олтингугурт бўлиши мураккаб муаммони тугдиради. Дизел каталитик оксидловчи нейтрализатор билан ишлаганда унда

юқори ҳароратларда сульфадлар ҳосил бўлишининг интенсив жараёни кечади, бу атмосферага заррачалар чиқишини кескин кўпайтиради.

Дизел ёнилғиси таркибида ароматик углеводородларнинг камайиши канцероген моддалар чиқишини кескин камайтириш мумкин.

Дизел ёнилғисига 1% миқдорида присадкалар қўшилиши, масалан барий ёки марганец асосидаги, ишланган газлар тутунлилигини бир неча марта камайтириш ва улардаги альдегидлар ва бенз(а)пирен миқдорини камайтириш имконини беради. Дизел ёнилғисига қўшимча сифатида спиртлардан фойдаланганда заррачалар чиқиши кескин камаяди ва  $NO_x$  ва  $CO$  чиқиши ҳам камаяди. Лекин бунда  $CH$  чиқиши кескин ортади.

Сувни дизелнинг киритиш трубопроводига ёки цилиндрига узатиш билан  $NO_x$  чиқиши камайишига эришиш мумкин. Охирги ҳолда сув цилиндрга ёнилғи билан бирга ёки сув-ёнилғи эмульсияси қўринишида берилиши мумкин.

Дизел ёнилғисига сув 30% (массаси бўйича) қўшилганда  $NO_x$  концентрацияси тахминан 30% га камаяди. Шу билан бирга ишланган газлар тутунлиги ва  $CO$  чиқиши ҳам камаяди.  $NO_x$  чиқишининг камайиши қўшилган сув миқдорига чизиқли боғлиқ ва юк, пуркаш илгарилиги бурчаги ёки вал айланишлар частотаси ортиши билан кўпаяди. Лекин  $NO_x$  ҳосил бўлишини камайтириш учун сувни қўшиш қуйидаги амалий муаммоларга дуч келтиради: сувнинг музлаши, эмульсиянинг қатламларга бўлиниши (айниқса паст ҳароратларда), коррозиянинг вужудга келиши ва баъзи деталлар ейилишининг тезлашиши.

Дизел ёнилғиси ўрнига диметилэфир (ДМЕ)дан фойдаланиш шовқинни, заррачалар чиқишини,  $NO_x$  ва  $CH$  чиқишларни камайтиради. ДМЕнинг муҳим афзаллиги – унинг тутун ҳосил қиласдан ёнишидир.

Дизеллар учун бошқа муқобил ёнилғи сифатида рапсдан олинган ўсимлик мойидан фойдаланиш мумкин. тоза қўринишда рапс мойидан фойдаланиб бўлмайди, чунки у ёнгандага форсункалар коксланади, ёнилғи тизимида ёпишма қатламлар ва мойлаш тизимида смолалар ҳосил бўлади.

Расп мыйи мос равища қайта ишлангандан кейин ўзининг характеристикалари бўйича ДМЕга яқин бўлган ёнилғи олиниши мумкин. Унинг таркибида метилэфир бўлганлиги сабабли у МЭРМ (метиловый эфир рапсового масла) белгиланишини олди.


**Заррачалар учун фильтлар.** Мос фильтрлар ёрдамида ишланган газларни заррачалардан нисбатан қийналмасдан тозалаш мумкин. Лекин бунда фильтлар тез тиқилиб қолади, чиқишдаги қарши босим эса кескин ортади.

Фильтрларни тозалаш анча мураккаб муаммо. Уни фильтловчи элементларни алмаштириш йўли билан ёки автомобил бортида уларни регенерация қилиш йўли билан ечиш мумкин. Охирги ҳолда электр энергияси ва маҳсус горелкалардан фойдаланилади, улар фильтрдаги ёпишма қатламлар ёниб тугашини таъминлайди.

Қурум ёниб тугашини интенсивлаштириш учун катализаторлар (қимматбаҳо металлар ёки мис)дан фойдаланилади ҳамда ёнилғига цезий присадкаси қўшилади. Бу тадбирлар таркибида углеводород бўлган заррачалар ёниши ҳароратини  $300\ldots400^{\circ}\text{C}$  гача пасайтиради. Фильтрларнинг энг яхши намуналари уларни 10...12 соат ишлагандан кейин тозалашни талаб қиласи, бу мураккаб иш ва қиммат туради, унинг ишончлилиги эса етарли даражада эмас.

## **ИЁДнинг энергия-экологик кўрсаткичларини баҳолаш**

### **Янги маҳсулотни ишлаб чиқариш схемаси**



### **Назорат саволлари**

1. Зарарли моддалар қандай ҳосил бўлади?
2. Учқун билан ўт олдириладиган двигателларда ишланган газлардаги зарарли моддалар миқдорини қандай пасайтириш мумкин?
3. Дизелларда ишланган газлардаги зарарли моддалар миқдорини қандай пасайтириш мумкин?

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Kenneth Stafford. Alternative Fuels for Automobiles. 2008.
2. Richard Folkson, Alternative Fuels and Advanced Vehicle Technologies for Improved Environmental Performance. Woodhead Publishing Limited, 2015. 78-92 pp.
3. Hua Zhao. Advanced direct injection combustion engine technologies and development. Volume 1: Gasoline and gas engines. USA. Woodhead Publishing Limited, 2010. 67-78 pp.
4. Hua Zhao. Advanced direct injection combustion engine technologies and development. Volume 2: Diesel engines. USA. Woodhead Publishing Limited, 2010. 39-43 pp.
5. Engineering Fundamentals of IC Engines (Willard W. Pulkabek University of Wisconsin).291-322 pp.
6. Базаров Б.И., Калауов С.А., Васидов А.Х. Мукобилные моторные топлива. – Ташкент: SHAMS ASA, 2014. – 189 с. (104-118 с.)
7. Базаров Б.И. Экологическая безопасность автотранспортных средств. – Ташкент: Chinor ENK, 2012. – 216 с. (22-48 с.)

## **IV. АМАЛИЙ МАШГУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **1- амалий машғулот: Двигателнинг иссиқлиқ ҳисоби**

**Ишдан мақсад** – ёнилғи-энергетик ресурслардан самарали фойдаланиш қўникмаларини шакллантириш ва ёнилғиларга қўйиладиган асосий талаблар бўйича билимларни шакллантириш.


#### **Масаланинг қўйилиши**

##### **Машғулот вазифалари:**

- замонавий транспорт двигателларига (двигател тури, тактлилиги, цилиндрлар сони ва жойлашиши ҳамда □тирсакли валнинг айланишлар частотаси) қўйиладиган асосий тежамкорлик ва экологик талаблар бўйича назарий билимларни мустаҳкамлаш;
- двигател эффектив қувватини ҳисоблаш қўникмасини эгаллаш;
- двигател сиқиш даражасининг ёнилғи тежамкорлиги ва атроф муҳит экологиясига таъсирини таҳлил этиш;
- ёнилғи ҳаво аралашмаси таркибини тавсифловчи параметр-ҳаво ортиклиги коэффициентининг двигател тежамкорлик ва экологик кўрсаткичларига таъсир қилувчи хоссалари бўйича назарий билимларни мустаҳкамлаш;
- ёнилғи турлари, ёнилғи-энергетик ресурслардан транспорт воситаларида фойдаланиш истиқболини таҳлил қилиш қўникмасини эгаллаш;


#### **Ишни бажариш учун намуна**

*Назарий берк бўлмаган циклар кўрилганида киритши ва чиқарии жараёнлари атроф-муҳит босимиға тенг бўлган ўзгармас босимда кечади деб қаралган (1.1-расм, ра тўъри чизиши).*



1.1-расм. Берк бўлмаган назарий циклар ( $\varepsilon=8$ ;  $T_a=350\text{ K}$ ;  $n_a=0,1\text{ MPa}$ ;  $\alpha=1,0$ ):  
а – бензин  $V=\text{сонст}$  да ёнадиган; б – дизел ёнильиси  $n=\text{сонст}$  да ёнадиган; в – дизел ёнильиси  $V=\text{сонст}$ , сўнгра  $n=\text{сонст}$  да ёнадиган ва  $\lambda_n=2$

Двигателнинг ҳақиқий циклида ушбу жараёнлар қайтмас бўлади ва босимнинг сезиларли ўзгаришида кечади. Киритиш жараёнида босим ўзгаришининг амалдаги характеристи надувсиз двигателлар учун 1.2,а-расмда, надувли двигателлар учун 1.2,б-расмда схематик тарзда (роадоааоо эгри чизиши) кўрсатилган.



1.2-расм. Тўрт тактли двигателда чиқариши жараёнида босимнинг ўзгариши

*a – наддувсиз; б – наддувли*

## Умумий ҳолатлар

### Бошланғич маълумотлар:

- *двигател тури (тактлиги, цилиндрлар сони ва жойлашиши);*
  - *тирсакли валнинг айланишилар частотаси  $n$ , айл/мин;*
  - *эффектив қувват (номинал иш режими учун  $H_e$ , кВт)*
  - *сиқиши дарајаси  $\varepsilon$ ;*
  - *ҳаво ортиқлиги коеффициенти  $\alpha$ ;*
  - *ёнилги тури – бензин АИ-95 АИ-80 ГОСТ Р 51105-97, ўртача элементар таркиби ва молекуляр массаси:*
- $C=0,855$ ,  $X=0,145$  ва  $m_e=115$  кг/кмоль.

### Ёнилғи.

Ёнильи ёнишининг қуий иссиқлиги

$$H_u = 33,91 \cdot C + 125,60 \cdot H - 10,89 \cdot (O - S) - 2,51 \cdot (9H + W), \text{ kJ/kg}$$

### Ишчи жисм параметрлари.

1 кг ёнильи тўлиқ ёниши учун назарий зарурий ҳаво миқдори

$$l_0 = \frac{1}{0,23} \left( \frac{8}{3} C + 8H - O \right) \text{ kg havo / kg yon ilg' i;}$$

$$L_0 = \frac{l_0}{0,208} \left( \frac{C}{12} + \frac{H}{4} - \frac{O}{32} \right) \text{ kmol havo / kg yon ilg' i}$$

Янги заряд (ёнувчи аралашма) миқдори

$$M_1 = \alpha \cdot L_o + \frac{1}{m_{yo}} \text{ kmol yon aral . / kg yon ilg' i}$$

Ёниш маҳсулотлари алоҳида компонентларининг миқдори

$$M_{CO_2} = \frac{C}{12} + 2 \cdot \frac{1-\alpha}{1+K} \cdot 0,208 L_o, \text{ kmol } CO_2 / kg yon ilg' i;$$

$$M_{CO} = 2 \cdot \frac{1-\alpha}{1+K} \cdot 0,208 L_o, \text{ kmol } CO / kg yon ilg' i;$$

$$M_{H_2O} = \frac{H}{2} + 2 \cdot K \frac{1-\alpha}{1+K} \cdot 0,208 L_o, \text{ kmol } H_2O / kg yon ilg' i$$

$$M_{H_2} = 2 \cdot K \frac{1-\alpha}{1+K} \cdot 0,208 L_o, \text{ kmol } H_2 / kg \text{ yon ilg' i};$$

$$M_{N_2} = 0,792 \cdot \alpha \cdot L_o, \text{ kmol } N_2 / kg \text{ yon ilg' i};$$

бу ерда  $K$  – ўзгармас катталик, у водород миқдорининг ёниш маҳсулотлари таркибидаги углерод оксидига бўлган нисбатидир,  $K=0,45\dots0,50$  – бензин учун.

Ёниш маҳсулотларининг умумий миқдори

$$M_2 = M_{CO_2} + M_{CO} + M_{H_2O} + M_{H_2} + M_{N_2}, \text{ kmol yon .mah ./ kg yon ilg' i}$$

### **Атроф мухит параметрлари ва қолдиқ газлар.**

Куйидаги атмосфера шароитларини қабул қиласиз

$$n_k=n_0=0,1 \text{ MPa}; \quad T_k=T_0=293 \text{ K}.$$

Двигател номинал иш режими учун қолдиқ газлар босимини аниқлаймиз

$$p_{r_N} = (1,05 \dots 1,25) p_0, \text{ MPa}$$

Қолдиқ газлар босимининг катта қийматлари тирсакли вал айланишлар частотаси катта бўлган двигателлар учун қабул қилинади. Кичик қийматлари эса ёнильи бевосита пуркаладиган ва таоминлаш тизими электрон бошқариладиган двигателлар учун қабул қилинади.

Двигателнинг ҳар хил тезлик режимлари учун қолдиқ газлар босимини куйидаги формула бўйича аниқлаймиз

$$n_p=n_0 \cdot (1,005 + A_n \cdot 10^{-8} \cdot n^2), \text{ MPa},$$

бу ерда

$$A_p = \frac{(p_{r_N} - 1,035 \cdot p_0) \cdot 10^8}{n_N^2 \cdot p_0}$$

$n$  – двигател тирсакли валининг айланишлар частотаси (берилган топшириқдан қабул қилинади), айл/мин;

$p_{r_N}$  – номинал режимда қолдиқ газлар босими, MPa;

$n_N$  – двигател тирсакли валининг номинал айланишлар частотаси (хисобланадиган двигател прототипининг техникхарактеристикасидан аниқланади), айл/мин.

Ёнилғи тақсимланиб пуркаладиган бензинли двигателлар учун қолдиқ

газлар ҳарорати  $T_p$  ни номограмма бўйича аниқлаймиз.

### **Назорат саволлари**

1. Двигател иссиқлик ҳисобини бажаришда қайси бошланғич маҳлумотлардан фойдаланилади?
2. Автомобил ва тракторларда қўлланиладиган ёнилғилар турлари, кимёвий таркиби ва экологиклигини таҳлил қилинг.
3. Ишчи жисм параметраларини бирма-бир баён этинг ва уларни ҳисоблаш формулаларини тушунтиринг.
4. Атроф мухит параметрлари **ва қолдиқ газлар** ишчи жараёнга (ёнилғи тежамкорлиги ва ИЁД экологиклигига) қандай таҳсир этади?
5. Двигателнинг ишчи жараёни назарий циклдан қандай фарқланади?
6. Қолдиқ газлар босимининг катта қийматлари қандай двигателларда ва иш режимларида, кичик қийматлари эса қандай двигателларда ва қандай иш режимларида ҳосил бўлади?
7. Двигателнинг ҳар хил тезлик режимлари учун қолдиқ газлар босимини қайси формула бўйича аниқлаймиз
8. Двигател номинал иш режими учун қолдиқ газлар босимини қандай аниқлаймиз?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. To'layev B.R. Ichki yonuv motorlari nazariyasи va dinamika asoslari. – T.: Fan va texnologiya. 2010.
2. Даминов О.О. Ички ёнув двигателлари назарияси. – Т.: “Адабиёт учкунни”, 2018.
3. А.И. Колчин, В.П. Демидов. Расчет автомобильных и тракторных двигателей. М.: Высшая школа, 2008.

### **2-амалий. Двигателнинг эффектив кўрсаткичлари**

**Ишдан мақсад** – Двигателнинг эффектив кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва ҳисоблаш кўнинкасини эгаллаш.

### **Масаланинг қўйилиши**

**Машғулот вазифалари:**

- ишчи циклнинг эффектив параметрларини таҳлил қилиш кўникмасини эгаллаш;
- двигателдаги механик йўқотишларни таҳлил қилиш ва уларни ҳисоблаш методикасини эгаллаш;
- двигательнинг механик ф.и.к.ни ҳисоблаш кўникмасини эгаллаш;
- эффектив қувватни ҳисоблаш кўникмасини эгаллаш;
- двигательнинг эффектив ф.и.к.га таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш ва ҳисоблаш кўникмасини шакллантириш;
- двигател ёнлилғи тежамкорлигининг асосий кўрсаткичи – ёнилғининг эффектив солиштирма сарфини аниқлаш кўникмасини шакллантириш.
- двигательнинг эффектив кўрсаткичларини таҳлил қилиш бўйича кўникмани шакллантириш.

#### Ишчи циклнинг эффектив параметрлари

Двигател ишини тавсифловчи параметрлар индикатор кўрсаткичлардан ҳар хил механик қаршиликларни (кривошип-шатунли механизмдаги ишқаланиш, ёрдамчи механизмлар ва ҳайдагични ҳаракатга келтириш ва б.) енгишга ҳамда киритиш ва чиқариш жараёнларини амалга оширишга фойдали ишни сарфлаш зарурати мавжудлиги билан фарқланади.

**Механик йўқотишлар.** Двигател ичидаги ҳар хил қаршиликларни енгишга бўлган йўқотишларни механик йўқотишлар қуввати ёки механик йўқотишлар қувватининг цилиндр бир бирлик ишчи ҳажмига нисбатига мос иш билан баҳолашади.

Двигателларнинг дастлабки ҳисобини бажаришда механик йўқотишлар ўртача босими  $r_m$  билан тавсифланувчи механик йўқотишларни поршен ўртача тезлигига қараб чизиқли боғланишлар бўйича тақрибан аниқлаш мумкин.

Кўйида ҳар хил турдаги двигателлар учун  $p_m$  (МПа) қийматини аниқлаш учун эмпирик формуулалар келтирилган:

цилиндрлар сони олтитагача ва  $C/D > 1$  бўлган бензинли двигателлар учун

$$p_m = 0,049 + 0,0152 \cdot v_{n,y}$$

C/D<1 бўлган саккиз цилиндрли бензинли двигателлар учун

$$p_m = 0,039 + 0,0132 \cdot v_{n,yr}$$

цилиндрлар сони олтитагача ва C/D<1 бўлган бензинли двигателлар учун

$$p_m = 0,034 + 0,0113 \cdot v_{n,yr}$$

ёнилғи пуркаладиган ва электрон бошқариладиган юқори форсировка килинган двигателлар учун

$$p_m = 0,024 + 0,0053 \cdot v_{n,yr}$$

ажралмаган ёниш камерали тўрт тактли дизеллар учун

$$p_m = 0,089 + 0,0118 \cdot v_{n,yr}$$

олд камерали дизеллар учун

$$p_m = 0,103 + 0,0153 \cdot v_{n,yr}$$

уюрма камерали дизеллар учун

$$p_m = 0,089 + 0,0135 \cdot v_{n,yr}$$

Механик йўқотишлар ўртacha босими  $p_m$  формулалар бўйича кўлланилаётган мой сифати, двигателнинг ишчанлик ҳолати, сирт ишқаланиш сифати ва наддувни инобатга олмасдан хисобланади. Шу боис, юқорида келтирилган формулалар бўйича олинган  $p_m$  қийматларидан фойдаланишдан олдин, уларни танқидий баҳолаш зарур.

Наддув агрегати сифатида юритмали ҳайдагич (механик наддув) дан фойдаланилганда двигателдаги йўқотишлар уни юритишга сарфланган қувват миқдорича ортади.

Ўртacha эффектив босим. Ўртacha эффектив босим – бу двигател валидаги эффектив ишнинг цилиндр ишчи ҳажмининг бир бирлигига нисбатидир.

Двигателларни ҳисоблашда  $p_e$  ўртacha индикатор босим бўйича аниқланади

$$p_e = p_i - p_m$$

Механик наддувли двигателлар учун

$$p_e = p_i - p_m - p_n$$

бу ерда  $p_n$  – ҳайдагични юритишга йўқотиладиган босим.

Номинал юқда ўртача эффектив босим ре қиймати (МПа) қуидаги оралиқларда үзгәради:

Тұрт тактли карбюраторлы двигателлар учун ..... 0,6...1,1

Форсировка қилинган тұрт тактли карбюраторлы двигателлар ва электрон пуркагиичли двигателлар учун ..... 1,3 гача

Наддувсиз тұрт тактли дизеллар учун ..... 0,65...0,85

Наддувли тұрт тактли дизеллар учун ..... 2,0 гача

Икки тактли тез юрар дизеллар учун ..... 0,4...0,75

Газли двигателлар учун ..... 0,5...0,75

Үртача эффектив босим ортиши билан цилиндр ишчи ҳажмидан фойдаланиш шароитлари яхшиланади, бу эса анча енгил ва ихчам двигателларни яратиш имконини беради.

Автомобил ва трактор двигателларини яратышда узок вақт давомида ре қийматини оширишга интилиш бўлган.

Лекин 70...80 йиллардаги нефт кризиси бу тенденцияни жиддий секинлатди. Бутун дунёда уларнинг эксплуатациясида двигателлар заҳарлилигини камайтириш бўйича ўсиб бораётган талаблар ҳам ре ўсишини тутиб турибди. Бугунги кунда двигатель ишининг экологик тозалигини оширишнинг янги самарали усуллари ишлаб чиқилғанлиги туфайли ре нинг ўсиши яна бошланди. Бу усуллар: карбюратордан фойдаланмасдан енгил ёнилғини бевосита киритиш трубопроводига ёки двигатель цилиндрига пуркаш, нейтрализаторнинг ҳар хил турларини қўллаш, газсимон ёнилғига ўтказиш. Енгил автомобиллар учун биринчи навбатда, автомобиллар учун умуман, ишчи жараённи яхши ташкил қилиш, юқори навли ёнилғиларни қўллаш, таоминлаш тизимини такомиллаштириш ва наддувдан фойдаланиш хисобига ушбу тенденция сақланиб қолинмоқда.

Механик ф.и.к. Үртача эффектив босимнинг ўртача индикатор босимга нисбати двигателнинг механик ф.и.к. дейилади.

$$\eta_m = p_e/p_i \text{ ёки } \eta_m = 1 - p_m/p_i$$

Двигател юки ортиши билан  $\eta_m$  камаяди. Карбюраторли двигателда юк камайганда газ алмашинувига бўлган йўқотишлар қўпайгани ҳисобига  $p_m$  катталашади. Двигател салт иши режимида  $p_i = p_m$  ва  $\eta_m = 0$  бўлади.

Ишқаланишга йўқотишлар ва ёрдамчи механизмларни юритишга йўқотишлар камайиши билан ҳамда юк маолум чегарага ортганда механик ф.и.к. ортади.

Тажрибавий маълумотлар бўйича номинал иш режимида ишлаётган ҳар хил двигателларнинг ф.и.к. қуидаги оралиқларда ўзгаради:

Бензинли двигателлар учун ..... 0,75...0,92

Наддувсиз тўрт тактли дизеллар учун ..... 0,7...0,82

Наддувли тўрт тактли двигателлар учун

(хайдагичга йўқотиладиган қувватни

ҳисобга олмагандан) ..... 0,8...0,9

Икки тактли тезюарар дизеллар учун ..... 0,7...0,85

Газли двигателлар учун ..... 0,75...0,85

**Эффектив қувват.** Вақт бирлигида двигател валида олинадиган фойдали иш двигателнинг эффектив қуввати  $N_e$  дейилади.  $N_e$  қийматини (кВт) индикатор қувватдан механик ф.и.к. орқали аниқлаш мумкин:

$$N_e = N_i \eta_m = p_e V_h i n / (30\tau)$$

бу ерда  $p_e$  – МПа да;  $V_h$  – л да;  $n$  – айл/мин да ифодаланган.

Эффектив қувват ва двигателнинг асосий параметрлари орасидаги боғланиш қуидаги боғланишда ифодаланади:

$$N_e = \frac{V_h i \cdot n}{30\tau} \cdot \frac{H_u}{\alpha \cdot l_0} \rho_k \eta_v \cdot \eta_i \cdot \eta_m$$

бу ерда  $V_h$  – л да;  $n$  – айл/мин да;  $H_u$  – МЖ/кг да;  $\rho_k$  – кг/м<sup>3</sup> да ифодаланган.

Ифоданинг таҳлили шуни кўрсатадики, двигателнинг эффектив қувватини, умумий ҳолда, қуидагилар ҳисобига ошириш мумкин:

- цилиндр ишчи ҳажмини катталашибтириш (цилиндр диаметри ва поршен йўлини катталашибтириш);
- цилиндрлар сонини қўпайтириш;

- ёнилғи ёнишининг қуи иссиклигини ошириш;
- заряд зичлигини ва тўлиш коефициентини ошириш (масалан, надув йўли билан ҳамда газ алмашинишини ташкил қилишни яхшилаш, киритиш ва чиқаришда қаршиликникамайтириш, дозарядкани қўпайтириш мақсадида инерцион надувни қўллаш ҳисобига ва х.к.);
- индикатор ф.и.к.ни ошириш (ёниш жараёнини такомиллаштириш ва сикиш ва кенгаиш жараёнларида иссиклик йўқолишини камайтириш ҳисобига);
- двигателнинг механик ф.и.к. ни ошириш (масалан, юқори сифатли мойлардан фойдаланиш, насос йўқотишларини қисқартириш ҳисобига ва х.к.).

Эффектив ф.и.к. ва ёнилғининг эффектив солиширма сарфи. Эффектив ф.и.к.  $\eta_e$  ва ёнилғининг эффектив солиширма сарфи  $\varepsilon_e$  двигател тежамкор ишлашини тавсифлайдилар.

*Двигател валидаги фойдали ишга эквивалент бўлган иссиклик миқдорининг ёнилғи билан двигателга киритилган иссикликнинг умумий миқдорига нисбати эффектив ф.и.к. дейилади.*

$$\eta_e = L_e / H_u$$

бу ерда  $L_e$  – эффектив ишга эквивалент иссиклик, МЖ/кг ёнилғи;

$$H_u – ёнилғи ёнишининг қуи иссиклиги, МЖ/кг ёнилғи.$$

Эффектив ва механик ф.и.к.лари орасидаги боғланиш қуйидаги ифодадан аниқланади:

$$\eta_e = \eta_i \cdot \eta_m$$

Суюқ ёнилғида ишлайдиган двигателлар учун:

$$\eta_e = \frac{p_e}{\rho_k \rho_v} \frac{\alpha \cdot L_0}{H_u}$$

Газсимон ёнилғида ишлайдиган двигателлар учун:

$$\eta_e = 371,2 \cdot 10^{-6} p_e T_k M'_1 / (p_k \eta_v H'_u)$$

Двигателнинг эффектив ф.и.к. ҳамма йўқотишларни (иссиклик ва механик) ҳисобга олган ҳолда ёнилғи иссиклигидан фойдаланиш даражасини тавсифлайди.

Номинал режимда ишлаётган двигател эффектив ф.и.к.нинг қийматлари:

Бензинли двигателлар учун ..... 0,25...0,38

Наддувсиз дизеллар учун ..... 0,35...0,42

Наддувли дизеллар учун ..... 0,23...0,30

Газли двигателлар учун ..... 0,38...0,45

Дизелларда эффектив ф.и.к. қийматининг бензинли двигателларнинг  $\eta_e$  дан юқорилигига асосан уларда ҳаво ортиклиги коефициенти қийматининг катталиги, яни уларда ёнилғи түлароқ ёнишининг натижаси бўлади. Енгил ёнилғи пуркаладиган двигателларда бу камчилик деярли бўлмайди.

Суюқ ёнилгининг эффектив солиштирма сарфи [г/(кВт·соат)]

$$g_e = 3600/(H_u \eta_e) \text{ ёки } g_e = 3600 \rho_k \eta_V / (p_e l_0 \alpha)$$

Газсимон ёнилғида ишлайдиган двигателлар учун газсимон ёнилиғининг эффектив солиштирма сарфи [ $\text{м}^3/(\text{kVt}\cdot\text{soat})$ ]

$$\nu_e = 3,6 / (\eta_e H'_u) \text{ ёки } \nu_e = 9700 p_k \eta_V / (p_e M'_1 T_k)$$

Эффектив қувват бирлигига ёнилгининг солиштирма сарфи [ $\text{МЖ}/(\text{kVt}\cdot\text{soat})$ ]

$$q_e = \nu_e H'_u = 9700 \cdot p_k \eta_V / (p_e M'_1 T_k)$$

Замонавий автомобиль ва трактор двигателлари учун номинал юкда ёнилгининг эффектив солиштирма сарфи қуйидаги қийматларга эга:

Ёнилғини электрон пуркайдиган

двигателлар учун .....  $g_e = 200...290 \text{ г}/(\text{kVt}\cdot\text{s})$

карбюраторли двигателлар учун .....  $g_e = 230...310 \text{ г}/(\text{kVt}\cdot\text{s})$

ажратилмаган ёниш камерали

дизеллар учун .....  $g_e = 200...235 \text{ г}/(\text{kVt}\cdot\text{s})$

Уюрма камерали ва олд камерали

дизеллар учун .....  $g_e = 220...260 \text{ г}/(\text{kVt}\cdot\text{s})$

Газ двигателлари учун .....  $g_e = 12...17 \text{ МЖ}/(\text{kVt}\cdot\text{s})$

## Двигателнинг эффектив кўрсаткичлари

Механик йўқотишлар ўртacha босими

$$p_M = a + b \cdot v_{p,\text{yr}}, \text{ МПа.}$$

Ёнилғи пуркаладиган ва электрон бошқариладиган юқори форсировка қилинган бензинли двигателлар учун  $a=0,024$  ва  $b=0,0053$ .

Ёнилғи пуркаладиган двигатель учун олдиндан поршень  $C$  ни двигатель прототипга мос равища қабул қиласыз ва поршеннинг ўртача тезлигини анықтаймиз

$$v_{p,\text{yr}} = \frac{S \cdot n}{3 \cdot 10^4}, \text{ м/с.}$$

Ўртача эффектив босим

$$p_e = p_i - p_M, \text{ МПа.}$$

Механик ф.и.к.

$$\eta_M = \frac{p_e}{p_i}.$$

Эффектив ф.и.к.

$$\eta_e = \eta_i \cdot \eta_M.$$

Ёнилғининг эффектив солиштирма сарфи

$$g_e = \frac{3,6 \cdot 10^3}{H_u \eta_e}, \text{ г/(кВт · соат).}$$

### **Назорат саволлари**

1. Киритиш жараёнига таҳсир этувчи омилларни таҳлил қилинг.
2. Ҳарорати ва босимининг қийматларини айтиб беринг ва ҳисоблаш формуласини ёзинг.
3. Силиндрнинг ҳажмий тўлиш коеффициенти формуласини ёзинг ва тушунтириб беринг.
4. Назарий сиқиши жараёни қандай кечади?
5. Ҳақиқий сиқиши жараёни назарий сиқиши жараёнидан қандай фарқ қиласы?
6. Сиқиши оҳирида газларнинг босими ва ҳарорати қайси формулалар билан ҳисобланади?
7. Босимнинг ортиши коеффициенти нимани билдиради?

8. Ёниш охирида газларнинг босими ва ҳарорати қайси формулалар бўйича хисобланади?
9. Қайси жараёнда иссиқлик энергияси механик энергияга айланади?
10. Кенгайиш палитрупаси нимани билдиради?
11. Кенгайиш охирида газларнинг босими ва ҳарорати қайси формулалар бўйича хисобланади?
12. Двигателнинг иш режими чиқариш жараёнига қандай таъсир этади?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Тулаев Б.Р. Ички ёнув моторлари назарияси ва динамика асослари. – Т.: Фан ва технология. 2010.
2. Даминов О.О. Ички ёнув двигателлари назарияси. – Т.: “Адабиёт учқуни”, 2018.
3. А.И. Колчин, В.П. Демидов. Расчет автомобильных и тракторных двигателей. М.: Высшая школа, 2008.

### **3 - амалий машғулот: Двигателнинг индикатор кўрсаткичлари**

**Ишдан мақсад** – Двигателнинг индикатор кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва хисоблаш кўникмасини эгаллаш.

#### **Масаланинг қўйилиши**


#### **Машғулот вазифалари:**

- ишчи циклнинг индикатор параметрларини таҳлил қилиш кўникмасини эгаллаш;
- двигателнинг индикатор ф.и.к.га таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш, уни хисоблаш ва ёнилгининг солиштирма индикатор сарфини хисоблаш кўникмасини шакллантириш;
- двигател ишчи циклининг индикатор параметрларини тизимиylаштириш амалий кўникмасини эгаллаш.

## Ишчи циклнинг индикатор параметрлари

Ички ёнув двигателининг ишчи цикли ўртача индикатор босими, индикатор қуввати ва индикатор ф.и.к. билан тавсифланади.

Ўртача индикатор босим. Учкун билан ўт олдириладиган двигател ва дизелнинг бутун ишчи цикли давомида босимнинг ўзгариши хисобий индикатор диаграммаларда (3.1 ва 3.2-расмлар) кўрсатилган. Думалоқлаштирилмаган диаграммаларнинг юзаси (*aczba*) маолум масштабда двигател бир циклда газлар бажарган назарий хисобий ишни ифодалайди. Бу ишнинг поршен йўлига нисбати назарий ўртача индикатор босим  $p'_i$  бўлади.




*3.1-расм. Бензинли двигателнинг индикатор диаграммаси*

Индикатор диаграмма бўйича (3.1 ва 3.2-расмлар)  $p'_i$  ни график аниқлашда:

а)  $ac$  эгри чизиқ остидаги юзани аниқлаш (ишчи аралашмани сиқишига сарфланган иш) ва уни поршен йўлига бўлиб, сиқиши жараёнининг ўртача босими қиймати  $p_{ac}$  ни олиш;

б)  $zb$  эгри чизиғи остидаги (3.1-расм) ёки  $z'zb$  эгри чизиғи остидаги (3.2-расм) юзани аниқлаш, бу юза кенгайиш ишини ифодалайди. Бу юзани поршен йўлига бўлиб, кенгайиш жараёнининг ўртача индикатор босими қиймати  $p_{zb}$  ёки  $p_{z'zb}$  ни топиш;



3.2-расм. Дизелнинг индикатор диаграммаси

- в) бензинли двигател учун  $p'_i = p_{zb} - p_{ac}$  ёки дизел учун  $p'_i = p_{z'zb} - p_{ac}$  ни аниқлаш;
- г) томонлари  $p'_i$  ва  $V_h$  бўлган тўғри тўртбурчакнинг юзасини ва индикатор диаграмма юзаси  $ac(z')zba$  ни бир-бири билан солиштириш.  $p_{ac}$ ,  $p_{zb}$  ( $p_{z'zb}$ ) ва  $p'_i$  қийматлари тўғри топилганда солиштирилаётган юзалар бир-бирига тенг бўлиши керак.

$V=const$  да иссиқлик киритиладиган цикл бўйича ишлайдиган бензинли двигателлар учун (3.1-расм) назарий ўртача индикатор босим

$$p'_i = \frac{p_c}{\varepsilon - 1} \cdot \left[ \frac{\lambda_p}{n_2 - 1} \left( 1 - \frac{1}{\varepsilon^{n_2-1}} \right) - \frac{1}{n_2 - 1} \left( 1 - \frac{1}{\varepsilon^{n_2-1}} \right) \right]$$

Иссиқлик аралаш киритиладиган цикл бўйича ишлайдиган дизел учун (3.2-расм) назарий ўртача индикатор босим

$$p'_i = \frac{p_c}{\varepsilon - 1} \cdot \left[ \frac{\lambda_p \cdot \rho}{n_2 - 1} \left( 1 - \frac{1}{\delta^{n_2-1}} \right) - \frac{1}{n_2 - 1} \left( 1 - \frac{1}{\varepsilon^{n_2-1}} \right) + \lambda_p (\rho - 1) \right]$$

Ҳақиқий циклнинг ўртача индикатор босими  $p_i p'_i$  қийматидан  $c, z, b$  нуқталарида силлиқлаш ҳисобига ҳисобий диаграмма камайишига пропорсионал қийматга фарқ қиласи.

Ҳақиқий циклнинг ҳисобий циклдан оғиши туфайли назарий ўртача индикатор босимнинг камайиши диаграмма тўлиқлиги коеффициенти  $\varphi_i$  ва насос йўқотишларининг ўртача босими  $\Delta p_i$  қиймати билан баҳоланади.

Диаграмма тўлиқлиги коеффициенти  $\varphi_i$  қиймати қуидаги оралиқларда олинади:

Ёнилғи электрон пуркаладиган двигателлар учун ..... 0,95...0,98

Карбюраторли двигателлар учун ..... 0,94...0,97

Дизеллар учун ..... 0,92...0,95

Киритиш ва чиқариш жараёнларида насос йўқотишларининг ўртача босими

$$\Delta p_i = p_r - p_c$$

Наддувсиз тўрт тактли двигателлар учун  $\Delta p_i$  қиймати мусбат бўлади. Юритмали ҳайдагичли наддувли двигателларда  $p_a > p_r$  бўлганда  $\Delta p_i$  қиймати манфий бўлади. Газ турбинали наддувда  $p_a$  қиймати  $p_r$  қийматидан ҳам катта ва ҳам кичик бўлиши мумкин, яони  $\Delta p_i$  қиймати ҳам манфий ва ҳам мусбат бўлиши мумкин.

Ҳисобларни бажаришда газ алмаштиришга бўлган йўқотишлар механик йўқотишларга сарфланадиган ишда ҳисобга олинади, чунки ишқаланиш ишини экспериментал аниқлашда одатда двигателни прокрутка қилиш методидан фойдаланилади ва, табиийки, бу метод билан двигателни прокрутка қилишга бўлган механик йўқотишларда насос йўлига бўлган сарфлар ҳам ҳисобга олинади. Шунга асосан қуидагилар қабул қилинган: ўртача индикатор босим  $p_i p'_i$  дан фақат диаграмма тўлиқлиги коеффициентига фарқланади

$$p_i = \varphi_i \cdot p'_i$$

Тўлиқ юқ остида ишлаганда  $p_i$  қиймати (МПа):

Тўрт тактли бензинли двигателлар учун ..... 0,6...1,4

Тўрт тактли форсировка қилинган бензинли

двигателлар учун ..... 1,6 гача

Тўрт тактли наддувсиз дизеллар учун ..... 0,7...1,1

Тўрт тактли наддувли дизеллар учун ..... 2,2 гача

Наддувсиз дизелларда бензинли двигателларга нисбатан ўртacha индикатор босим қийматининг кичиклигига сабаб – улар катта ҳаво ортиқлиги коеффициенти билан ишлайдилар. Бу силиндр ишчи ҳажмидан тўлиқ фойдаланмасликка ва ортиқча ҳавони қиздиришга қўшимча иссиқлик йўқотилишига сабаб бўлади.

Индикатор қувват. Двигателнинг индикатор қуввати  $N_i$  – бу вакт бирлигига силиндр ичидагазлар бажарадиган ишдир.

Кўп силиндрли двигатель учун (кВт)

$$N_i = p_i V_h i n / (30\tau),$$

бу ерда  $p_i$  – ўртacha индикатор босим, МПа;

$V_h$  – бир силиндрнинг ишчи ҳажми,  $l$  (дм<sup>3</sup>);

$i$  – силиндрлар сони;

$n$  – тирсакли валнинг айланишлар частотаси, айл/мин;

$\tau$  – двигатель тактлилиги.

Тўрт тактли двигателлар учун

$$N_i = p_i V_h i n / 120$$

Бир силиндрнинг индикатор қуввати

$$N_{i\text{ц}} = p_i V_h n / (30\tau)$$

### **Индикатор ф.и.к. ва ёнилғининг солиштирма индикатор сарфи.**

Индикатор ф.и.к.  $\eta_i$  фойдали ишни олиш учун ёнилғи иссиқлигидан ҳақиқий циклда фойдаланганлик даражасини тавсифлайди ва у циклнинг индикатор ишига эквивалент бўлган иссиқликнинг ёнилғи билан силиндрга кирган иссиқликнинг тўлиқ миқдорига нисбатига тенг.

1 кг ёнилғи учун

$$\eta_i = L_i / H_u$$

бу ерда  $L_i$  – индикатор ишга эквивалент бўлган иссиқлик, МЖ/кг;

$H_u$  – ёнилғи ёнишининг қуий иссиқлиги, МЖ/кг.

Демак, индикатор ф.и.к. ҳақиқий циклдаги ҳамма иссиқлик йўқотишларини ҳисобга олади.

Суюқ ёнилғида ишлайдиган автомобиль ва трактор двигателлари учун

$$\eta_i = \frac{p_i l_0 \alpha}{H_u \rho_k \eta_v}$$

бу ерда  $p_i$  – МПа да;  $l_0$  – кг/кг·ёнилғи да;  $H_u$  – мЖ/кг ёнилғида;  $\rho_k$  – кг/м<sup>3</sup> да ифодаланган.

Газсимон ёнилғида ишлайдиган автомобиль ва трактор двигателлари учун

$$\eta_i = 371,2 \cdot 10^{-6} \frac{M'_1 T_k p_i}{H'_u p_k \eta_v}$$

бу ерда  $M'_1$  – мол/мол·ёнилғи да;  $T_k$  – К да;  $p_i$  ва  $p_k$  – МПа да;  $H_u$  – МЖ/м<sup>3</sup> да ифодаланган.

Номинал режимда ишлаётган замонавий автомобиль ва трактор двигателлари учун индикатор ф.и.к. нинг қийматлари:

ёнилғи электрон пуркаладиган двигателлар учун ..... 0,35...0,45

карбюраторли двигателлар учун ..... 0,30...0,40

дизеллар учун ..... 0,40...0,50

газли двигателлар учун ..... 0,28...0,35

Суюқ ёнилғининг индикатор солиштирма сарфи [г/(кВт·соат)]

$$g_i = 3600 / (\eta_i H_u) \text{ ёки } g_i = 3600 \rho_k \eta_v / (p_i l_0 \alpha)$$

Газсимон ёнилғида ишлайдиган двигателлар учун газсимон ёнилғининг индикатор солиштирма сарфи [ $m^3/(kWt \cdot coat)$ ].

$$v_i = 3,6 / (\eta_i H'_u) \text{ ёки } v_i = 9700 \eta_v p_k / (M'_1 T_k p_i).$$

Кувват бирлигини ишлаб чиқиши учун ёнилғининг солиштирма сарфи [ $MJ/(kWt \cdot coat)$ ]

$$q_i = v_i H'_u = 9700 \eta_v \rho_k H'_u / (M'_1 T_k p_i)$$

$n_i$  ва  $n_k$  – МПа да;  $\rho_k$  – кг/м<sup>3</sup> да;  $H_u$  – МЖ/кг да;  $H_{o_y}$  – МЖ/м<sup>3</sup> да;  $l_0$  – кг/кг·ёнилғи да;  $M'_1$  – мол/мол·ёнилғи да;  $T_k$  – К да ифодаланган.

Номинал режимда ёнилғининг солиштирма сарфи:

Ёнилғи электрон пуркаладиган

двигателлар учун .....  $g_i = 180...230$  г/(кВт·с)

Карбюраторли двигателлар учун .....  $g_i = 210 \dots 275 \text{ г/(кВт·с)}$

Дизеллар учун .....  $g_i = 170 \dots 210 \text{ г/(кВт·с)}$

Газли двигателлар учун .....  $g_i = 180 \dots 230 \text{ г/(кВт·с)}$

**Двигател ишчи циклининг индикатор параметрлари.** Назарий индикатор диаграмма учун циклнинг ўртача индикатор босими

$$p'_i = \frac{p_c}{\varepsilon - 1} \left[ \lambda_p (\rho - 1) + \frac{\lambda_p \cdot \rho}{n_2 - 1} \left( 1 - \frac{1}{\delta^{n_2 - 1}} \right) - \frac{1}{n_1 - 1} \left( 1 - \frac{1}{\varepsilon^{n_2 - 1}} \right) \right] \text{ MPa.}$$

Циклнинг ўртача индикатор босими,

$$p_i = \phi_t p'_i, \text{ MPa.}$$

бу ерда  $\phi_t$  – индикатор диаграмма тўлиқлиги коеффициенти, ёнилғи электрон пуркаладиган двигателлар учун  $\phi_t = 0,95 \dots 0,98$ .

Циклнинг индикатор ф.и.к.

$$\eta_i = \frac{p_i \alpha l_0}{H_u \rho_0 \eta_v}.$$

Ёнилғининг индикатор солиштирма сарфи

$$g_i = \frac{3,6 \cdot 10^3}{H_u \eta_i}, \text{ г/кВт·соам.}$$

### **Назарий саволлар**

1. Ички ёнув двигателининг ишчи цикли қандай тавсифланади?
2. Индикатор диаграмма бўйича  $p'_i$  ни график аниқлашда нималарни эътиборга олиш зарур?
3. Диаграмма тўлиқлиги коеффициенти  $\phi_i$  қиймати ёнилғи электрон пуркаладиган двигателлар учун қайси оралиқлардан олинади?
4. Киритиш ва чиқариш жараёнларида насос йўқотишларининг ўртача босими формуласини айтинг ва тавсифланг.
5. Тўлиқ юқ остида ишлаганда  $p_i$  қиймати тўрт тактли форсировка қилинган бензинли двигателлар учун нечи МПагача бўлади?
6. Двигателнинг индикатор куввати деганда нимани тушунасиз?
7. Индикатор ф.и.к. ва ёнилғининг солиштирма индикатор сарфи хақида маълумот беринг.

8. Суюқ ёнилғида ишлайдиган автомобиль ва трактор двигателлари учун индикатор ф.и.к. қайси формула бўйича ҳисобланади?
9. Газсимон ёнилғида ишлайдиган автомобиль ва трактор двигателлари учун индикатор ф.и.к. қайси формула бўйича ҳисобланади?
10. Номинал режимда ишлаётган газли двигателлар учун индикатор ф.и.к. нинг қийматини айтинг.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Тулаев Б.Р. Ички ёнув моторлари назарияси ва динамика асослари. – Т.: Фан ва технология. 2010.
2. Даминов О.О. Ички ёнув двигателлари назарияси. – Т.: “Адабиёт учкуни”, 2018.
3. А.И. Колчин, В.П. Демидов. Расчет автомобильных и тракторных двигателей. М.: Высшая школа, 2008.

### **4-амалий. Двигателнинг эффектив кўрсаткичлари**

**Ишдан мақсад** – Двигателнинг эффектив кўрсаткичларини таҳлил қилиш ва ҳисоблаш кўникмасини эгаллаш.

#### **Масаланинг қўйилиши**

#### **Машғулот вазифалари:**

- ишчи циклнинг эффектив параметрларини таҳлил қилиш кўникмасини эгаллаш;
- двигателдаги механик йўқотишларни таҳлил қилиш ва уларни ҳисоблаш методикасини эгаллаш;
- двигателнинг механик ф.и.к.ни ҳисоблаш кўникмасини эгаллаш;
- эффектив қувватни ҳисоблаш кўникмасини эгаллаш;
- двигателнинг эффектив ф.и.к.га таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш ва ҳисоблаш кўникмасини шакллантириш;
- двигател ёнлилги тежамкорлигининг асосий кўрсаткичи – ёнилфининг эффектив солиштирма сарфини аниқлаш кўникмасини шакллантириш.
- двигателнинг эффектив кўрсаткичларини таҳлил қилиш бўйича кўникмани шакллантириш.

## Ишчи циклнинг эффектив параметрлари

Двигател ишини тавсифловчи параметрлар индикатор кўрсаткичлардан ҳар хил механик қаршиликларни (кривошип-шатунли механизмдаги ишқаланиш, ёрдамчи механизмлар ва ҳайдагични ҳаракатга келтириш ва б.) енгишга ҳамда киритиш ва чиқариш жараёнларини амалга оширишга фойдали ишни сарфлаш зарурати мавжудлиги билан фарқланади.

Механик йўқотишлиар. Двигател ичидағиҳар хил қаршиликларни енгишга бўлган йўқотишлиарни механик йўқотишлиар қуввати ёки механик йўқотишлиар қувватининг силиндр бир бирлик ишчи ҳажмига нисбатига мос иш билан баҳолашади.

Двигателларнинг дастлабки ҳисобини бажаришда механик йўқотишлиар ўртacha босими  $r_m$  билан тавсифланувчи механик йўқотишлиарни поршен ўртacha тезлигига қараб чизиқли боғланишлиар бўйича тақрибан аниқлаш мумкин.

Кўйида ҳар хил турдаги двигателлар учун  $p_m$  ( $MPa$ ) қийматини аниқлаш учун эмпирик формулалар келтирилган:

силиндрлар сони олтитагача ва  $C/D > 1$  бўлган бензинли двигателлар учун

$$p_m = 0,049 + 0,0152 \cdot v_{n, \ddot{y}p}$$

$C/D < 1$  бўлган саккиз силиндрли бензинли двигателлар учун

$$p_m = 0,039 + 0,0132 \cdot v_{n, \ddot{y}p}$$

силиндрлар сони олтитагача ва  $C/D < 1$  бўлган бензинли двигателлар учун

$$p_m = 0,034 + 0,0113 \cdot v_{n, \ddot{y}p}$$

ёнилғи пуркаладиган ва электрон бошқариладиган юқори форсировка қилинган двигателлар учун

$$p_m = 0,024 + 0,0053 \cdot v_{n, \ddot{y}p}$$

ажралмаган ёниш камерали тўрт тактли дизеллар учун

$$p_m = 0,089 + 0,0118 \cdot v_{n, \ddot{y}p}$$

олд камерали дизеллар учун

$$p_m = 0,103 + 0,0153 \cdot v_{n, \ddot{y}p}$$

уюрма камерали дизеллар учун

$$p_m = 0,089 + 0,0135 \cdot v_{n,\dot{y}p}$$

Механик йўқотишилар ўртacha босими  $p_m$  формулалар бўйича кўлланилаётган мой сифати, двигателнинг ишчанлик ҳолати, сирт ишқаланиш сифати ва наддувни инобатга олмасдан ҳисобланади. Шу боис, юқорида келтирилган формулалар бўйича олинган  $p_m$  қийматларидан фойдаланишдан олдин, уларни танқидий баҳолаш зарур.

Наддув агрегати сифатида юритмали ҳайдагич (механик наддув) дан фойдаланилганда двигателдаги йўқотишилар уни юритишга сарфланган қувват миқдорича ортади.

Ўртacha эффектив босим. Ўртacha эффектив босим – бу двигател валидаги эффектив ишнинг силиндр ишчи ҳажмининг бир бирлигига нисбатидир.

Двигателларни ҳисоблашда  $n_e$  ўртacha индикатор босим бўйича аникланади

$$p_e = p_i - p_m$$

Механик наддувли двигателлар учун

$$p_e = p_i - p_m - p_n$$

бу ерда  $p_n$  – ҳайдагични юритишга йўқотиладиган босим.

Номинал юқда ўртacha эффектив босим  $p_e$  қиймати (МПа) қуйидаги оралиқларда ўзгаради:

Тўрт тактли карбюраторли двигателлар учун ..... 0,6...1,1

Форсировка қилинган тўрт тактли карбюраторли двигателлар ва электрон пуркагичли двигателлар учун ..... 1,3 гача

Наддувсиз тўрт тактли дизеллар учун ..... 0,65...0,85

Наддувли тўрт тактли дизеллар учун ..... 2,0 гача

Икки тактли тез юрар дизеллар учун ..... 0,4...0,75

Газли двигателлар учун ..... 0,5...0,75

Ўртacha эффектив босим ортиши билан силиндр ишчи ҳажмидан фойдаланиш шароитлари яхшиланади, бу эса анча енгил ва ихчам двигателларни яратиш имконини беради.

Автомобил ва трактор двигателларини яратишда узок вақт давомида  $p_e$  кийматини оширишга интилиш бўлган.

Лекин 70...80 йиллардаги нефт кризиси бу тенденцияни жиддий секинлатди. Бутун дунёда уларнинг эксплуатациясида двигателлар заҳарлилигини камайтириш бўйича ўсиб бораётган талаблар ҳам  $p_e$  ўсишини тутиб турибди. Бугунги кунда двигател ишининг экологик тозалигини оширишнинг янги самарали усуллари ишлаб чиқилганлиги туфайли  $p_e$  нинг ўсиши яна бошланди. Бу усуллар: карбюратордан фойдаланмасдан енгил ёнилғини бевосита киритиш трубопроводига ёки двигател силиндрига пуркаш, нейтрализаторнинг ҳар хил турларини қўллаш, газсимон ёнилғига ўтказиш. Енгил автомобиллар учун биринчи навбатда, автомобиллар учун умуман, ишчи жараённи яхши ташкил қилиш, юқори навли ёнилғиларни қўллаш, таоминлаш тизимини такомиллаштириш ва наддувдан фойдаланиш ҳисобига ушбу тенденция сақланиб қолинмоқда.

**Механик ф.и.к.** Ўртача эффектив босимнинг ўртача индикатор босимга нисбати двигателнинг механик ф.и.к. дейилади.

$$\eta_m = p_e/p_i \text{ ёки } \eta_m = 1 - p_m/p_i$$

Двигател юки ортиши билан  $\eta_m$  камаяди. Карбюраторли двигателда юк камайганда газ алмашинувига бўлган йўқотишлар қўпайгани ҳисобига  $p_m$  катталашади. Двигател салт иши режимида  $p_i = p_m$  ва  $\eta_m = 0$  бўлади.

Ишқаланишга йўқотишлар ва ёрдамчи механизмларни юритишга йўқотишлар камайиши билан ҳамда юк маолум чегарага ортганда механик ф.и.к. ортади.

Тажрибавий маолумотлар бўйича номинал иш режимида ишлаётган ҳар хил двигателларнинг ф.и.к. қуидаги оралиқларда ўзгаради:

Бензинли двигателлар учун ..... 0,75...0,92

Наддувсиз тўрт тактли дизеллар учун ..... 0,7...0,82

Наддувли тўрт тактли двигателлар учун

(ҳайдагичга йўқотиладиган қувватни

ҳисобга олмаганда) ..... 0,8...0,9

Икки тактли тезюарар дизеллар учун ..... 0,7...0,85

Газли двигателлар учун ..... 0,75...0,85

**Эффектив қувват.** Вақт бирлигіда двигател валида олинадиган фойдали иш двигателнинг эффектив қуввати  $N_e$  дейилади.  $N_e$  қийматини (кВт) индикатор қувватдан механик ф.и.к. орқали аниқлаш мүмкін:

$$N_e = N_i \eta_m = p_e V_h i n / (30\tau)$$

бу ерда  $p_e$  – МПа да;  $V_h$  – л да;  $n$  – айл/мин да ифодаланган.

Эффектив қувват ва двигателнинг асосий параметрлари орасидаги боғланиш күйидеги боғланишда ифодаланади:

$$N_e = \frac{V_h i \cdot n}{30\tau} \cdot \frac{H_u}{\alpha \cdot l_0} \rho_k \eta_v \cdot \eta_i \cdot \eta_m$$

бу ерда  $V_h$  – л да;  $n$  – айл/мин да;  $H_u$  – МЖ/кг да;  $\rho_k$  – кг/м<sup>3</sup> да ифодаланган.

Ифоданинг таҳлили шуни күрсатадики, двигательнинг эффектив қувватини, умумий ҳолда, күйидегилар хисобига ошириш мүмкін:

- силиндр ишчи ҳажмини катталаштириш (силиндр диаметри ва поршен йўлини катталаштириш);
- силиндрлар сонини кўпайтириш;
- ёнилғи ёнишининг қуи иссиқлигини ошириш;
- заряд зичлигини ва тўлиш коефициентини ошириш (масалан, наддув йўли билан ҳамда газ алмашинишини ташкил қилишни яхшилаш, киритиш ва чиқаришда қаршиликникамайтириш, дозарядкани кўпайтириш мақсадида инерцион наддувни қўллаш ҳисобига ва х.к.);
- индикатор ф.и.к.ни ошириш (ёниш жараёнини такомиллаштириш ва сиқиша кенгаиш жараёнларида иссиқлик йўқолишини камайтириш ҳисобига);
- двигательнинг механик ф.и.к.ни ошириш (масалан, юқори сифатли мойлардан фойдаланиш, насос йўқотишларини қисқартириш ҳисобига ва х.к.).

**Эффектив ф.и.к. ва ёнилғининг эффектив солиштирма сарфи.**

**Эффектив ф.и.к.**  $\eta_e$  ва ёнилғининг эффектив солиштирма сарфи  $\varepsilon_e$  двигател тежамкор ишлашини тавсифлайдилар.

Двигател валидаги фойдали ишга эквивалент бўлган иссиқлик миқдорининг ёнилғи билан двигателга киритилган иссиқликнинг умумий миқдорига нисбати эффектив ф.и.к. дейилади.

$$\eta_e = L_e / H_u$$

бу ерда  $L_e$  – эффектив ишга эквивалент иссиқлик, МЖ/кг ёнилғи;

$H_u$  – ёнилғи ёнишининг қуий иссиқлиги, МЖ/кг ёнилғи.

Эффектив ва механик ф.и.к.лари орасидаги боғланиш қуидаги ифодадан аниқланади:

$$\eta_e = \eta_i \cdot \eta_m$$

Суюқ ёнилғида ишлайдиган двигателлар учун:

$$\eta_e = \frac{p_e}{\rho_k \rho_V} \frac{\alpha \cdot L_0}{H_u}$$

Газсимон ёнилғида ишлайдиган двигателлар учун:

$$\eta_e = 371,2 \cdot 10^{-6} p_e T_k M'_1 / (p_k \eta_V H'_u)$$

Двигателнинг эффектив ф.и.к. ҳамма йўқотишларни (иссиқлик ва механик) ҳисобга олган ҳолда ёнилғи иссиқлигидан фойдаланиш даражасини тавсифлайди.

Номинал режимда ишлаётган двигател эффектив ф.и.к.нинг қийматлари:

Бензинли двигателлар учун ..... 0,25...0,38

Наддувсиз дизеллар учун ..... 0,35...0,42

Наддувли дизеллар учун ..... 0,23...0,30

Газли двигателлар учун ..... 0,38...0,45

Дизелларда эффектив ф.и.к. қийматининг бензинли двигателларнинг  $\eta_e$  дан юқорилигига асосан уларда ҳаво ортиқлиги коеффициенти қийматининг катталиги, яони уларда ёнилғи тўлароқ ёнишининг натижаси бўлади. Енгил ёнилғи пуркаладиган двигателларда бу камчилик деярли бўлмайди.

Суюқ ёнилғининг эффектив солиштирма сарфи [г/(кВт·соат)]

$$g_e = 3600 / (H_u \eta_e) \text{ ёки } g_e = 3600 \rho_k \eta_V / (p_e l_0 \alpha)$$

Газсимон ёнилғида ишлайдиган двигателлар учун газсимон ёнилигининг эффектив солиштирма сарфи [ $\text{м}^3/(\text{kVt}\cdot\text{soat})$ ]

$$\nu_e = 3,6 / (\eta_e H'_u) \text{ ёки } \nu_e = 9700 p_k \eta_V / (p_e M'_1 T_k)$$

Эффектив қувват бирлигига ёнилғининг солиширма сарфи [МЖ/(кВт·соат)]

$$q_e = \nu_e H'_u = 9700 \cdot p_k \eta_V / (p_e M'_1 T_k)$$

Замонавий автомобил ва трактор двигателлари учун номинал юкда ёнилғининг эффектив солиширма сарфи қуидаги қийматларга эга:

**Ёнилғини электрон пуркайдиган**

двигателлар учун .....  $g_e = 200 \dots 290 \text{ г/(кВт·с)}$

карбюраторли двигателлар учун .....  $g_e = 230 \dots 310 \text{ г/(кВт·с)}$

ажратилмаган ёниш камерали

дизеллар учун .....  $g_e = 200 \dots 235 \text{ г/(кВт·с)}$

Уюрма камерали ва олд камерали

дизеллар учун .....  $g_e = 220 \dots 260 \text{ г/(кВт·с)}$

Газ двигателлари учун .....  $g_e = 12 \dots 17 \text{ МЖ/(кВт·с)}$

### **Двигателнинг эффектив кўрсаткичлари**

Механик йўқотишлиар ўртача босими

$$p_M = a + b \cdot \nu_{p.o,r}, \text{ МПа.}$$

Ёнилғи пуркаладиган ва электрон бошқариладиган юқори форсировка килинган бензинли двигателлар учун  $a=0,024$  ва  $b=0,0053$ .

Ёнилғи пуркаладиган двигател учун олдиндан поршен йўли  $C$  ни двигател прототипига мос равишда қабул қиласиз ва поршеннинг ўртача тезлигини аниқлаймиз

$$\nu_{п.ўр} = \frac{S \cdot n}{3 \cdot 10^4}, \text{ м/с.}$$

Ўртача эффектив босим

$$p_e = p_i - p_M, \text{ МПа.}$$

Механик ф.и.к.

$$\eta_M = \frac{p_e}{p_i}.$$

Эффектив ф.и.к.

$$\eta_e = \eta_i \cdot \eta_M.$$

Ёнилғининг эффектив солиширма сарфи

$$g_e = \frac{3,6 \cdot 10^3}{H_u \eta_e}, g / (\text{kBt} \cdot \text{соят}).$$

Назорат саволлари

1. Ишчи циклнинг эффектив параметрлари қандай тавсифланади?
2. Двигателнинг эффектив кўрсаткичлари қандай механик йўқотишлар мавжуд?
3. Ўртача эффектив босим ҳақида маълумот беринг.
4. Номинал юқда ўртача эффектив босим  $r_e$  қиймати газли двигателлар учун қайси оралиқлардан олинади?
5. Двигателнинг эффектив кўрсаткичлари қандай механик ф.и.к. мавжуд?
6. Тажрибавий маолумотлар бўйича номинал иш режимида ишлаётган ҳар хил двигателларнинг ф.и.к. бензинли двигателлар учун қайси оралиқлардан олинади?
7. Двигателнинг индикатор қуввати деганда нимани тушунасиз?
8. Эффектив қувват ҳақида маълумот беринг.
9. Эффектив қувват ва двигателнинг асосий параметрлари орасидаги боғланиш қайси формула бўйича ҳисобланади?
10. Эффектив ва механик ф.и.к.лари орасидаги боғланиш қайси формула бўйича ҳисобланади?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Телаев Б.Р. Ички ёнув моторлари назарияси ва динамика асослари. – Т.: Фан ва технология. 2010.
2. Даминов О.О. Ички ёнув двигателлари назарияси. – Т.: “Адабиёт учқуни”, 2018.
3. А.И. Колчин, В.П. Демидов. Расчет автомобильных и тракторных двигателей. М.: Высшая школа, 2008.

## V. КЕЙСЛАР БАНКИ

**1-Кейс:** МАГАТЭ, ОПЕК, БМТ саноат ривожланиши депортаменти маълумотлари ва Жаҳон Энергетика Агентлиги (ЖЭА) башорати бўйича 2030 йилда жаҳон энергия балансида нефтнинг улуши – 40% ни, газники – 27% ни, кўмирники – 24% ни, бошқаларники – 9% ни ташкил қиласди.

Ҳозирги пайтда дунёда бир йилда тахминан 5 миллиард тонна, Ўзбекистонда – 6 миллион тонна нефт қазиб олинмоқда. АҚШда бир йилда 2,9 миллион тонна нефтдан фойдаланилади ва Америка нефт институти маълумотлари бўйича 43% нефт маҳсулотларидан автомобиллар учун енгил ёнилғи сифатида, 11% дан дизел ёнилғиси сифатида фойдаланилади. Бу маълумотларга кўра ер юзида излаб топилган нефт заҳиралари яқин келажакда тугайди. Бу ҳолда ички ёнув двигателлари учун энергия манбаи муаммоси қандай ҳал этилиши керак? Муаммо ечимини излаб топинг ва таклифлар киритинг.

### Кейсни амалга ошириш босқичлари

Босқичлар	Топшириқлар
1-босқич	Тақдим этилган аниқ вазиятлар билан танишиб чиқинг. Муаммоли вазият мазмунига алоҳида эътибор қаратинг. Муаммоли вазият қандай масалани ҳал этишга бағищланганлигини аниқланг.
2-босқич	Кейсдаги асосий ва кичик муаммоларни аниқланг. Ўз фикрингизни гурух билан ўртоқлашинг. Муаммони белгилашда исбот ва далилларга таянинг. Кейс матнидаги ҳеч бир фикрни эътибордан четда қолдирманг.
3-босқич	Гурух билан биргалиқда муаммо ечимини топинг. Муаммога доир ечим бир неча вариантда бўлиши ҳам мумкин. Шу билан бирга сиз топган ечим қандай натижага олиб келиши мумкинлигини ҳам аниқланг.

4-босқич	Гурух билан биргаликда кейс ечимиға доир тақдимотни тайёрланг. Тақдимотни тайёрлашда сизга тақдим этилган жавдалга асосланинг. Тақдимотни тайёрлаш жараёнида аниқлик, фикрнинг ихчам бўлиши тамойилларига риоя қилинг
----------	---

**2-Кейс:** Ҳайдовчи автомобилнинг салонига кўп микдорда газ хиди чиқаётганини сезди ва бу хид тез орада ташқарига ҳам чиқа бошлади ва автомобил двигателидаги ёнғин чиқиши оқибатида кучли портлаш содир бўлди. Бу автомобил ҳайдовчисининг соғлиғига зиён келтириди, шунингдек, атмосферанинг ифлосланишига олиб келди. Мутахассисларнинг жараённи текширишлари натижасида автомобилнинг газ аппаратурасининг резино-техник элементлари ишдан чиққанлиги аниқланди.

Мутахассислар томонидан берилган хулоса тўғрими? Автомобилнинг газ аппаратурасининг резино-техник элементлари ишдан чиқишига яна қандай факторлар сабаб бўлиши мумкин?

### Кейсни амалга ошириш босқичлари

Босқичлар	Топшириқлар
1-босқич	Кейс билан танишиб чиқинг. Муаммоли вазият мазмунига алоҳида эътибор қаратинг. Муаммоли вазият қандай масалани ҳал этишга бағишлиланганлигини аниқланг.
2-босқич	Суюқлаштирилган пропан-бутанли (нефтли) газ (СНГ) таркибиға кирувчи пропилен ва бутилен олепинли гурӯҳларнинг кимёвий фаоллигини аниқланг. Бундай кимёвий фаоллик двигателнинг таъминлаш тизимиға қандай таъсир кўрсатишини аниқланг.

3-босқич	Автомобилнинг газ аппаратурасининг резино-техник элементларининг бузилишига олиб келган сабабларни аниқланг. Улар бир нечта бўлиши мумкин. Юқоридаги ҳолат учун сабаб бўлган факторни аниқланг ва муаммо ечимини изланг. Топган ечимни асосланг ва айнан шу вазиятга сабаб бўлганлигини мисоллар ёрдамида изоҳланг.
4-босқич	Кейс ечими бўйича ўз фикр-мулоҳазангизни ёзма равишда ёритинг ва тақдим этинг.

## КЕЙСЛИ ВАЗИЯТЛАР

**(Ўқув машғулотларида фойдаланиш учун тавсия этилади)**

**1-Кейс:** Кейинги 20 йил ичида атроф-муҳит экологияси бузилиб, ер юзи ҳавосининг ҳарорати тахминан 2 градусга кўтарилди. Бунинг натижасида музликлар эрий бошлаб океандаги сув сатҳи кўтарила бошлади, ер юзининг баъзи чўл зоналарида, айниқса Африкада, қурғоқчилик кучайди. Булар инсон хаёти, яшаш шароити ва фаолияти учун сезиларли таъсир ўтказмоқда.

**Сизнинг фикрингизча бу муаммони ҳал қилишнинг қандай йўли ёки йўллари мавжуд? Ўз фикрингизни билдиринг.**

**2-кейс:** Ички ёнув двигателлари учун қўлланила бошланган баъзи алтернатив ёнилғилар мотор ўт олиши ва аланганинг тарқалишига салбий таъсир қилмоқда ҳамда зааралр моддалар ва заррачалар чиқишини кўпайтиromoқда.

**Бу муаммоларнинг олдини олиш учун алтернатив ёнилғилар қандай талабларга мос келиши керак?**

**3 -Кейс:** Водород – юқори самарали ва экологик тоза ёнилғидир. Водород ёнганда фақат сув ҳосил бўлади, унинг ёниш иссиқлиги эса 143 кДж/г, яъни углеводородларга (29 кДж/г) нисбатан 5 марта юқори. Водород –

борлиқда энг кенг тарқалған модда (мутахассисларнинг баҳосига қараганда у юлдузлар массасининг ярмини ва юлдузлараро газнинг катта ҳажмини ташкил қиласы), лекин ер юзида әркін қўринишда у деярли йўқ.

**Водороддан ёнилғи сифатида фойдаланишнинг имкони борми?  
Агар бор деб ҳисобласангиз, ўз мулоҳазаларингизни баён қилинг.**

**4-Кейс:** Метанол бошқа спиритлар орасида хом-ашё ресурслари позициясида ва бошқа техникавий-иқтисодий омиллар бўйича бензин учун энг истиқболли компонент ҳисобланади. Лекин буғланишнинг юқори иссиқлиги двигател ўт олишини ёмонлаштиради ва метанолдан тоза қўринишда фойдаланишга қийинчиликлар туғдиради, бундан ташқари двигател метанолда ишлаганда атмосферага формальдегид 3...5 марта кўпроқ чиқарилади, у эса коррозион актив модда ҳисобланади.

**Метанолдан бензинга самарали қўшимча сифатида фойдаланишнинг йўли, яъни юқорида баён қилинган муаммоларнинг ечими борми? Ўз фикрингизни изхор қилинг.**

**5-Кейс:** Жаҳон ривожланишининг бошқа қатор муаммоларидан фарқли равища, биомаҳсулотлар муаммоси “бозор суриб чиқариши” эмас балки кенг сиёсий қўллаб-қувватланишга эга. Биоёнилғиларнинг юритувчи кучлари ва муаммолари мамлакатга қараб ўзгаради.

**Ушбу масаланинг ечимини топинг.**

**6-Кейс:** Учқун билан ўт олдириладиган двигателда азот оксидланиши ва  $NO$  ҳосил бўлиши алнга фронти ортида ёниш маҳсулотлари зonasида содир бўлади, у ерда ҳарорат энг юқори бўлади. Газлар ҳарорати қўтарилиши ва кислород концентрацияси ортиши сабабли  $NO$  ҳосил бўлиши кескин ортади. Бу атроф-муҳитга кучли салбий таъсир қиласы.

**Бу муаммони ечиш йўллари бўйича ўз мулоҳазаларингизни баён қилинг.**

**7-Кейс:** Бугунги кунда водороднинг нархи жуда юқори, бундан ташқари, двигател водород билан таъминлашга ўзказилганда максимал қувват камаяди, қайта алангаланишлар пайдо бўлади, металлар юза қатламларида водород билан тўйиниш натижасида “водород мўртлиги” ҳосил бўлади.

**Бу муаммоларнинг ечими борми? Агар ечими бор деб ҳисобласангиз ўз фикрингизни баён қилинг.**

## VII. ГЛОССАРИЙ

<b>Термин</b>	<b>Ўзбек тилидаги шарҳи</b>	<b>Инглиз тилидаги шарҳи</b>
<b>Автомобилнинг хавони ифлослаши</b> <b>AUTOMOTIVE AIR POLLUTION</b>	Транспорт воситасидан атмосферага чиқарилаётган буғланган ва тўлиқ ёнмаган заҳарли ёниш маҳсулотлари, асосан углерод оксиди (CO), углеводородлар (CH), азот оксиidi (NOx), олтингугурт оксиidi (SOx) ва майдада заррачалар	Evaporated and unburned fuel and other undesirable by-products of combustion that escape from a vehicle into the atmosphere, mainly carbon monoxide (CO), hydrocarbons (HC), nitrogen ox-ides (NOx), sulfur oxides (SOx) and particulates.
<b>Азот оксиidi</b> <b>NITROGEN OXIDES (NOx)</b>	Азот ва кислороднинг барча кимёвий бирикмалари. Азот оксиidi автомобиль двигателлари ва бошқа энергетик қурилмаларда ёниш жараёни натижасида ёниш камерасидаги юқори босим ва ҳарорат туфайли ҳосил бўлади. Азот оксиidi углеводородлар билан қуёш нури таъсирида бирикиб, смог ҳосил қиласи. У асосий ҳавони ифлослантирувчи ҳисобланади.	Any chemical compound of nitrogen and oxy-gen. Nitrogen oxides result from high temperature and pressure in the combustion chambers of automobile engines and other power plants during the combustion process. When combined with hydrocarbons in the presence of sunlight, nitrogen oxides form smog. A basic air pollutant.
<b>Алангаланиш</b> <b>IGNITION</b>	Ёниш камерасидаги сиқилган ёнилғи-ҳаво аралашмасини свеча ёрдамида учқунлантириш.	The action of the spark in starting the burning of the compressed air-fuel mixture in the combustion chamber.
<b>Алангаланиш энергиси</b> <b>IGNITION ENERGY</b>	Ёнувчи ёнилғи аралашмасини ёқиб юбориш учун керак бўладиган ташқи энергия миқдори.	The amount of external energy that must be applied in order to ignite a combustible fuel mixture.

<b>Ароматиклар AROMATICS</b>	Табиий газга ҳиди келиш учун қўшиладиган кимёвий бирикмалар. Ёнилғи сифатида ишлатиладиган водородга ароматикларни қўшиш мумкин эмас	Chemical compounds added to natural gas in order to impart odor. Aromatics cannot be added to hydrogen for fuel cell use.
<b>Ароматлаш ODORIZATION</b>	Табиий газга фарқловчи ҳид бериш жараёни, бу унинг мавжудлигини осон аниqlаш имконини беради.	A process of adding a distinctive odor to natural gas so that its presence can be easily detected.
<b>Бензин GASOLINE</b>	Хозирги вақтда кўпчилик автомобил двигателларида ёнилғи сифатида ишлатилувчи нефтдан олинадиган углеводородларнинг суюқ аралашмаси.	A liquid blend of hydrocarbons obtained from crude oil, currently used as fuel in most automobile engines.
<b>Буғ VAPOR</b>	Газ: ихтиёрий модданинг газсимон ҳолати, суюқлик ёки қаттиқ ҳолатлардан фарқли ҳолат.	A gas: any substance in the gaseous state, as distinguished from the liquid or solid state.
<b>Буғланиш VAPORIZATION</b>	Буғланиш ёки қайнаш натижасида суюқликнинг буғ ҳолатига келиши; буғланиш ва қайнашни ўз ичига қамраб олувчи атама.	A change of state from liquid to vapor by evaporation or boiling; a general term including both evaporation and boiling.
<b>Бутан BUTANE</b>	32 °F (0 °C) ҳароратдан паст шароитда атмосфера босимида суюқ ҳолдаги нефть гази.	A type of petroleum gas that is liquid below 32 °F (0 °C) at atmospheric pressure.
<b>Водород HYDROGEN (H<sub>2</sub>)</b>	Оламдаги энг оддий ва энг енгил элемент бўлиб, энг паст криоген ҳароратларда ҳам газ ҳолида мавжуд бўла олади. Водород гази – рангсиз, концентрацияси кенг диапазонда кислород билан аралашганда ёниш хавфи юқори бўлган ҳидсиз газ.	The simplest and lightest element in the universe, which exists as a gas except at low cryogenic temperatures. Hydrogen gas is colorless, odorless and highly flammable gas when mixed with oxygen over a wide range of concentrations.

<b>Гибридэлектромоби ли (ГЭМ) HYBRID ELECTRIC VEHICLE (HEV)</b>	Электроритмаситизими ёрдамида харакатланувчи ва муқобил қувват блоки (МКБ) деб номланувчи иккинчи қувват манбай сифатида ички ёнув двигатели қўлланиладиган транспорт воситаси.	A vehicle that is powered by both an electric drive system and a second source of power, such as an internal combustion engine, referred to as the alternative power unit (APU).
<b>Двигатель ENGINE</b>	Иссиклик механик айлантириб берувчи машина.	A machine that converts heat energy into mechanical energy.
<b>Детонация (Портлаш) DETONATION</b>	Ёнувчи аралашманинг зарбий тўлқин ва кескин босим ортиши (атмосфера босимидан бир неча марта катта) билан кечадиган жуда тез ёниши. Портлаш тўлқинлари товуш тезлигидан юқори бўлади. Ички ёнув двигателларида детонация зарб ёки шовқинга олиб келади.	The very rapid burning of vapor resulting in a self-sustaining shock wave, the pressure behind which is several atmospheres. Detonation waves travel at speeds exceeding the speed of sound in air. In an internal combustion engine, detonation is commonly referred to as spark knock or ping.
<b>Дизель ёнилғиси DIESEL FUEL</b>	Дизель ёнилғиси – юқори босимли ўз-ўзидан аланагаланадиган двигателлар учун кенг тарқалган ёнилғи бўлиб, бошқа турдаги ёнилғилар билан солиштириш учун стандарт ҳисобланади.	Diesel fuel is the most common fuel for heavy-duty engines and is therefore a standard of comparison for other fuels.
<b>Диффузия DIFFUSIVITY</b>	Газни ҳаво билан аралашиб (қўшилиб) кетиш қобилияти.	The ability of a gas to diffuse in air.
<b>Ёнилғи FUEL</b>	Кислород билан кимёвий реакцияга киришганда энергия ажралиб чиқадиган модда.	A substance that releases energy when reacted chemically with oxygen.
<b>Ёнилғи билан таъминлаш тизими FUEL SYSTEM</b>	Двигателнинг цилиндрига буғланган ёнилғи ва ҳаво аралашмасини узатиб	The system (fuel cylinders and lines, gauge, fuel pump,

	берувчи тизим (ёнилғи баклари ва қувурлари, фильтр, ёнилғи насоси, карбюратор ва киритиш коллектори).	carburetor, and intake manifold) that delivers the combustible mixture of vaporized fuel and air to the engine cylinders.
<b>Ёнилғи инжектори FUEL INJECTOR</b>	Поршенли двигателга ёнилғини пуркаш учун қурилма (карбюратор ўрнига).	A device for introducing fuel into a piston engine (replacing the carburetor).
<b>Ёнилғи сарфи FUEL GAUGE</b>	Ёнилғи баки ёки цилиндрдаги ёнилғининг миқдорини кўрсатувчи ўлчов.	A gauge that indicates the amount of fuel in the fuel tank or cylinder.
<b>Ёнилғини пуркаш тизими FUEL INJECTION SYSTEM</b>	Ҳар бир цилиндрга алоҳида ҳавонинг оқимига ёки олд-камера, уюрмавий камера, ёниш кмерасига ёнилғини босим остида пуркаш тизими (оддий карбюраторни ўрнини босувчи).	A system (replacing the conventional carburetor) that delivers fuel under pressure into the combustion chamber, pre-combustion chamber, turbulence chamber, or into the airflow just as it enters each individual cylinder.
<b>Ёнилғини пуркашнинг электрон тизими ELECTRONIC FUEL INJECTION SYSTEM</b>	Умумий ёнилғи қувурига вертикал ўрнатилган, ҳар бир цилиндр учун электрон бошқарладиган ёнилғи инжекторлари цилиндрларга углеводородли ёнилғини пуркаб етказиб берувчи ёнилғи тизими тури. Тизим ёнилғи қувурида ўзгармас босимли ва пуркаш вақти ўзгариб турувчи турларга бўлинади.	A type of port injection fuel delivery system that meters the hydrogen fuel to each cylinder, using individual electronic fuel injectors for each cylinder and plumbed to a common fuel rail. The system uses variable injection timing and constant fuel rail pressure.
<b>Ёнилғини сақлаш тизими FUEL STORAGE SYSTEM</b>	Ёнилғини мобил қурилмада сақлаш учун фойдаланиладиган бир ёки бир нечта контейнерлар, уларни бир-бирига боғловчи қурилмалар билан бирга.	One or more containers, including their inter-connecting equipment designed for use in the mobile containment of fuel.

<b>Ёниш COMBUSTION</b>	Ёнилғи, юқори ҳарорат ва кислород комбинацияси натижасидаги ўт, олов. Двигателда ёнилғи аралашмасининг тез ўт олиши ёниш камерасида содир бўлади.	Burning, fire produced by the proper combination of fuel, heat, and oxygen. In the engine, the rapid burning of the air-fuel mixture that occurs in the combustion chamber.
<b>Ёниш камераси COMBUSTION CHAMBER</b>	Поршеннинг туби ва цилиндр каллаги орасидаги бўшлиқ бўлиб, ёнилғи-ҳаво аралашмаси ёнадиган жой.	The space between the top of the piston and the cylinder head, in which the air-fuel mixture is burned.
<b>Захарли моддалар POLLUTANT</b>	Атроф-муҳитга заарли таъсир этаётган ёки ифлослантираётган барча моддалар. Транспорт воситасида двигателнинг ишлаб бўлган газларидаги ёки ёнилғи тизимидан буғланаётган моддалар.	Any substance that adds to the contamination or degrading of the environment. In a vehicle, any substance in the exhaust gas from the engine or evaporating from the fuel system.
<b>Икки ёнилғили тизим DUAL-FUEL</b>	Бир вақтда иккита ёнилғида ишловчи тизим, масалан, дизель ёнилғиси ва сиқилган газда ишловчи дизель двигатели.	A system that operates on two fuels simultaneously, such as a fumigated diesel engine that runs on diesel and natural gas
<b>Икки хил ёнилғили тизим BI-FUEL</b>	Иккита турдаги ёнилғи билан ишловчи тизим, турли вақтларда алоҳида алоҳида масалан бензин ва СқТГ.	A system that can operate on two fuels, one at a time and not simultaneously, such as gasoline and CNG.
<b>Инжектор INJECTOR</b>	Ёнилғи коллектордаги ҳаво оқими ёки ёниш камерасига пуркаладиган учлик ёки трубка.	The tube or nozzle through which fuel is introduced into the intake airstream or the combustion chamber.
<b>Иссиклик эффективлиги EFFICIENCY, THERMAL</b>	Термодинамик жараён (кимёвий реакция каби) натижасида фойдаланилаётган эффектив ишнинг жараён	The ratio of the useable work that results from a thermodynamic process (such as a chemical reaction) to the total

	давомида сарфланаётган умумий энергияга нисбати.	amount of energy released during the process.
<b>Иссиқлик эфективлиги THERMAL EFFICIENCY</b>	Ёнилгининг ёнишидан ҳосил бўлган энергияни двигател ҳосил қилаётган энергияга нисбати.	Ratio of the energy output of an engine to the energy in the fuel required to produce that output.
<b>Ифлослантириш POLLUTION</b>	Атроф-мухиттга фойдаси кам бўлган барча газлар ёки моддаларнинг чиқиши. Ифлосланиш турларига: ҳавони, тупроқни, сувни, океанни ифлослаш шунингдек шовқин ҳам киради.	Any gas or substance that makes the environment less fit. Types of pollution include: air, ground water, ocean, noise, etc.
<b>Ички ёнув двигатели (ИЁД) INTERNAL COMBUSTION ENGINE (ICE)</b>	Ёнилги двигателнинг бевосита ўзида, алоҳида қурилма, яъни буғ двигателидаги қозон эмас балки цилиндр ичида ёқиладиган двигател.	An engine in which the fuel is burned inside the engine itself, rather than in a separate device, such as a boiler on a steam engine.
<b>Ишлаб бўлган газларни қайта йўллаш EXHAUST GAS RECIRCULATION</b>	Иссиқликни бошқариш ва/ёки NOx миқдорини бошқариш тизими бир қисм ишлаб бўлган газларни киритиш коллекторига қайта йўллаш.	A thermal dilution and/or NOx control system that recirculates a portion of the exhaust gases back into the intake manifold.
<b>Карбюратор CARBURETOR</b>	Ёнилги билан таъминлаш тизимида ёнилгини ҳаво билан аралаштириб берувчи, двигателнинг турли тезлик ва юк шароитлари учун киритиш коллектори учун ёнувчи аралашмани етказувчи қурилма.	The device in an engine fuel system that mixes fuel with air and supplies the combustible mixture to the intake manifold for varied speed and load conditions of the engine.
<b>Карбюрация CARBURETION</b>	Карбюраторда содир бўладиган жараён бўлиб, суюқ ёнилгини буғлатиб ҳаво билан аралаштирган ҳолда ёнувчи аралашма ҳосил қилиш.	The actions that take place in the carburetor: converting liquid fuel to vapor and mixing it with air to form a combustible mixture.

<b>Катализатор CATALYST</b>	Моддалар кимёвий орасидаги жараённи тезлаштирувчи ёки секинлаштирувчи, бирок ўзи жараёнда иштирок этмайдиган модда. Платина – типик катализатор ҳисобланади.	A substance that can speed or slow a chemical reaction between substances, without itself being consumed by the reaction. Platinum is a typical catalyst.
<b>Каталитик конвертер (Нейтрализатор) CATALYTIC CONVERTER</b>	Катализатори бўлган чиқариш тизимидағи қурилма бўлиб, ишлаб бўлган газлар таркибидағи заҳарли газларни зарарсиз газларга айлантириб беради.	A device in the exhaust system containing a catalyst so that reactions can occur that convert undesirable compounds in the exhaust gas into harmless gases.
<b>Кимёвий формула CHEMICAL FORMULA</b>	Кимёвий формула молекуланинг таркиби ёки модданинг таркиб топган атомлари кимёвий композициясини ифодалайди. Водород, метанол ва этилспирти моддалирини аниқ қисқа формула ёрдамида ифодалаш мумкин. Табиий газ, пропан, бензин ва дизель ёнилғилари тахминий формула билан ифодаланади.	A chemical formula describes the chemical composition of a molecular compound or substance according to its constituent atoms. Hydrogen, methanol and ethanol are pure substances with a definite formula. Natural gas, commercial propane, gasoline and diesel fuel have variable compositions.
<b>Қайта ёниш BACKFIRE</b>	Мажбуран ўт олдириладиган двигателларда чиқариш коллекторида ҳаддан ташқари бой бўлган аралашмани тўсатдан портлаши. Қайта ёниш шунингдек ёнишнинг кечикиши натижасида ёнилғи чиқариш клапани атрофида ёнгандага индукцион тизимдан орқада қолганда келиб чиқади.	The accidental explosion of an overly rich mixture in the exhaust manifold of a spark-ignition engine. Backfire conditions can also develop if the premature ignition occurs near the fuel intake valve and the resultant flame travels back into the induction system.

<b>Марказий (ёнилғи) узатиш тизими CENTRAL (FUEL) DELIVERY SYSTEM</b>	Бу тизим киритиш тактида ёнувчи аралашмани ҳосил қиласы. Буғлатиш киритиш коллекторида ҳосил бўлади. Карбюратор – марказий узатиш тизими ҳисобланади.	This system forms the fuel-air mixture during the intake stroke. The injection is at the inlet of the air intake manifold. A carburetor is a central delivery system.
<b>Механик эфективлик MECHANICAL EFFICIENCY</b>	Двигателнинг йўқотишлари от кучи ва умумий от кучи нисбати.	In an engine, the ratio between brake horsepower and indicated horsepower.
<b>Муқобил ёнилғилар ALTERNATIVE FUEL</b>	Нефтдан қайта ишлаб олинадиган бензин ёки дизел ёнилғисига муқобил бўлган ёнилғилар, масалан суюлтирилган табиий газ (СТГ), сиқилган нефть гази (СНГ), сиқилган табиий газ (СқТГ), этанол, метанол ёки водород	An alternative to gasoline or diesel fuel that is not produced in a conventional way from crude oil, for example CNG, LPG, LNG, ethanol, methanol and hydrogen.
<b>Нотўғри ёниш ABNORMAL COMBUSTION</b>	Зарбий дастлабки ёниш бўлиб, аланга юза бўйлаб тарқалади; бундай ёниш нормал кечмайди (яъни учқун билан бошланган аланга фронти бутун ёниш камераси бўйлаб бир текис ва портлашсиз тарқалмайди).	Combustion in which knock, pre-ignition, run-on or surface ignition occurs; combustion that does not proceed in the normal way (where the flame front is initiated by the spark and proceeds throughout the combustion chamber smoothly and without detonation).
<b>Октан сони OCTANE NUMBER</b>	Бензиннинг октан сонини баҳоловчи сон. Октан сони ички ёнув двигателида ёнилғининг детонацияга чидамлилик даражасини ифодалайди.	The number used to indicate the octane rating of a gasoline. The octane number describes the anti-knock properties of a fuel when used in an internal combustion engine.
<b>Октан сонини баҳолаш OCTANE RATING</b>	Бензиннинг детонацион хоссаси ўлчови бўлиб, октан сони қанча юқори	A measure of the antiknock properties of a gasoline. The higher

	бўлса, бензин шунча нотўғри ёнишга (детонацияга) чидамли бўлади.	the octane rating, the more resistant the gasoline is to abnormal combustion.
<b>Олтингугурт оксиди SULFUR OXIDES (SOx)</b>	Қайнок ишлаб бўлган газлар билан катализатордаги катализатор реакцияга кириши натижасида кам миқдорда ҳосил бўладиган кислоталар.	Acids that can form in small amounts as the result of a reaction between hot exhaust gas and the catalyst in a catalytic converter.
<b>Пиролиз PYROLYSIS</b>	Юқори ҳароратларда углеводородларни кимёвий парчалаш жараёни.	The chemical decomposition brought about by heat.
<b>Пропан PROPANE (C<sub>3</sub>H<sub>8</sub>)</b>	Суюлтирилган газнинг (СТГ) бир тури бўлиб, атмосфера босимида -44 °F (-42 °C) паст ҳароратда суюқликка айланади. Пропан гази ҳавога нисбатан оғир бўлади.	A type of liquid petroleum gas (LPG) that is liquid below -44 °F (-42 °C) at atmospheric pressure. Propane gas is heavier than air.
<b>Сиқилган водород гази (СВГ) COMPRESSEDHYDROGEN GAS (CHG)</b>	Сиқилган водород гази юқори босимда ва атмосфера ҳароратида сақланадиган сиқилган водород.	Compressed hydrogen gas is hydrogen compressed to a high-pressure and stored at ambient temperature.
<b>Сиқилган нефть гази (СНГ) LIQUEFIED PETROLEUM GAS (LPG)</b>	Углеводород ёки углеводород аралашмаларининг енгил газсимон барча моддалари: пропан, пропилен, нормал бутан, изобутилен ва бутиленлар.	Any material that is composed predominantly of any of the following hydrocarbons or mixtures of hydrocarbons: propane, propylene, normal butane, isobutylene and butylene.
<b>Сиқилган табиий газ (СқТГ) COMPRESSED NATURAL GAS (CNG)</b>	Углеводород газлари ва буғлари аралашмаси, асосан газсион шаклдаги метан, муқобил ёнилғи сифатида ишлатиш учун сиқилган.	Mixtures of hydrocarbon gases and vapors, consisting principally of methane in gaseous form that has been compressed for use as a vehicular fuel.
<b>Сиқиши COMPRESSION</b>	Газ ҳажмининг қисқариши, уни кичик бўшлиққа сиқиши.	Reducing the volume of a gas by squeezing it

	Ҳажмнинг камайиши газ босимни, зичлигини ва ҳароратини оширади.	into a smaller space. Increasing the pressure reduces the volume and increases the density and temperature of the gas.
<b>Сиқиши даражаси (СД) COMPRESSION RATIO (CR)</b>	Цилиндр поршеннинг хажмини ПЧХдан ЮЧХгача сиқилғандаги ҳажми.	The volume of the cylinder when the piston is at BDC, divided by the volume of the cylinder when the piston is at TDC.
<b>Сиқишдан алангаланадиган ИЁД COMPRESSION IGNITION (CI) ENGINE</b>	Двигателга киритиш вақтида ҳаво киритилиб, ёнилғи ёниши учун етарли бўладиган ҳароратгача тез сиқиладиган ички ёнув двигатели. Дизел двигатели деб ҳам юритилади.	An internal combustion engine in which air is admitted to the engine on the intake stroke and the rapid compression of the air raises the temperature to such a point that the fuel ignites. Typified by the diesel engine.
<b>СкТГ CNG</b>	Сиқилган табиий газ.	Compressed Natural Gas.
<b>Стехиометрик жараён STOICHIOMETRIC (STOICH)</b>	Двигателда ёнилғи ва ҳавонинг идеал кимёвий реакцияси (ёниш маҳсулоти фақатгина – сув ва углерод икки оксиди).	A chemically perfect reaction of fuel and air in an engine (the only products of combustion are water and carbon dioxide).
<b>Стирлинг двигатели STIRLING ENGINE</b>	Иссиқлик двигателларининг бир тури бўлиб, поршен ишчи газнинг навбатма-навбат қиздирилиши ва совитилиши натижасида босим ўзгариши ҳисобига ҳаракатланади. Унда иккита изотермик ва иккита изохорик жараён мавжуд.	A type of internal combustion engine in which the piston is moved by changes in the pressure of a working gas that is alternately heated and cooled. It has two isothermal processes and two constant-volume processes.
<b>Суюлтирилган табиий газ (СТГ)</b>	Мотор ёнилғиси сифатида ишлатилиш учун табиий газни суюлтириш.	A motor fuel composed of natural gas that has been liquefied.

<b>LIQUEFIED NATURAL GAS (LNG)</b>	Суюлтирилган газ 111 К гача (– 259 °F; –162 °C) совитилади ва атмосфера босимида суюқликка айланади.	Liquefied natural gas cooled to 111 K (–259 °F; –162 °C) and ambient pressure becomes a liquid.
<b>Тизимнинг эфективлиги EFFICIENCY, SYSTEM</b>	Қатор жараёнлар натижасида фойдаланилаётган эффектив ишнинг шу жараёнлар давомида сарфланаётган умумий энергияга нисбати. Тизимнинг эффективлиги қатор жараёнларнинг фақатгина нисбий миқдори ҳисобланади, масалан, двигателнинг маҳовики учун тизимнинг транспорт воситасининг фидирагидаги тизимнинг эффективлигидан фарқ қиласи. Бир тизимдаги тизимнинг эффективлигини бошқача усул билан аниқланган бошқа тизимнинг эффективлиги билан солиштириш кўп ҳолларда тўғри эмас.	The ratio of the useable work that results from some series of processes to the total amount of energy used during those processes. System efficiency is only meaningful in relation to a defined series of processes; for example, the system efficiency for an engine at the flywheel is different (and necessarily higher than) the system efficiency at the wheels of a vehicle. The system efficiency for one system is often compared inappropriately to the system efficiency for another system that is defined differently.
<b>Углеводород (CH) HYDROCARBON (HC)</b>	Асосан табиий ёнилғилар, нефть, табиий газ ва кўмир таркибида мавжуд бўлган углерод ва водороднинг органик бирикмаси: фотокимёвий смог ҳосил қилувчи агент ҳисобланади.	An organic compound containing only carbon and hydrogen, usually derived from fossil fuels such as petroleum, natural gas, and coal: an agent in the formation of photochemical smog.
<b>Углерод оксиди (CO) CARBON MONOXIDE (CO)</b>	Машинанинг чиқариш қувуридан чиқувчи заҳарли модда бўлиб, ёнилғининг тўлиқ ёнмаслиги натижасида ҳосил бўладиган рангсиз, таъмсиз	A pollutant from engine exhaust that is a colorless, odorless, tasteless, poisonous gas that results from incomplete combustion of carbon with oxygen.

	ва ҳидсиз бўлган заҳарли газ.	
<b>Ўз-ўзидан алангаланиш ҳарорати AUTOIGNITION TEMPERATURE</b>	Аланга манбаси бўлмагандан ёнувчи аралашмани ўз-ўзидан алангаланиши учун зарур бўлган минимал ҳарорат. Ўз-ўзидан ёниб кетиш ҳарорати деб ҳам юритилади	The minimum temperature required to initiate self-sustained combustion in a combustible fuel mixture in the absence of a source of ignition. (Also known as self-ignition temperature.)
<b>Ўт олдириш тизими IGNITION SYSTEM</b>	Автомобилда сиқилган ёнилғи-ҳаво аралашмасини ўт олдириш учун двигателнинг цилиндрларини юқори кучланишли учқун билан таъминлаш тизими. Аккумулятор батареяси, ўт олдириш фалтаги, ўт олдириш узгичи ва тақсимлагичи, электр симлар ва ўт олдириш свечалари.	In the automobile, the system that furnishes high-voltage sparks to the engine cylinders to fire the compressed air-fuel mixture. Consists of the battery, ignition coil, ignition distributor, ignition switch, wiring, and spark plugs.
<b>Ҳаво ва ёнилғининг стехиметрик нисбати STOICHIOMETRIC AIR-FUEL RATIO</b>	Ҳаво ва ёнилғининг шундай аниқ нисбатики, бунда ёнилғи тўлиқ ёниб сув ва углерод икки оксидига айланади.	The exact air-fuel ratio required to completely react a fuel into water and carbon dioxide.
<b>Ҳаво- ёнилғинисбати (X/Ë) AIR-FUEL RATIO (A/F)</b>	Ёниш учун кираётган ҳаво ва ёнилғининг массавий нисбати	The proportions, by weight, of air and fuel supplied for combustion.
<b>Ҳавонинг ифлосланиши AIR POLLUTION</b>	Одамлар, ҳайвонлар ёки ўсимликлар учун ҳавонинг ҳар қандай заарли таъсири	Any contamination of the air that is harmful to humans, animals or plants.
<b>Цетан сони CETANE NUMBER</b>	Дизель ёнилғисининг ўз-ўзидан алангаланиш даражасини билдиради. Цетан сони юқори бўлган ёнилғи паст цетанли ёнилғига нисбатан осон	An indicator of the ignition quality of diesel fuel. A high-cetane fuel ignites more easily (at lower temperature) than a low-cetane fuel.

	алангаланади хароратларда). Дизел ёнилғилари учун цетан сони 30 дан 70 гача ўзгаради, 40 дан 50 гача типик ҳисобланади.)	(паст Дизел ёнилғилари учун цетан сони 30 дан 70 гача ўзгаради, 40 дан 50 гача типик ҳисобланади.)	Cetane numbers for diesel fuels range from 30 to 70 while 40 to 50 is typical.
<b>Цилиндрга ёнилғини тұғридан- тұғри пуркаш тизими DIRECT CYLINDER (FUEL) INJECTION SYSTEM</b>	Киритиш клапани ёпилганидан кейин цилиндрдаги ҳавога ёнилғини аралаштириб берувчи мураккаб тизим.	A sophisticated system that forms the fuel-air mixture inside the combustion cylinder after the air intake valve has closed.	
<b>Чиқынди әмиссия EXHAUST EMISSIONS</b>	Двигателнинг чиқариш тизимидан атмосферага чиқаётган зарарлы чиқындар.	Pollutants emitted into the atmosphere through any opening downstream of the exhaust ports of an engine.	
<b>Эжектор EJECTOR</b>	Газни тарқатувчи курилма бўлиб, тизимдаги газ эжектордан чиқиб ҳаво билан аралашади ва оқим билан бирга сўриб олинади.	A device used to circulate gas: new gas enters the ejector where it mixes with and drives the recirculating flow by way of suction.	
<b>Экологик тоза транспорт воситаси (ЭТТВ) ZEV</b>	Атроф-муҳитни ифлослантирмайдиган транспорт воситаси (яни әмиссияси нолга тенг)	Zero Emissions Vehicle	
<b>Әмиссия (чиқынди) назорати EMISSIONCONTRO L</b>	Атроф-муҳит ҳавосини ифлосланишини камайтириш мақсадида ишлаб чиқилган ёки ўрнатилган курилмалар ва жиҳозлар.	Any device or modification added onto or designed into a motor vehicle for the purpose of reducing air polluting emissions.	
<b>Әмиссия стандартлари EMISSION STANDARDS</b>	Маҳаллий, давлат ва ҳокимият қонунчилиги асосида ўрнатилган автомобилларнинг әмиссия учун рухсат этилган даражаси.	Allowable automobile emission levels, set by local, state and federal legislation.	

<b>Энергетик сиғим ENERGY CONTENT</b>	Маълум миқдордаги энергияси миқдори.	Amount of energy for a given <i>weight</i> of fuel.
<b>Энергия зичлиги ENERGY DENSITY</b>	Ёнилгининг маълум хажми учун энергия миқдори.	Amount of energy for a given <i>volume</i> of fuel.
<b>Эффективлик EFFICIENCY</b>	Ҳақиқий натижа билан назарий кутилаётган натижалар нисбати.	The ratio between an actual result and the theoretically possible result.

## **VII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### **II. Норматив-хуқуқий хужжатлар**

6. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ-637-сонли Қонуни.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июнь “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сонли Фармони.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февраль “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 4947-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 май “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиб тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5729-сон Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрь “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5847-сонли Фармони.
15. 15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрь “Илм-фенни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармони.
16. 16. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 25 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
17. 17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори

### **III. Maxsus адабиётлар:**

1. Kenneth Stafford. Alternative Fuels for Automobiles. 2008.
2. Fuel Economy in Road Vehicles Powered by Spark Ignition Engines. John C. Hillard, George S. Springer. New York and London, Plenum Press, 2001.
3. Guzzella Lino | Onder Christopher. Introduction to Modeling and Control of Internal Combustion Engine Systems. Springer, 2013. ISBN: 978-3-642-10774-0
4. Hua Zhao. Advanced direct injection combustion engine technologies and development. Volume 1: Gasoline and gas engines. USA. Woodhead Publishing Limited, 2010.
5. Hua Zhao. Advanced direct injection combustion engine technologies and development. Volume 2: Diesel engines. USA. Woodhead Publishing Limited, 2010.
6. Maximino Manzanera. Alternative Fuel. Croatia. InTech, 2011.
7. The Renewable Energy Home Handbook: Insulation & energy saving, Living off-grid, Bio-mass heating, Wind turbines, Solar electric PV generation, Solar water heating, Heat pumps, & more. Lindsay Porter. 2015, Veloce Publishing.

8. RichardFolkson, Alternative Fuels and Advanced Vehicle Technologies for Improved Environmental Performance. Woodhead Publishing Limited, 2015.
9. Базаров Б.И. Экологическая безопасность автотранспортных средств. – Ташкент: Chinor ENK, 2012. – 216 с.
10. Базаров Б.И., Калауов С.А., Васидов А.Х. Муқобилные моторные топлива. – Тошкент: SHAMS ASA, 2014. – 189 с.

#### **IV. Интернет ресурслари:**

1. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
2. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
3. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
4. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали ZiyoNET
5. <http://natlib.uz> – Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
6. <http://www.infocom.uz>
7. <http://www.press-uz.info>
8. <http://www.fueleconomy.gov>